

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ХУДАЙБЕРГАНОВ РАВШОНБЕК ХУДАЙБЕРГАН ЎҒЛИ

ТАНАТОЛОГИЯ: ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ
(ўқув-услубий қўлланма)

ТОШКЕНТ-2018

Ўқув-услугий қўлланмада танатологиянинг моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари тўғрисидаги илмий ҳамда диний ғояларни фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинган бўлиб, ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги қарашлар эволюцияси, унинг диний таълимотлардаги инъикоси таҳлил қилинган. Шунингдек, инсоннинг маънавий-руҳий фаолиятида ўлим ва барҳаётликка бўлган муносабатлари, клиник ва биологик ўлимнинг ижтимоий-фалсафий мазмуни ҳамда Ўзбекистонда ўлим ва барҳаётликнинг шахс маънавий-ахлоқий камолотидаги аҳамиятини каби масалалар ёритилган.

Ўқув-услугий қўлланма талаба-ёшларнинг ҳаёт маъносини тушуниш умр мазмунини бойитиш билан боғлиқ амалий этикани такомиллаштиришда, ҳамда танатология, ўлим ва барҳаётлик муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган ёш мутахассисларга дастлабки илмий тадқиқот маҳсули сифатида амалий аҳамият касб этади.

Мазкур ўқув-услугий қўлланма институт илмий-услугий кенгашининг 2018 йил 23 майдаги 7-сонли қарори асосида нашр этишга тавсия қилинган.

Такризчилар:

ф.ф.н., доц. Д.Бозоров (ЎзМУ),
ф.ф.н., доц. Д.Расилов (ТАЙЛҚЭИ)

СЎЗ БОШИ

Мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизнинг барча соҳаларида шу каби таълим тизимида ҳам ислохотларни амалга ошириш жамиятимиз олдида турган асосий вазифалардан биридир.

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида танатология, ўлим ва барҳаётлик муаммосига қизиқиш ниҳоятда ортди. Фалсафа фани ҳам инсоният тажрибасини умумлаштириб, ушбу муаммони фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, инсоннинг барҳаётлик муаммоси, азалий ва абадий муаммодир. Дарҳақиқат, “...танатология ўлим, унинг сабаблари, механизми ва белгиларини, шунингдек, ўлим олди азобларни енгиллаштириш муаммоларини ўрганадиган фалсафий таълимотлар”²дан биридир. Танатология ҳаёт, ўлим, барҳаётлик тушунчаларини уйғунлаштиради. Зеро, бу тушунчалар инсон маънавий дунёсининг таркибий қисмидир.

Хўш, ўлим одатда қабул қилингани каби энг улкан ёвузликми? Бунга диалектик ёндашув асосида жавоб бериш лозим. Ўлим оғир йўқотиш. “Лекин ўз ҳолича у табиий ҳодиса – ёвузлик эмас... У узоқ давом этган биологик эволюция мобайнида фойдали ва зарур аҳамиятга эга бўлди”³. Бирок ижтимоий-ҳуқуқий назария, инсон ва маданиятдаги мавзу ўлим жазоси, эвтаназия, терроризм қурбонлари муаммоларини ҳал қилишда алоҳида долзарб аҳамият касб этди ҳамда аста-секинлик билан танатология номини олди.

Ўлим муаммосини тадқиқ қилиш фалсафа, дин, мистицизм, эзотеризм, мифология каби соҳаларнинг изланиш объекти ҳисобланади. Бинобарин, мамлакатимизда тиббий танатология эндигина ривожланаётган ҳамда фалсафий танатологияга дастлабки қадам қўйилаётган бўлсада, ғарбда ижтимоий танатология аллақачон ривожланган.

² Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 15 томлик. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2004. 8-т. – Б. 252.

³ Ламонт К. Иллюзия бессмертия. – М.: Политиздат, 1984. – С. 276.

Зеро, ўлим ва ҳаёт ёки ҳаёт ва мамот бир-бири билан узвий диалектик боғлиқ табиий ҳодисалардир. Бу дунёда ҳаётсиз ўлим, ўлимсиз ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас. Буни Ламетри образли қилиб шундай изоҳлайди: “Нарсалар дунёсида ўлим арифметикадаги нолнинг ўзгинасидан бошқа нарса эмас”¹. Фақат бевақт, фожеавий ўлимни ёвузлик тарзида талқин этиш мумкин. Чунки айнан шундай ўлим туфайли инсоннинг жамият учун қиладиган эзгу ишлари тўхтади: фожеавий қаҳрамон “ўз эркини йўқотиши билан айнан ана шу эркинликнинг мавжудлигини исботлаб, ўзининг эркин ихтиёрини эълон қилиб, ҳалок бўлади”².

Биз ўлмаслик, яъни барҳаётлик деганда асосан ана шу ҳолатни, ижтимоий-ахлоқий идеал сифатидаги ўлмасликни тушунамиз. Жисман ўлмаслик тўғрисидаги фикрлар эса тиббиёт муаммоси бўлиб, унга эришишнинг имкони йўқ, зеро, кексайиш, аъзоларнинг қариши мавжуд экан, бу албатта инсонни ўлимга олиб боради. Шу пайтгача ҳеч ким ўлим нима эканлиги ҳақида аниқ бир тўхтамга келганича йўқ. Фақат танатология соҳаси бу ҳақда чуқур изланишлар олиб бормоқда. Ушбу монографияда айнан шу ҳолатларнинг ёритилиши унинг долзарблигини белгилайди. Бу борада яна куйидагиларни эътиборга олиш лозим:

биринчидан, танатологиянинг умумий қонуниятлари, ўлимни аниқлаш, унинг пайдо бўлиш сабабларидаги терминал ҳолатларнинг хусусиятлари, шунингдек, ўлим содир бўлгандан сўнг мурдада юзага келадиган ўзгаришларни текшириш усуллари, уларни сунъий консервация қилиш билан боғлиқ долзарб муаммолар кўпайиб бормоқда;

иккинчидан, ўлим ва барҳаётлик инсониятнинг эътиборидаги доимий мавзу бўлиб, шифокорлар, психологлар, файласуфлар уларнинг айрим жиҳатларини илмий-назарий ёритиб бериш каби масалаларга эътибор бермоқдалар;

¹ Ламетри Ж.О. Сочинения. – М.: Мысль, 1983. – С. 371.

² Шеллинг Ф. Философия искусства. – М.: Мысль, 1966. – С. 403.

учинчидан, ҳозирги давр ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожининг ўлим билан боғлиқ ўзгариши ва ўлим моҳиятининг умумий қонуниятларини илмий, рационал таҳлил этишни тақозо этмоқда;

тўртинчидан, жамиятимизда олиб борилаётган фан соҳасидаги бир қатор ютуқлар амалга оширилганлиги туфайли, инсоннинг ўлими ва барҳаётлигини ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилиш вазифалари вужудга келмоқда.

Шу нуқтаи назардан ўлим ва барҳаётлик муаммосининг таҳлили жамиятда яшаётган ҳар бир инсоннинг умр мазмунига чуқур ёндошувни шакллантиришни талаб қилади.

Шунингдек, республикаимиз файласуф олимлари Ф. Загиртдинова, З. Муҳаммедова, Ш.Содиқова, Н.Назаровларнинг илмий изланишларида танатологиянинг айрим биотиббий, ахлоқий ва ижтимоий-фалсафий масалаларига алоҳида эътибор берилган⁴.

Жумладан, Ш.Содиқова: “...қариллик айрим ҳолатларда турли касалликларни, меҳнатга лаёқатсизликни, ёрдамга муҳтожликни келтириб чиқаради”¹, – деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, касаллик ва қариллик ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўла олади. Н.Назаров: “ирсий инженериянинг ривожланиши ҳаёт ва ўлим каби тушунчаларни янгидан тушуниб етишни тақозо этмоқда”², – деб ушбу муаммони чуқурроқ ўрганиш кераклигини таъкидлаб ўтади.

Республикаимизнинг шифокор олимлари З.А.Ғиясов, Ф.Т.Қорабоев, К.А.Махсумхонов, А.Г.Қарабоевларнинг илмий изланишларида

⁴ Қаранг: Загиртдинова Ф. Философско-этический анализ проблем современной биомедицины (на примеры Республике Узбекистан): Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора философских наук. – Тошкент: 2006. Загиртдинова Ф. Некоторые проблемы биомедицинской биоэтики. – Тошкент: Университет, 2005., Мухамедова З. Биоэтика. – Тошкент: Университет, 2006., Содиқова Ш. Авлодлараро ворисликни таъминлашда қарияларнинг ўрни (социологик таҳлил): Социология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси. – Тошкент: 2006., Назаров Н. Ирсий инженерия ахлоқий муаммоларининг фалсафий таҳлили: Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертация Автореферати. – Тошкент: 2008. – 26 б.

¹ Содиқова Ш. Авлодлараро ворисликни таъминлашда қарияларнинг ўрни: (социологик таҳлил). Социология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси. – Тошкент: 2006. – 3 б.

² Назаров Н. Ирсий инженерия ахлоқий муаммоларининг фалсафий таҳлили: Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертация Автореферати. – Тошкент: 2008. – 11 б.

танатологиянинг суд-тиббий экспертиза билан боғлиқ жиҳатларига эътибор қаратилган³. Жумладан, З.А.Ғиёсов ва Қ.А.Махсумхоновлар: “Амалдаги қонун-тартибга мувофиқ зўраки ўлим кўриниши ҳисобланган ўз-ўзини ўлдириш ҳоллари суд-тиббий экспертиза объектидир. Зеро, ўз-ўзини ўлдириш ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, маълумотларни йиғиш уни илмий ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама чуқур ўрганиш, таҳлил этиш орқали амалга оширилади”⁴, – деган хулосага келишади. Шу нуқтаи назардан фикримизча, суицид ҳолатларининг юзага келишида аҳамиятли бўлган эпидемиологик хавф омилларини ўрганиш, уларнинг олдини олишга қаратилган превентив чора-тадбирларни ишлаб чиқишда суд-тиббий экспертиза материалларининг таҳлили алоҳида эътиборга моликдир.

Хуллас, ўлим ва барҳаётлик асрлар мобайнида асосий муаммо сифатида ўрганилиб келинган. Аммо ҳозирги кунда Мансур Тенглашев ва Аҳмад Отабоевлар томонидан Раймонд Моудининг “Ўлимдан кейинги ҳаёт”¹, Рашид Зоҳид томонидан таржима қилинган Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ўлимдан сўнг...” ва “Ўлимни эслаш китоби”² каби асарларни инобатга олмаганда, ўзбек фалсафасида ўлим ва барҳаётлик тўғрисида илмий ва диний ғояларнинг фалсафий таҳлили мавзусида ҳанузгача етарлича маълумот берилмаган. Шу боис, ушбу монографияда ўлим ғоясининг қадимдан ҳозирги давргача ижтимоий-фалсафий жиҳатини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Бир

³ Ғиясов З.А. Судебно-медицинская характеристика причин детской смертности в Узбекистане: Диссертация на соискание учёной степени доктора медицинских наук. – Тошкент: 1994., Ғиясов З.А., Қарабоев Ф.Т., Махсумхонов К.А. Суд тиббий экспертиза масалаларида ўз-ўзини ўлдириш ҳоллари ҳақида // Ҳуқуқ тиббиёти, илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 1997., Ғиёсов З.А., Махсумхонов Қ.А. Суицид ҳолатларининг суд-тиббий масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006., Карабоев А.Г. Морфофункциональные изменения в гипоталамо-гипофизарно-нейросекреторной системе в процессе умирания и оживления организма: (Экспериментальное исследование). Диссертация на соискание учёной степени кандидата медицинских наук. – Самарканд: 1998. – 24 с.

⁴ Ғиёсов З.А., Махсумхонов Қ.А. Суицид ҳолатларининг суд-тиббий масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 5.

¹ Раймонд Моуди. Ўлимдан кейинги ҳаёт. Таржимонлар – Мансур Тенглашев, Аҳмад Отабоев. – Тошкент: Спитамен, 1992. – 125 б.

² Қаранг: Абу Ҳомид Ғаззолий. Ўлимдан сўнг... (араб тилидан таржима). Таржимон ва луғат тузувчи Рашид Зоҳид. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005., Абу Ҳомид Ғаззолий. Ўлимни эслаш китоби (араб тилидан таржима). Таржимон ва луғат тузувчи Рашид Зоҳид. – Тошкент: Мовароуннахр, 2004. – 110 б.

томондан, бу таҳлил орқали инсоният энг қадимги даврлардаёқ ўлим сирини топишга ҳаракат қилгани, бироқ унга эришмаганлиги ойдинлашади; иккинчи томондан, ўлим ғоясининг тарихи унинг эволюциясига релятив нуқтаи назарни шакллантиради.

I БОБ. ТАНАТОЛОГИЯ: ЎЛИМ ВА БАРҲАЁТЛИКНИНГ НАЗАРИЙ- ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Фалсафа тарихида танатос сўзи Худонинг ўлими сифатида мифологик қарашлар асосида тасвирланади. Кейинчалик эса бу тушунча мифологик адабиётларда, санъат ва психологияда кенг ишлатила бошлаган. Мазкур соҳаларда танатос сўзи ўлимнинг турли қирраларини ифодалаш, унинг мазмун-моҳияти, инсон руҳиятига кўрсатадиган таъсирининг ўзига хослиги сифатида ифодаланади. Мазкур бобда танатоснинг қандай қилиб, танатологияга айланганлиги, унинг муаммолари доирасига кирувчи объектив ва субъектив омиллар ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этилган. Ўлим ва барҳаётликнинг ўзаро нисбати хусусидаги фалсафий қарашлар эволюциясини батафсил ёритишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, ўлим ғоясининг маданий-фалсафий таърифлашнинг қадимги замондан постмодернча бўлган даврларга хос мантикий фикрларини ўрганишга ҳаракат қилинган. Бир томондан, ўтмишга назар соладиган бўлсак, ғарбий-европа тафаккурининг икки ярим минг йилдан ортиқ тарихида ўлимнинг ягона асосини (архетипини) топиш мумкин. Аммо бунга ижтимоий маданият ривожланиш жараёнлари тўсқинлик қилади. Бошқа томондан эса, ўлим ғоясининг тарихи унинг мазмунан шаклланиш тараққиётига нисбий қарашни юзага келтиради. Умуман олганда, эса ўлим ғоясини англаш учун унинг «изларини» - дискурсларини (мантикий илдизларини) ўрганиш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилади.

1.1. Танатология тушунчасининг фалсафий таҳлили

Бугунги кунда ўлим ва барҳаётлик масалаларини чуқур тадқиқ этаётган соҳа танатологиядир. Мазкур фан соҳаси ўзининг узоқ ўтмишига эга бўлмаса-да, унинг муаммолари доираси қадимдан мавжуд бўлган. Зеро, инсониятни ўлим, унинг сабаблари, ўлим олди азобларини қандай енгиш масаласи азалдан ўзига жалб этиб келган. Дарҳақиқат, ҳар бир ақли расо инсон ўз ҳаётининг мазмуни тўғрисида фикр юритиб, ўлим ва барҳаётлик ҳақида ўйлайди. Лекин шу пайтгача ҳеч ким ўлимнинг нима эканлиги ҳақида аниқ бир тўхтамга келганича йўқ. Фақат танатология соҳасида бу ҳақда чуқур изланишлар олиб борилмоқда.

Танатология юнонча “θάνατος”, “Thanatos” – ўлим, “λόγος”, logos-сўз, таълимот, яъни ўлим ҳақидаги таълимот маъносини англатади. Баъзи адабиётларда танатос сўзи ўрнида фанатос, танат, фанат кабилар ҳам ишлатилади¹. Фалсафа тарихида танатос сўзи Худонинг ўлими сифатида мифологик қарашлар асосида тасвирланади. Кейинчалик эса бу тушунча мифологик адабиётларда, санъат ва психологияда кенг ишлатила бошлаган. Мазкур соҳаларда танатос сўзи ўлимнинг турли қирраларини ифодалаш, унинг мазмун-моҳияти, инсон руҳиятига кўрсатадиган таъсирининг ўзига хослиги сифатида ифодаланса, *А.Шопенгауэр қарашларида инсон иродасини белгилаб берувчи ва ўзгартирувчи тушунча тарзида талқин этилган². Биологик нуқтаи назардан эса А.Вайсман қарашларида “инсон организмнинг якуний босқичи” сифатида қайд этилган³. Бироқ у бунда фақат тиббиётнинг классик ютуқларидан фойдаланган. Фикримизча, бу масалада танатологиянинг замонавий ғояларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан шу соҳада ўлим фақатгина инсон организмнинг

¹ Новейший философский словарь / Сост. А.А.Грицунов. – Мн.: Изд. В.М. Скакун, 1998. – С. 698-699.

* Худайберганов Р. Артур Шопенгауэр қарашларида ўлим назарда тутилган.

² Қаранг: Шопенгауэр Артур. Избранные произведения. Сост., прим, вост. ст. И.С.Нарвский. – М.: Просвещение, 1992. – С. 479.

³ Қаранг: Новейший философский словарь / Сост. А.А.Грицунов. – Мн.: Изд. В.М. Скакун, 1998. – С. 699.

якуний босқичи эмаслиги ва бу масалада парадоксал қарашлар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Танатос муаммосига Э.Вейсс, М.Клейн, П.Федерн, З.Фрейд, Шпильрейн, В.Штекель, А.Штерке каби психоаналитиклар жиддий эътибор қаратганлар¹. Улар ўз тадқиқотларида ўлим ҳодисаси инсон руҳиятини тубдан ўзгартириб юборишига ва онг остидаги фикрларни уйғотишга қодир эканлигини исботлашга уринганлар.

Фикримизча, мазкур тадқиқотлардаги асосий эътибор инсоннинг ўз ўлими олдидаги руҳий ҳолатига қаратилган. Бироқ ўлимни ўрганиш психологиянинг ҳам, ҳатто психоаналитиканинг ҳам тадқиқот доирасидан кенгроқдир. Бизнингча, айнан шу ҳолатлар ўлим ва барҳаётлик масаласини фалсафий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади.

Танатологиянинг асосини ташкил этувчи танатос, яъни ўлим тушунчаси турли миллат ва элатларда жумладан, инглизларда “to go” (кетмоқ), “to hop off the twig” (шохдан сакраш), немисларда “die Augen schliessen” (кўзни ёпмоқ), “heimgehen” (узоққа кетмоқ), италияликларда “ritornerare” (нуль ёнига қайтиш), испанларда “irse al otro portrero” (бошқа яйловга йўл олиш), французларда “casser sa pipe” (ўз трубкасини синдириб қўймоқ), “il dit bonsoir a'la compagnie” (компания билан хайрлашиш) каби ўзига хос тарзда талқин қилинади. Шунингдек, қабр масаласида ҳам турлича талқинлар мавжуд. Масалан, русларда “қабристон” (ором олиш, тинчланиш жойи), инглизларда “God's acre” (Худо даласи), немисларда “der heilige Ort” (муқаддас жой), испанларда “chacarita” (кичик ферма), французларда “boulevard des allopes” (узунлаштирилган бульвар) деб талқин қилинади². Юқоридаги фикрлардан, ўлим инсоннинг дунёдаги барча азоб-укубатлардан қутулиб, нариги дунёда руҳининг абадий, мангу яшаши деган хулоса келиб чиқади.

¹ Қаранг: Новейший философский словарь / Сост. А.А.Грицунов. – Мн.: Изд. В.М. Скакун, 1998. – С. 699.

² Рязанцев С. Танатология – наука о смерти. – СПб: Восточно Европейский Институт Психоанализа Санкт – Петербург, 1994. – С. 87-88.

Ўзбекларда бу масалага жавоб бериш учун биз Абу Ҳомид Ғаззолий келтирган далилларга таянамиз. Унинг фикрича, “...гўр (инсон руҳи яшайдурғон), дўзахнинг ғорларидан бири ва ё биҳиштнинг боғчаларидан биридир”¹. Бизнингча, гўр инсон ўлик танасининг абадий ухлайдиган кичкинагина кулбаси ҳисобланиб, инсон ўша кулбага вақти-вақти билан бориб, оламдан ўтган ота-боболарининг, Абу Ҳомид Ғаззолий таъбири билан айтганда, дўзахнинг ғорларидан бири ёки биҳиштнинг боғчаларидан бирида яшайдиган руҳини шоду хурсанд қилиб туриши лозим. Шу боис ўлим ва барҳаётлик масаласида фикр юритганда Абу Ҳомид Ғаззолий кўрсатиб ўтган ана шундай диний ақидаларга таяниб иш кўрадилар.

Ҳозирги кунда танатос ҳодисасининг илмий асослари жуда кўп олимлар томонидан тадқиқ қилинмоқда. Турли усуллар билан ўлимнинг сир-синоатини англашга, унинг ортидаги ҳақиқатларга эришишга ва ўлимдан кейинги ҳаёт, яъни барҳаётлик тушунчасига аниқлик киритиш борасида изланишлар давом этмоқда. Улардан бири ўлимдан кейин ҳаёт борлиги устидаги изланишлардир.

Олиб борилган тадқиқотларда танатос, яъни ўлим организм ҳаёт фаолиятининг муқаррар тўхташи сифатида қайд этилади. Ўлим қайд этилгандан сўнг, ҳаёт функциясини тиклаш мумкин эмас ва ҳар қандай қайта тирилтириш чоралари ҳам инсонни ҳаётга қайтара олмайди деган ғоя устувор бўлган. Бироқ кейинчалик матбуотда одамларнинг қайта тирилганлиги ҳақида кўплаб шов-шувлар пайдо бўлгандан сўнг бу масала янада долзарб аҳамият касб этди. Оқибатда эса фаннинг яна бир янги соҳаси танатология шаклланди. Дастлаб, асосий эътибор ўлим жараёнини ўрганиш, унинг сабаби ва мурдада содир бўладиган ўзгаришларга қаратилган эди². Бироқ ҳозирга келиб танатология соҳасининг ҳам тадқиқот объекти ва предмети ўзгаришларга юз тутди. Буни биз ўлим билан биргаликда барҳаётлик

¹ Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимиёи саодат: (Рух ҳақиқати). – Тошкент: Адолат, 2005. – Б. 102.

² Қаранг: Баканова А.А. Отношение к жизни и смерти в критических жизненных ситуациях: Дисс.... канд. психол. наук. – СПб.: 2000. – С. 203.

масаласининг таҳлил этилиши билан ҳам изоҳлашимиз мумкин. Баъзи адабиётларда танатология - ўлим ҳақидаги таълимот, ўлим сабабини ўрганувчи, ўлиш жараёни ўтишини (танатогенез), организм тўқималаридаги ўлиш ва ўлим билан боғлиқ ўзгаришларни, ўлим жараёнига шифокорнинг аралашуви муаммоларини ўрганувчи организмнинг қайта тирилиши, жонланиши (реанимация); қон йўқотиш, асфиксия (инсон қони ва тўқималарида кислород етишмаслиги сабабли бўғилиш) – тасодифий сабаблардан ўлишда қайта тикланиш, шок каби тиббиёт бўлимларидан бири: ҳаётга қобил организм функцияларининг сўна бориши ёки эндигина сўниши; шунингдек, касалнинг ўлим олди азобларини енгиллаштириш (эвтаназия) эканлиги қайд этилади¹. Бизнингча, танатологияда ўлимнинг паталогик жараён эканлиги, ўлим динамикасининг тиббий, биокимёвий ва морфологик хусусиятларига ҳам эътибор қаратилади. Мазкур атаманинг асосчиси И.И.Мечников тиббиёт ва биология фанларининг ўлим ва барҳаётлик ҳақидаги ютуқларига таянган ҳолда танатология атамасини илмий таҳлил қилган. Фикримизча, танатологиянинг илк ривожланиш босқичида фақатгина ўлимнинг табиий-илмий хусусиятларигина ёритилган бўлса-да, у кейинги тадқиқотлар учун муҳим йўналишларни очиб берган. Оқибатда эса ўлим тўғрисидаги диний, табиий-илмий ва фалсафий концепциялар шаклланган. XX аср танатология соҳасининг ривожланишида Ф.Л.Биша, Клод Бернар, Р.Вирхов ва бошқаларнинг асарлари муҳим аҳамият касб этади². Зеро, қадимги даврдан бошлаб то ҳозирги кунгача аксарият фалсафий адабиётларда умумий, хусусий, суд тиббиёти, назарий, эмпирик ва ғарб танатологияси каби турлари алоҳида ажратиб кўрсатилади:

Умумий танатологияда инсон ҳолатининг ўлим билан боғлиқ ўзгаришини ва ўлимнинг моҳиятини, умумий қонуниятларини илмий,

¹ Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати. Тузувчилар: М.Х. Саидов ва бошқ. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 318-319.

² Қаранг: Шиловская Н.С. Феномен смерти в диалектике естественного и искусственного: Дисс.... канд. филос. наук. – Новгород: 2004. – С. 197.

рационал таҳлил этиш устувор аҳамият касб этади. Фалсафада ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги асосий масалалар умумий танатология доирасида ҳал этилади. Умумий танатологиядаги ўлим муаммосини инсоннинг ўлимга ўтиш жараёнидаги ўзини тутиш типлари ва ўлимдан кейинги мавжудликни эҳтимолий истиқболларида намоён бўладиган индивидуал ва умумийлик диалектикаси орқали кўриши мумкин. Масалан, Шарқ маданиятида, хусусан, буддизмда ўлим борлиқнинг манбаларига қайтиш, индивидуал онгнинг бўшлиқ билан бирлашуви сифатида қайд этилади. Бу жараёнда инсоннинг “мен”и кўзга кўринган эҳтиёжлардан келиб чиқадиган азоблардан холос бўлиш сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам А.Шопенгауэр ўз қарашларида Шарқ фалсафасининг таъсирини тан олиб, шахснинг абадий мавжудлигини инкор этади. У индивидуал онгга эга инсон билиши керак бўлмаган нарса, эрк қондаси ва ўлимдан кейин у билан бирлашишдан иборат деб қарайди¹.

Хусусий танатологияда ўлимнинг сабабларини аниқ касалликлардан “танатогенез” хусусиятларини ўрганиш каби муаммоларга ва тиббиёт билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилади.

Суд тиббиёти танатологияси қасддан содир этилган ва тўсатдан содир этилган ўлимда мурдадаги клиник, биокимёвий ва морфологик ўзгаришлар моҳияти, мурдаларнинг суд тиббиётига оид текшириш муаммолари ҳамда суд тергови билан боғлиқ масалаларни ўрганади.

Назарий танатологияда ўлим ва барҳаётлик ҳақидаги муаммоларнинг таҳлили қайд этилади.

Эмпирик танатология ўлим муаммосини, ўлим олди ёки ўлим атрофидаги тажрибанинг илмий-фалсафий хусусиятларини ўрганувчи таълимот. У тиббий танатологияда ёрқин намоён бўлади.

¹ Қаранг: Шопенгауэр Артур. Избранные произведения. Сост., прим, вост. ст. И.С.Нарский. – М.: Просвещение, 1992. – С. 479.

Ғарб танатологияси инсонни ҳаётдан тўғри ва кафолатли, чиройли кетишини таъминлашга, ўлим технологиясини илмий асослаб беришга қаратилган йўналишдир. Ушбу йўналиш танатологияни XX асрнинг иккинчи ярмида фан даражасига кўтариб, ўлим ва ҳаётнинг фундаментал парадигмасини яратди. Ҳозир ғарбда бу ҳақда кўпгина йирик илмий конференция ва симпозиумлар ўтказилмоқда, турли хил ижтимоий ташкилотлар ташкил этилмоқда ва бу ҳақда жуда катта ахборот базаси вужудга келмоқда. Масалан, “АҚШ да “The Association for Death Education and Counseling” (ADEC), Ўлим ҳақидаги билимларни тавсия этадиган (ЎХБТЭ) ассоциация ўзида олимлар, шифокорлар, психологлар ва файласуфларни жамлаб, ўлим ҳамда ўлишнинг назарий-амалий масалалари билан шуғулланмоқда. “Лаззатли ҳаёт ва лаззатли ўлим” – бу ҳозирги ғарб танатологиясининг асосий шиори. Яна шуни айтиш мумкинки, 2001 йил август ойида Москва Танатотерапия институти ташкил этилган. Унинг асосий мақсади ўлим ва ўлиш жараёнлари билан тўғри муносабатлар ўрнатишни ташкиллаштириш, “тўғри ўлиш маданиятини” ишлаб чиқиш ҳамда тақдим этишдан иборатдир.

Бироқ Ғарбий Европа фалсафасида Августиндан тортиб, Б.Паскал, С.Кьеркегор кейинроқ экзистенциал фалсафага ўтаётган фалсафий анъаналарда инсон азоблари қадрият сифатида қаралади, улар борлиқнинг эмоционал тўлиқлигини, олий моҳиятга етишнинг намоён бўлиши учун зарурлигини алоҳида қайд этиб ўтадилар¹. Онгдан азоб ва уқубатга ҳар қандай ишорани йўқотишни кўзғовчи ўлимга бефарқлик ҳаётнинг ахлоқий мазмунини пасайтиради. Бинобарин, “ҳаёт – ўлимгача бўлган борлиқ, азоб бу-ҳаётга ҳақиқий муносабатдир”². Бу фикрлар ҳаётнинг ахлоқий мазмунини пасайтирадиган ўлимга бефарқ бўлмаслик лозимлигига ишорадир.

¹ Қаранг: Гагарин А.С. Экзистенциалы человеческого бытия одиночество, смерть, страх (от античности до Нового времени). Историко-философский аспект: Дис.... док. филос. наук. – Екатеринбург: 2002. – С. 355.

² Қаранг: Гагарин А.С. Экзистенциалы человеческого бытия одиночество, смерть, страх (от античности до Нового времени). Историко-философский аспект: Дис.... док. филос. наук. – Екатеринбург: 2002. – С. 355.

Ўлим ва унинг содир бўлиш механизмларини тадқиқ этишдан олдин ҳаёт ўзи нима эканлигига тўхталиб ўтсак. Чунки ҳаётнинг нималигини билмасдан, ўлим ҳақида фикр юритиш мумкин эмас.

Бизга маълумки, ҳозирги давр фалсафасида тирик ва нотирик мавжудот орасида фарқ борлиги бир неча асрлар давомида шаклланиб келган. Зеро, шу вақтгача “Ҳаёт ўзи нима?” деган саволга аксарият файласуф ва олимлар жавоб излаганлар. Жумладан, улар ҳаётнинг пайдо бўлиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, тирик жонзотларнинг турли-туманлиги, кўпайиши, тараққиёт омиллари каби саволларга жавоб бериш жараёнида одамзод ўз табиатини билиб олишга, ўз ҳаёт фаолиятининг характерини аниқлашга интилади. Бинобарин, тирик организмларнинг тараққиёти ҳақида умумий-генетик тасаввурга эга бўлиш ўзига хос илмий тасаввурларнинг шаклланишига, ҳаёт феноменини янада чуқурроқ тушунишга олиб келади.

Одатда ҳаётга тегишли кўплаб таърифларда унинг ўзига хос маъноси тўғрисида ҳеч нима кўрсатилмайди. Шунинг учун ҳам ҳаётни унинг ташувчиси (соҳиби) характеристикалари асосида (масалан, оқсил характеристикалари) тушуниш шаклланган. Яна шуни айтиш жоизки, кўп ҳолларда ҳаётнинг маъноси яшашдан мақсад билан қориштириб юборилади. Ваҳоланки, уларни айнанлаштириш мумкин эмас, чунки ҳаётнинг маъноси мақсадга нисбатан жуда кенг қамровли тушунча, у ўнлаб, балки юзлаб мақсадларни ўз ичига олади, аниқроғи, у муайян мақсадлар тизимидан ташкил топади. Шу боис, кимнингдир бирор-бир эзгу мақсади амалга ошмай қолса, унинг ҳаётини “маъносиз” деб бўлмайди.

Айрим тоифа одамлар борки, улар ҳаётининг маъносини энг юксак қадриятлар билан боғлайдилар ва жамиятда юксак ахлоқ эгаси, гўзаллик ошуфтаси, эътиқоди бут кимсалар сифатида эътибор қозонадилар. Улар олий идеалларга интилиб, фидойиларча умр кечирадилар. Ҳаётининг маъносини ўзидан кейин қолдирадиган “иккинчи умр”, яъни “барҳаётлик”да кўрадилар. Ҳар бир жамиятнинг тараққий топиши ёки таназзули ҳаётнинг маъносини

ана шу тарзда тушунувчиларнинг кўплиги ёки камлиги натижасида рўй беради, бир сўз билан айтганда, “юртим деб, элим деб ёниб яшайдиган”¹ бундай одамлар юксак ахлоқли, демократик, эркин жамиятнинг устунларидир.

Биз юқорида кўриб чиққан тоифалар икки умумий ижтимоий-маънавий гуруҳнинг бирига, таъбир жоиз бўлса, шартли равишда дунёвий деб аталадиган қисмига мансуб.

Иккинчи гуруҳни эса эътиқодий-диний деб номлаш мумкин. Бу гуруҳ ҳаётнинг маъносини Худони топишда, Унга етишишда деб билади. Бунда гоҳо черков ёки шариат ақидалари орқали эмас, балки муҳаббат воситасида ҳам Худога мурожаат қиладилар. Масалан, буюк рус мутафаккири ва ёзувчиси, православ черковидан таъқиб қилинган Лев Толстой: “Мен фақат Худога ишонган онларимдагина ҳақиқий яшаганимни эсладим... Худони таниш ва яшаш дегани бир хил гап, Худо ҳаёт демакдир”, – деб ёзади.²

Демак, ҳаётнинг маъносини тушунишда ҳар икки ижтимоий-маънавий гуруҳда ҳам турли қарашлар мавжуд. Лекин улар бир масалада яқдил: ҳаётнинг маъноси ўз манфаатларини ўзгалар манфаати билан боғлаб, олий қадриятлар ва юксак ақидаларни ички шиор қилиб яшашдадир, деган ахлоқий қоидага биноан умр кечирадилар.

Бошқа илмий ёндашувларда эса ҳаёт кўпинча физика–кимёвий жараёнларнинг ўзига хос ўзаро таъсири деб ҳам қаралади. Жумладан, Ж.Бернал фикрича: “Ҳаёт – атом электрон ҳолатларининг атроф-муҳит билан қисман, узлуксиз, ўсиб боровчи, кўп томонлама ва ўзаро таъсирлашувчи потенциал имкониятларининг ўз-ўзидан амалга ошишидир”.³ Бироқ, бу каби

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 37.

² Толстой Л.Н. Признание // Собрание сочинений В 22-х т. – М.: ИХЛ, 1983. Т.16. С. 151.

³ Берналь Дж. Возникновение жизни. – М.: 1969. – С. 20.

таърифлар ҳаётнинг ўзига хос белгиларини кўрсатмайди, балки тирикнинг нотирик билан боғлиқлигини кўрсатади, холос.

Фалсафий–онтологик нуқтаи назардан ҳаёт – бу жараёндир, бунда борлиқнинг потенциал сифатлари унинг долзарб қийматларига айланади. Фикримизча, ҳаёт борлиқнинг актуаллашиш жараёнидир, бу жараённинг турли шаклларида борлиқнинг имкониятлари очилади. Ҳаёт борлиқда ўзига хос муаммо бўлиб, борлиқ ифодаланишининг асосий усулларига айланади. Бироқ мазкур жараёнда тирик ва нотирикни қиёслаш, кузатув маълумотлари асосида ҳаётнинг барча хоссалари: овқатланиш, нафас олиш, сесканиш, фаоллик, кўпайиш, ўсишни характерлаш мумкин. Дарҳақиқат, тирик мавжудот, нимаики бўлмасин, модда ва энергия манбаи тарзида овқатга муҳтож, бунда ўсимликлар ва жониворлар ўз овқатини қандай топишларига кўра фарқ қиладилар. Нафас олиш эса организмда органик моддаларнинг оксидланиши туфайли энергия чиқариш жараёнидир. Умуман олганда, барча тирик моддалар ташқи ва ички муҳит ўзгаришларига жавоб бериш қобилятига эгадир. Бизнинг назаримизда, сесканишнинг турли шакллари уларнинг тирик қолишларига имкон беради.

Демак, организмларнинг фаоллиги уларнинг ҳаракатланиши ёки хулқига оид қобилятида намоён бўлади. Жониворларнинг фаоллиги ўсимликларнинг фаоллигидан сезиларли даражада фарқ қилади, чунки улар овқат топиб ейишлари учун атроф-муҳитда ҳаракатланишлари лозим. Турнинг яшаб қолиши ота-она авлодидаги энг муҳим белгиларнинг келгуси авлодда кўпайиши орқали сақлаб қолинади.

Тирик организмлар озик-овқат моддаларини истеъмол қилишга доир ички жараёнлар ҳисобига ўсади. Булардан келиб чиқиб, организмларнинг юқорида санаб ўтилган белгилари уларнинг тирик ёки ўлик эканини билдиради. Зеро, тирик табиатда бу белгиларни кузатиш ҳаётнинг интеграл характеристикаларини, биринчидан, модда алмашинувига доир энергетик жараёнлар; иккинчидан, ўз – ўзидан ташкилланиш белгилари; учинчидан,

информацион – генетик белгилар; тўртинчидан, эволюцион белгиларни аниқлашга имкон беради. Баъзи адабиётларда қайд этилишича, кўпайишида тирик организмлар структураларининг ҳар бир келгуси авлодда янгидан вужудга келишини турлича талқин қиладилар. Бундай талқинлар фалсафа ва фанда преформистик ва эпигенетик номини олган¹. Демак, ҳаётнинг ташкилланишига доир бу икки нуқтаи назар фалсафа ва биологияда узоқ муддат бир-бири билан рақобатлашиб келади.

Преформистик² (лотинча “олдиндан ҳосил қиламан” деган маънони билдиради.) гипотезага мувофиқ организмнинг тараққиёти ва белгилари унинг пушт структураларида, яъни жинсий ҳужайралари структураларидаёқ маълум бўлади. Преформизм тарафдорларининг қарашлари ўзининг радикал хусусияти билан алоҳида ажралиб туради. Унга кўра, тирик мавжудотлар барча келгуси авлодларининг пушт куртаклари улар яратилган вақтнинг ўзидаёқ аввалдан белгиланган деб даъво қилишга олиб келади. Бинобарин, преформистик нуқтаи назарга кўра организмлар “матрешка модели”да ўз аксини топади. Яъни ҳар бир келажак авлод пушти ундан олдинги ўтган авлод пуштида “яшириб” қўйилган бўлади.

Эпигенетик гипотезада аксинча, организмнинг тараққиёти турли сабаб, куч ва мақсадларга боғлиқ бўлган кетма-кет янги тузилмаларнинг юзага келиш йўли билан амалга ошади деб ҳисобланади. Масалан, Аристотель организм пуштида тайёр структуралар йўқ деб айтган, чунки улар организм тараққиётининг ҳар бир босқичида янги тузилма тарзида пайдо бўлади. Организм структураларининг тараққиёти эса мақсадга мувофиқ (теологик) характерда бўлади. Юнонча “эпигенез” сўзидаги “эпи” олд қўшимчаси ҳаракат йўналишини унинг потенциал хоссаларидан уларнинг реаллашишига

¹ Қаранг: Попов Г.А. Проблема жизни и смерти в религиозно-философской антропологии Л. Н. Толстого: Дисс.... д-ра филос. наук. – М.: 2006. – С. 350.

² Преформизм // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 15 томлик. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2004. 7.Т. – Б. 168.

қараб йўналганини билдиради¹. Бироқ преформистик ва эпигенетик қарашлардаги организмлар структураларининг қайта тикланишига оид хатоликлар ва уйдирмалар фақат XX асрга келиб, генларнинг кимёвий структуралари равшанлашиб, ирсий ахборотни сақлаш ва узатиш механизмлари топилгандан сўнг бартараф этилди. Унга кўра, ҳар бир организм учун зарур бўлган ахборот унинг келгуси наслларига ирсият йўли билан узатилади.

Ахборот генетик структураларда – организм генлари ва хромосомаларида бўлади. Бу жарёнда ирсий ҳолда структуралар эмас, уларнинг хоссалари тавсифи узатилади. Ҳар қандай бундай тасниф организмнинг ирсий дастури бўлиб, шу дастурни у келгуси авлодларга узатиши мумкин. Бундан ташқари, организм структурасининг ҳар бир таснифига уни тайёрлаш инструкцияси (технологияси) кирган бўлади. Бошқача айтганда, ирсий дастурда организм тузилишининг ўзига хослиги таснифи берилган, унинг структураларини тайёрлаш амаллари кетма-кетлиги механизмини эса ота-она организми (аждод организми) генетик структураларини авлодлар (насллар) томонидан нусхалаш муолажасига ўхшатиш мумкин. Бунда аждод структураларидан келгуси авлод структураларини тайёрлаш учун матрицалар сифатида фойдаланилади. Бир аждод генетик структураларининг бошқа авлодларга узатишда мутациялар (хатоликлар, ўзгаришлар) рўй бериши мумкин, уларнинг сабаби табиий ва сунъий омиллар таъсирида бўлади. Мутациялар организмнинг ҳар қандай хоссаларига ҳам тегишли бўлиши мумкин, шундай эканлиги уларнинг модификациялари кўринишларининг турли-туманлигида намоён бўлади. Генетик механизмлар организмлар структураларининг сақланиш, қайта тиклаш, дастурлаш функцияларини таъминлаб, уларнинг энергетик

¹ Эпигенизм // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 15 томлик. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2004. 10.Т. – Б. 230.

ресурсларга эҳтиёжини, ривожланиш чегараларини ва табиатини белгилаб беради.

Хуллас, ҳаёт тўғрисида ҳам олимлар ва файласуфлар аниқ бир фикрга келмаганлар. Жумладан, академик В.П.Доброхвалов: “Материя ўз ҳолича ўлик, ҳаракатсиздир, у ўзича ҳеч қандай ҳаётни вужудга келтира олмайди ва бу далилни ҳақиқий фан аллақачон исботлаган”¹, – деб ёзади. Шу маънода немис файласуфи И.Кант ҳам: “Арзимаган кичкинагина чанг зарраси ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди”², – деган хулосага келади. Кант: “Кимнинг ҳаёти каттароқ қийматга эга бўлса, у шунча ўлим билан юзлашишдан кўркмайди”³, – деб таъкидлайди.

Бизнингча, бу олимларнинг қарашларида объектив идеализм унсурлари мавжуд бўлиб, улар асосий эътиборни илоҳий куч-қудрат билан боғлашга интилганлар. Шу ўринда яна бир қизик далил: 30 йилдан ошиқроқ вақт мобайнида Опарин раҳбарлигидаги гуруҳ тирик мавжудотни яратиш устида тадқиқот олиб бориб, лоақал бир ҳужайрали тирик организмни ҳам дунёга келтира олмаганлиги қайд этилади.

Бизнинг фикримизча, ҳаёт феномени тўғрисидаги фалсафий таълимотлар фан учун ҳам муносиб тарзда рационал озуқа бера олди. Зеро, фалсафанинг марказий муаммоси бўлган инсон ва унинг ҳаёти мазмуни бундай қарашларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Дарҳақиқат, ҳар қандай инсоннинг оламда алоҳида яшаши содда бўлиб кўринса-да, аслида унинг тана ва психик тузилиши, ҳаёт тарзининг эволюцияси, хулқи, онги, билиш ва коммуникатив қобилиятларининг эволюцияси ниҳоятда узоқ муддатли ва мураккабдир. Ҳозирги вақтда инсоннинг ҳаёт эволюцияси бу эволюцияга хос бўлган антропологик, маданий ва ижтимоий – тарихий хусусиятларини ҳисобга олмайдиган инсон ҳақидаги таълимотни кўрсатиш

¹ Доброхвалов В.П. Философские и естественнонаучные предпосылки учения И.В. Мичурина [Текст]: научное издание / В.П. Доброхвалов. – М.: Наука, 1954. – С. 260.

² Кант И. Критика чистого разума / Пер. с нем. Н. Лаосского сверен и отредактирован Ц. Г. Арзаканяном и М.И.Иткиным, Примеч. Ц.Г.Арзаканяна. – М.: Изд-во Эксмо, 2007. – С. 736.

³ Ўша манба: – С. 568.

мушкил. Бинобарин, ҳаёт феноменини тушуниш, тушунтириш фалсафа ва фаннинг мураккаб ҳамда қизиқарли масалаларидан бўлиб қолиши баробарида ўлим феноменини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Ўлим феномени нима? Унга қарши қандай чоралар бор каби ўта мураккаб саволларга инсоният бутун тарихи давомида жавоб топишга ҳаракат қилмоқда. Шу боис, ҳозирги кунда ўлим фалсафаси ва унинг айрим масалаларига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ўлим феномени табиий ҳодиса бўлиб биологик эволюцияда доимо алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада В.С.Поликарпов: “Инсоннинг биологик ўлиmidан сўнг унинг информатсион ғоявий фикрларининг қаймоғи қолади ва бу фикрий бирлашма жаҳон хотирасига қоришиб кетади”¹, – дея фикр билдиради.

Танатология доирасидаги ўлим ва унинг феноменологик талқини турли фан соҳаларининг тадқиқот объекти ва предметида келиб чиққан ҳолда берилмоқда. Масалан, тиббиётда реанематология, патологик анатомия, палиантология ва палиантропология, нейропсихология соҳасидаги биологик тадқиқотлар туфайли ўлим феноменига бўлган муносабат ўзгарди. Шунингдек, квант-релятивистик физика руҳидаги тизим ва ахборотлар назарияси соҳасидаги янгиликлар туфайли ўлимни аниқлаш ҳамда унинг содир бўлишидаги воқеликларни батафсил ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, ўлим феномени яна археология, этнография, диншунослик, санъат тарихи ва назарияси, қиёсий мифология, тилшунослик каби ижтимоий-гуманитар фан соҳаларида ҳам махсус тадқиқ этилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад эса ўлим феноменининг турли қирраларининг инсон фаолияти билан боғлиқ эканлигини тушуниш ва тушунтиришдан иборатдир. Шу тариқа ўлим феноменини биз фаннинг турли соҳалараро ҳал этиш мумкин бўлган масалаларидан бири ҳисобланишига амин бўламиз.

¹ Поликарпов В.С. Феномен жизни после смерть. – Ростов-На Дону: 1995. – С. 576.

Ўлим феномени шундай жараёнки, у ҳар бир инсонни кучли ва даҳшатли эмоцияга олиб келади. Ўлим феномени табиий ҳодиса бўлиб, биологик эволюцияда доимо алоҳида аҳамият касб этади.

Айтиш жоизки, ўлим феномени ўзини ўлик тана сифатида намоён этади. Бу жараёнда ўлим - биринчи навбатда жасад (жонсиз тана) сифатида ўзига турли муносабатни шакллантиради. Мазкур ўринда янги савол туғилади: жасадни нима қилиш керак? Бу, шубҳасиз, ўлик танага муносабатнинг ўзига хос ахлоқий-маънавий кўриниши бўлиб, айтиш мумкин муносабатлар доирасида “жасадни нима қилиш керак?” деган саволни архаик онгдан “ўлимни нима қилиш керак”, “қандай тарзда уни қабул қилиш керак” деган саволга кўчириш керак бўлади. Шундай қилиб, ўлим ҳақидаги билим тармоғи - танатология вужудга келади. Француз этнологи Ж.Монтон биринчи бўлиб марҳумлар билан муносабат усуллари тизимлаштирган: 1) ташлаб кетиш ёки ташлаб юбориш; 2) сувга кўмиш; 3) ҳавога кўмиш (мурдани очик қолдириш); 4) ерга-ғорга кўмиш; 5) кремация (куйдириш); 6) мўмиёлаш; 7) декорнация; 8) каннибализм¹ шулар жумласидандир. Бироқ бу усуллар кундалик тасаввурлар, мифологик қарашлар ҳамда диний ғояларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Фикримизча, бу усулларни муайян мақсадга йўналтириш ва тизимлаштириш вазифасини замонавий танатология нуқтаи назардан олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Ю.А.Смирнов қайд этганидек, дафн маросимларининг хилма-хиллиги уч асосий мақсадга хизмат қилади: ердаги мавжудликни узайтириш; абадий мавжудликни таъминлаш; бошқа ўлчовга ўтишни амалга ошириш. Шу тариқа ҳар қандай дафн технологиялари ўлик тана – хаосни тартибга айлантиришга уриниш ҳисобланади. Бироқ биринчи қарашдаёқ бундай тартиблаштириш ягона сценарийга эга эмас. Яъни бу жараёнда ўлик танага ё ижобий, ё салбий муносабатда намоён бўлади².

¹ Қаранг: Демичев А.В. Дискурси смерти: Введение в философскую танатологию. – СПб.: 1997. – С. 98.

² Иннокентий, еп. Пензенский (Смирнов Ю.А.). Живите достойно неба. Житие. Слова. – М.: 2002. – С. 256.

Карл Клемен инсоният динларидаги ҳаёт китобида марҳумлар маросимининг мифологик, диний, этнографик каби хилма-хил кўринишларини мисоллар билан кўрсатиб ўтади¹. Бир томондан, ибтидоий одам марҳум олдида муқаддас нарсани кўради ва бунда уни ҳар қанақасига сақлаб қолишга уринади: мўмиёлайди, уйида ёки уйга яқин жойда сақлайди, ҳатто олиб юради. Бу ҳолда ўлган киши кейинги авлодини сақловчи, анъаналар кафолатчиси сифатида қаралади, демак, у тинчлик ва ҳимоя кафили сифатида қайд этилади. Лекин, шу билан бирга, юнонлар, мисрликлар, ҳатто немисларнинг дафн маросимлари тарихида жасадни “зарарсизлантириш” каби кенг амалиётига эга бўлган маросимлар ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилади. Бунинг оқибати сифатида уни ташлаб кетиш, кремация, бўлаклаш, кўмиш, ҳатто юзини танимайдиган қилиб қўйиш (бадбашара), боғлаш каби деформациянинг бошқа турлари ҳам қайд этилади. Бу борада кўз ўнгимизда иккита анъана намоён бўлади. Биринчиси ўликни сақлаб қолиш бўлса, иккинчиси ўликни йўқ қилишдан иборатдир. Агар К.Клемен бу анъаналарни қадимги диний қарашлар нуқтаи назаридан тушунтирса², С.А.Токарев икки инстинкт ҳақида гапиради. Булар саронжонлик (тартиб) ва ижтимоий боғланиб қолганликдир. Уларнинг биринчисига мувофиқ санитар-гигиеник талабларга кўра жасадни йўқ қилиш керак бўлса, иккинчисидан ижтимоий боғланиб қолганлик кўпроқ ўринни эгаллайди ва жасад тириклар орасида қолдирилади. Бундан иккита императив ҳосил бўлишини кузатишимиз мумкин. Булар “жасадни йўқ қилиш керак” ёки “жасадни сақлаб қолиш керак” деган қарордан иборат³. Шундай экан, жасадни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу ҳолат қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва миллий менталитетимизга хос бўлган хусусиятдир.

¹ Қаранг: Клемен К.Х. Жизнь мертвых в религиях человечества. Пер. с нем. и коммент. А.Е.Махова. – М.: Интрада, 2002. – С. 224.

² Клемен К.Х. Жизнь мертвых в религиях человечества. Пер. с нем. и коммент. А.Е.Махова. – М.: Интрада, 2002. – С. 224.

³ Қаранг: Мелетинский Е.М., Токорев С.А. Мифология // Мифы народов мира. – М.: Т.1. 1991. – С. 86.

Маънавий маданиятнинг умумий тажрибаси шуни кўрсатадики, ўлим бу норма, меъёр эмас, балки табиат қонуни деган қарашлар инсон қалбини тўла қондира олмайди ва янги изланишларга зарурий равишда чақиради. Жумладан, жаҳон маданияти, фан, санъат ва адабиётда ўлим ғояси ҳамда барҳаётлик ҳақида жуда кўп маълумотлар берилиб, ўлимнинг асл моҳияти ундан кейинги мавжудлик тўғрисида ўзига хос фикрлар билдирилган.

Хуллас, биринчидан, танатология фаннинг махсус соҳаси сифатида ўзи олдида турган кўпгина муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилади. Бу жараёнда шу соҳа вакиллариининг эришган ютуқларини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиб бориш ўлим ва барҳаётлик борасидаги кўпгина масалаларни ҳал этишда устувор аҳамият касб этади.

Иккинчидан, ҳозирги кунда танатологияга оид геронтология, эсхатология, эмпирик танатология, назарий танатология, суд-тиббий танатология ва ғарб танатологияси каби тушунчаларнинг илмий-фалсафий томонларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, фалсафий танатологияни фалсафанинг махсус соҳаси сифатида ривожлантириш айтиш мумкин. Зеро, қадимги даврдан тортиб, то ҳозиргача шаклланган ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги фалсафий қарашларни тизимлаштириш муҳим. Ҳозирги кунда ўлим ва ўлим сабабларини нафақат тиббий, балки фалсафий таҳлил қилиш фан соҳасида олиб борилаётган илмий фаолиятлардан бири.

Тўртинчидан, ўлим ва барҳаётлик чегарасини аниқлаб олишдаги ижтимоий-маданий ҳамда ахлоқий масалаларни ҳал этишда ҳам танатологиянинг ютуқларидан фойдаланиш лозим. Ўлим ва барҳаётлик муаммолари нафақат ҳозирги даврда, балки азал азалдан фалсафа ва бошқа ижтимоий фанларнинг муаммоси сифатида ўрганилиб келинмоқда.

Мустақил иш учун савол ва топшириқлар

1. Танатология тушунчасининг фалсафий таҳлили?

2. Ўлим ва унинг ижтимоий-фалсафий асослари?
3. Ўрта Осиёда ўлим ва барҳаётликнинг фалсафий асослари тўғрисидаги қарашлар?
4. Ўлим динамикасининг тиббий, биокимёвий ва морфологик хусусиятлари?
5. Янги давр Ғарб олимлари асарларида ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги қарашларнинг шаклланиши?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш учун тест саволлари

1. Танатология сўзининг маъноси?

- А) Юнонча сўздан олинган бўлиб “узоқ умр кўриш”
- Б) Лотинча сўздан олинган бўлиб “жонсиз бўйум”
- В) Юнонча сўздан олинган бўлиб ўлим ҳақидаги таълимот
- Д) Санскритча сўздан олинган бўлиб рухлар ҳақидаги фан

2. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг асари тўғри берилган вариантни белгиланг?

- А) “Ўлимни эслаш китоби”
- В) “Жонсиз рухлар” ҳақида
- С) “Жон ва рухлар” ҳақида
- Д) “Умрбоқийлик сирлари”

3. Қуйдаги олимлардан биринчи бўлиб қайси марҳумлар билан муносабат усулларини тизимлаштирган?

- А) Француз этнологи Ж.Монтон
- Б) Рус файласуфи В.С.Поликарпов
- С) Немис файласуфи И.Кант
- Д) Франсузсоциолги О.Конт

4. “Мен фақат Худога ишонган онларимдагина ҳақиқий яшаганимни эсладим...! Худони таниш ва яшаш дегани бир хил гап, Худо ҳаёт демакдир”, – деб ёзади...”. Ушбу сўзлар кимни қаламига мансуб?

- А) Индра Ганди
- Б) Лев Толстой

С) УмарХаём

Д) Абу Ҳомид Ғаззолий

5. Ю.А.Смирнов қайд этганидек, дафн маросимларининг хилма-хиллиги уч асосий мақсадга хизмат қилади. Қуйидаги вариантлар орасидан нотоғри жавобни топинг?

А) ердаги мавжудликни узайтириш

Б) абадий мавжудликни таъминлаш

С) ердаги хосилдорликни ошириш

Д) бошқа ўлчовга ўтишни амалга ошириш

Ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги қарашлар эволюцияси

Ҳаёт ва ўлим тушунчаларининг фалсафий талқини нафақат жаҳон фалсафаси, балки миллий фалсафий тафаккурга хос бўлган хусусиятдир. XX асрнинг иккинчи ярмида фалсафа ва фан оралиғида ўлим муаммосини ўрганиш бўйича муайян маънодаги объектив билимлар тизими шаклланди. Шу нуқтаи назардан ҳозирги кунда у ижтимоий фалсафанинг илмий тадқиқотлар соҳасига киритилиб, жуда кўп мутахассислар томонидан тадқиқ қилинмоқда.

Энг қадимги даврлардаёқ инсоният ҳаёт билан бирга ўлим ҳақида ҳам фикр юритган. Дастлаб, зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да инсонларни ўлим олдидаги кўрқув ҳиссидан халос қилиш учун у ҳақда диний-мифологик фикрлар билдирилган. Аммо ўлимни ўрганишда фалсафанинг ролини баҳолаш жуда мураккаб, чунки ўз даврида Сукрот ва Афлотунлар уни «жон бермоқ» деб аташган эди.

Қизиғи шундаки, юнонлар ўлим жараёнига чуқур нуқтаи назар билан қарашган ва атайлаб ўхшашликни юзага келтиришган. Уларнинг фикрича, ўлим сўнгги ва энг узоқ давом этадиган уйқудир. Зеро, қадимги юнон мутафаккири Сукрот ўлиmidан олдин уйқу ва ўлимнинг ўхшашлиги ҳақида тўғридан-тўғри “Ўлим-бу иккита вариантдан биридир, биринчиси – ўлим, ҳеч нарсага айланмоқ, чунки, ўлган одам ҳеч нарсани сезмайди. Иккинчиси анъаналарга ишониб бир ердан бошқа жойга қандайдир кўчиш. Бу тушдек гап, ухлаб баъзида ҳеч нарсани тушда ҳам кўриб бўлмайди, унда ўлим ғаройиб нарса. Агар руҳнинг бошқа жойга кўчиши ўлим бўлса ва ўша жойда барча ўлганлар бўлса, бундан яхши нарса борми? Агар бу ҳақиқат бўлса, мен кўп маротаба ўлимга тайёрман: у ерда суҳбатлар олиб боришдан жуда хурсанд бўлар эдим...”¹, – деб хитоб қилган. Бу ўринда Сукрот қадимги юнонларга яхши маълум бўлган уйқу ва ўлим ўхшашлигининг диний-

¹ Қаранг: Платон. Сочинения. В 4-х т. – М.: 1968-1970. – С. 97.

афсонавий ғоясидан фойдаланади, аммо уни янада бойитиб янгича мазмунда тақдим этади. Унинг уйқу-ўлим концепцияси архаик кўрқувни рад этади ва унинг моҳияти, мазмунини рационал билиш даражасида аниқлаштиради.

Бизнингча, Сукротнинг ўлими ўз замондошларини ахлоқий моҳияти билан ҳайратлантирган. Чунки бунда инсоннинг ирода кучи ва эркинлиги ўз мавжудлигининг чегараларини диний мифологик анъаналар кесимида аниқлайди. Сукротнинг ўлими символик аҳамиятга эга, чунки у ўз мақсадига эришиш йўлида ўз хоҳиши билан ўлишнинг архетипини шакллантиради. Бу мақсаднинг қадри унинг худога эмас, балки инсонга тегишли эканлиги билан белгиланади, пировард натижада антропоморфизм (инсонга ўхшашлик)ни персонификация (жонлантириш)дан ажратади. Ўлим ҳаракатида худо инсон ҳаётининг моҳияти мақсадлилиқнинг мавҳум тамойилига айланади. Худо борлиқни эмас, балки борлиқнинг моҳиятини белгилайди. Сукротнинг ўлими бизга Афлотуннинг “Федон” асаридан маълум. Унинг танадан руҳни ажратишга қаратилган онгли фаолияти кейинги авлод учун ўлим орқали барҳаётликка эришиш тимсоли бўлади. Айнан “Федон”да файласуф шоирнинг ўлими руҳнинг барҳаётлигига олиб келганлиги ҳақидаги дастлабки ғоя ифодаланган. Сукротнинг ўлими ўз жонига қасд қилишга ўхшаб кўринса-да, ўзининг фалсафий далиллари боис кейинги авлодлар учун ўлим-барҳаётлик тимсолига айланди. Унинг ўлими тафсилотларининг ихтиёрий ўлим сифатида қайта жонлантирилиши файласуфнинг ўзи томонидан барҳаётликка умид қилган ҳолда ўлимга берган таърифини ҳам фаоллаштиради. Бу ўринда барҳаётлик ғояси табиийликдан кўра, кўпроқ ижтимоий мазмун касб этади. Барҳаётлик рамзийдир, чунки у, бир томондан, оннинг тақдир устидан ҳукмронлигини таъкидлайди, иккинчи томондан эса, ижтимоий хотира архетипини шакллантиради, маданий идеални яратади.

Сукротнинг вафотидан кейин нафақат ахлоқ, балки фалсафа ҳам ўлимнинг аҳамияти ва мазмунини аниқлаш муаммоси билан тўқнаш келади. Ўзининг қатл этилишига ихтиёрий равишда розилик бериш билан Сукрот

ҳаётнинг қадри ва мазмуни борасидаги масалада шахсий танлов муаммосини диққат марказига олиб чиқади. Энди ўлимни инсонга табиатан хос бўлган табиий тақдир сифатида тор доирада тушуниш мумкин бўлмай қолди. Ҳаётнинг қадрини ўлим хатти-ҳаракати орқали кўрсатиб бериш муҳим аҳамият касб этади, бунинг учун эса, ўлим ғоясини янгича ахлоқий контекстда асослаб бериш талаб қилинади. Сукрот томонидан тугалланмай қолган кўплаб бошқа мавзулар сингари руҳнинг ўлими ва барҳаётлиги муаммоси Афлотуннинг таълимотида ўз ечимини топади.

Афлотуннинг вақт концепцияси, бизнингча, руҳнинг барҳаётлиги ғоясини фалсафий тушунишда калит вазифасини ўтайди. Нарса ва ҳодисаларнинг тўхтовсиз ҳаракати Оламнинг мангулиги ва тартибини таъминлайди (бежизга юнонларда шар тартиб рамзи ҳисобланмаган). Шу боис Коинот уйғунлигининг тимсоли бўлган инсон руҳи нарсалар алмашинуви тартибининг илоҳий куч томонидан ўрнатилган тартибига риоя этиши керак. Осмоннинг марказидан унинг чеккаларигача ястаниб ётган ва осмонни ташқарисидан ўраб олган руҳ, ўз-ўзида айланар экан, ҳамма замонлар учун онгли ва ўткинчи бўлмаган ҳаётнинг илоҳий ибтидосига кирди. Шу билан бирга, осмоннинг танаси кўзга кўринадиган бўлиб, руҳ эса кўзга кўринмас ҳолда туғилади ҳамда мулоҳаза юритиш ва уйғунликка тааллуқли бўлгани, барча ақлга тўғри келадиган ва мангу мавжуд бўлган нарсаларнинг энг мукаммалидан туғилгани боис, у барча туғилган нарсалардан мукаммалроқдир. Инсоннинг руҳи «ўткинчи бўлмагани», «барча туғилган нарсаларнинг энг мукаммали» бўлгани боис, у вақтдан ҳам юқори туриши, демакки, барҳаёт бўлиши керак. Аммо агар у ўладиган танага «зиндонбанд этилган» бўлса, йўқ бўлиб кетмаслигини қандай тушунтириш мумкин?

Афлотун (Сукрот тимсолида) ўз шогирдларига руҳнинг барҳаётлигини исботловчи тўртта далил келтиради. Уларнинг биринчиси бир-бирига карама-қаршиликнинг келиб чиқишини асослайди. Унга кўра, ҳаёт ўлимнинг

оқибатидир, ўлимнинг ўзи эса кейинги ҳаётни сабаб сифатида шарт қилиб қўяди. Бу тартиб «ўткинчи эмас», бошқача айтганда, биз қарама-қарши кучларнинг, шу жумладан, ҳаёт ва ўлимнинг доимий (даврий, берк) алмашинувига гувоҳ бўламиз.

Иккинчи исбот шундан иборатки, инсон билимларининг манбаи унинг руҳи ҳисобланади. У ана шу билимларга, уларни кейин «эслаш учун», ҳали туғилмасданок эга бўлиши керак. Эсга олиш ҳам, билимларнинг бир тури сифатида, фикрлашнинг «берк» сабабий боғланишли занжирининг натижаси ҳисобланади. Йўқ жойдан пайдо бўлиб қоладиган билимнинг ўзи мавжуд эмас; уни эсдан чиқариш мумкин, аммо вақти келиб фалсафий ирода ва қунт ёрдамида уни хотирада қайта тиклаш имконияти бор. Билиш – бир хил билимлар йиғиндисини «эсдан чиқариш» (туғилганда) ва «эсга олиш» (бутун ҳаёт давомида, айниқса, ўлим онларида) нинг узлуксиз алмашилиб туриши жараёнидир.

Учинчи далил эса тананинг кўзга кўринадиган, руҳнинг эса кўзга кўринмас нарсаси сифатида алоҳида мавжуд бўлишини ҳақиқат, деб ҳисоблайди. Тана табиат қонунларига асосан маълум вақтдан кейин йўқ бўлиб, чириб кетиши мумкин, аммо руҳ мангу ва йўқолмас моҳият бўлгани учун ўз табиатига кўра доимий ва ўзгармас бўлиб қолаверади. Бу далилда масаланинг ахлоқий томонини асослаш айниқса қизиқ бўлиб туюлади. Ҳар қандай руҳ ҳам илоҳий эмас ва ўлимдан кейин худоларнинг марҳаматига сазовор бўлавермайди. Бу ўринда гап фақатгина ҳаётлигида ўзлигини чуқур англаш, барҳаёт моҳиятларни ўрганиш орқали ўз руҳини танасидан ажрата олган инсонлар ҳақида бормоқда. Бошқа одамларнинг руҳи эса улар ўлимларидан олдин қандай ҳаёт кечирганликларига қараб тақсимланади. Руҳнинг барҳаётлиги ҳақидаги далилларнинг ахлоқий мазмуни айнан мана шу фарқда намоён бўлади. Ўлим ва барҳаётликнинг бундай фалсафий жўшқинлиги инсон томонидан ўзининг мавжудлиги мазмунини билишга

янгича урғу берди. Энди ҳаёт ва ўлим масаласи соф афсоналар доирасидан чиқиб, фалсафа маконига ўтади.

Рухнинг барҳаётлиги тўғрисидаги тўртинчи далил Афлотуннинг танатологик мулоҳазаларига якун ясайди. Мазкур мулоҳазаларнинг бир кўриниши расман силлогистик (икки фикрдан учинчи хулосани чиқариш) хулоса тарзида қурилган бўлиб, у ана шу хулосанинг тўғрилигига ишонтиради. Ўлимни қабул қилмаган нарса барҳаётми? Рух ўлимни қабул қилмайдими? Демак, рух барҳаётми? Мазкур мулоҳазанинг бошланғич асоси шундаки, қарама-қарши томонлар бир-бирларини қабул қилишмайди, бошқача айтганда, ўз сифатларини йўқотган ҳолда бир-бирига айланмайди. Ҳаёт ўлимни қабул қилмайди, у ҳаёт эйдоси сифатида ўзининг доимийлигини сақлаб қолади ва барҳаёт рух ҳисобланади. Ушбу ва бошқа далилларнинг замонавий шарҳлари¹ Афлотун айнан қайси эйдос ҳақида, яъни умуман ҳаёт эйдоси ҳақида ёки ҳар бир инсон ҳаётининг эйдоси тўғрисида гап кетаётганини аниқлаштирмаганини кўрсатади.

Сукротнинг ўлими Афлотуннинг фалсафий дискурсининг таянч нуқтаси бўлиб, кейинги барча фалсафий танатология учун мазмун маркази бўлиб қолди. Сукротнинг ахлоқий қарашлари бўлмаганда ўлим ғояси навбатдаги афсона ҳамда фирибгарликлар қаърига «чўкиб» кетар ва биз ҳеч қачон унинг эвристик мазмунини баҳолай олмаган бўлардик.

Рух барҳаётлигининг юқорида келтирилган барча тўртта далили ҳиммат ва инсон билими билан ёритилган ҳаёт мазмуни ғоясида мужассамлашади. Шу асосда ўлим ўз-ўзидан мазмунини йўқотади ва инсондан четга чиқади. «Ўлим ҳар қандай таркибий нарсанинг қисматидир. Қатъият билан меҳнат қилинг», - бу Сидхарта Гаутаманинг ўз шогирдларига сўнгги васияти бўлиб, у Сукротнинг (Афлотуннинг) ўлим ахлоқи ҳақидаги фикрларига тўла мос келади. Шундай қилиб, айнан фалсафа ҳаёт ва ўлим ҳақидаги таълимот, файласуфлар эса одамларни ўлимга тайёрловчи устозлар

¹ Қаранг: Лосев А.Ф. Очерки античного символизма и мифологии. – М.: Мысль, 1993. – С. 417-445.

бурчини бажарувчилар бўлиб қолишди. Фалсафий танатологик дискурс шу кўринишда эллинизм даврида ҳам давом этади.

Қадимги юнонлар учун ўлим дискурсини англашнинг бир неча усули мавжуд бўлган. Булар – афсонавий ҳикоя ҳамда фалсафий таъриф. Юнонлар тафаккурининг предметини белгилаб берувчи кўпгина мавзулар тил маконида айнан мана шу икки йўл билан ҳаракатланган. Фалсафа эса ўзининг энг гуркираб ривожланган даврида кўп бора ҳаёт, ўлим ва барҳаётлик муаммолари борасида афсоналарга мурожаат этган. Шу боис баъзида ўлим ҳақидаги фалсафий ғояларни унинг мифологик кўринишидан ажратиб олиш мушкул кечади. Шунга қарамай, қадимги Юнонистон тафаккурида ўлимнинг ягона тимсоли шаклланиши ва ривожланишининг бир неча босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Инсоннинг ўлим ҳақидаги илк мулоҳазалари архаик давр ва Гомер даврининг «зулматли асрларига» бориб тақалади. Бу даврда афсоналар даражасида, онгсизлик билан Танатос, Аид, Персефона ва бошқалар тимсолида жонлантирилган архетиплар шаклланади. Сўнгра афсонавий қаҳрамонлар ҳаётий тарих билан уйғунлаштириб юборилади, бошқача айтганда, афсоналар «тарихий фактларда қайта жонланади». Бир вақтлар барҳаётликка дахлдор, ўлмас деб ҳисобланган худолар энди ўз ўрнини Орфей, Одиссей сингари инсонларга боқий умр излашга бўшатиб бера бошлайди. Афсонавий босқич ўз тараққиётининг якуний даврига келиб шахсиз барҳаётлик ғоясини келтириб чиқаради. Абадиятнинг афсонавий ғояси аста-секин кундалик ҳаётнинг намунасига айланиб боради ва ижтимоий идеалга айланади. У Пифагор, Эмпедокл ва ниҳоят, Сукрот учун боқийлик ҳуқуқини берувчи қаҳрамонларча ҳалок бўлиш мисолида бир сафга тизилади. Шундай қилиб, ўлим -боқийлик ҳаракати идеали юзага келади.

Фалсафий дискурс доирасида идеал хатти-ҳаракат ахлоқи руҳ (жон) ҳақидаги метафизик таълимотга айланади. Ўлим ва жон (руҳ)нинг боқийлиги ғоясини тизимлаштиришда Афлотун ва Арастуларнинг хизмати жуда катта.

Эллинизмнинг инқирозга юз тутиши билан ўлимнинг фалсафий ғояси ўзининг якуний босқичига киради ва Шарқнинг диний таълимотлари билан қоришиб кетади. Маданиятнинг инқироzi, ўз навбатида эса маданий идеалларнинг инқироzi кўрқувнинг кучайишига олиб келади. У эса ўз навбатида эсхатологик ғоянинг шаклланишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, қадимги замонларга хос ўлим ғояси бир неча муҳим таркибий қисмлардан ташкил топади. Булар: барҳаётлик (шахссиз) афсонаси, ўлим-боқийлик идеал ҳаракати ахлоқи, инсон ўлими ва унинг жони боқийлиги метафизикаси (фалсафаси), эсхатология кабилардир.

Арастунинг ўлим ва барҳаётлик ғояси юқоридагидан бир қадар фарк қилади. Унинг учун дунёнинг интиҳоси (чексизлиги)ни тушуниш масаласи инсон руҳининг ўлимга хос табиати каби муҳим ҳисобланади. Арасту ўзининг физик қарашларини бир қатор асарларида баён этади. Унинг «Осмон ҳақида» асарида илоҳий мавжудотнинг барҳаётлиги ҳақидаги тасаввур келтирилган. Файласуфнинг фикрича, «Осмон» (ёки «юқори жой») ягона барҳаёт ҳисобланади, чунки у ибтидо ва интиҳога эга эмаслиги боис йўқ бўлиб кетмайди ҳамда ўлиши аниқ бўлган мавжудотлардан фарқли равишда ҳеч қандай ташвишни бошдан кечирмайди. Мангу барҳаёт бўлган худо ҳам ана шу занжирнинг бир ҳалқаси ҳисобланади ва шу боис, мангу ҳаракатда бўлиб турадиган осмон билан тенгдир.

Арасту ўлим ва барҳаётлик ғоясининг мантиқий мазмунини «Топика» номли асарида баён этган. Унда файласуф тушунчанинг тур ва жинсга оид фарқларини тушунтиришга ҳаракат қилади. Арасту Худоларнинг барҳаётлигини таъкидлаш билан бир вақтда уни ҳаётнинг бошқача «вазият» ёки «ҳолатда» барҳаётликка эга бўлган айрим тирик мавжудотлар учун турга оид фарқ деб атайди. Шундан кейин бу ҳолатнинг темпорал ўлчови – «энди ўлимга гирифтор бўлмаган»лиги қизиқарли тарзда баён этилган. У камида учта маънода кўриб чиқилиши мумкин: биринчидан, «у энди ўлмаган», иккинчидан, «у энди ўлиши мумкин эмас», учинчидан, «у энди шундайки,

ҳеч қачон ўлиши мумкин эмас». Мазкур учта маънони келтирар экан, Арасту «барҳаётлик» тушунчасини битта маънода талқин этиб бўлмаслигини, ун қатъий равишда вақт, ҳаракат ва субъект мантиғида қўллаш кераклигини кўрсатмоқчи бўлади.

Умуман олганда, Арастунинг ўлим ва барҳаётлик ҳақидаги ғояси унинг психология, метафизика, физика, мантиқ ва ахлоқ тўғрисидаги фикрлари билан бевосита боғлиқ. Шу боис уни битта маънода таърифлашнинг иложи йўқ, шунчаки уни шартли равишда шахссиз барҳаётлик тамойилига киритиш мумкин. Чунки Арасту бирор жойда тананинг ўлиmidан кейин инсон руҳининг индивидуал (жисмоний) тарзда мавжуд бўлиши мумкинлигига ишора бермайди. Шундай қилиб, Арасту илоҳий рух (Осмон)нинг шахссиз барҳаётлиги ғоясини илгари суради.

Пифагор ва Эмпедоклларнинг хаёлий ўлим ва абадияти борасидаги ҳолат афсонага асосланган тафаккур ривожининг якуний босқичига тааллуқлидир. Афсонанинг «тарихий ҳақиқатга айлангани» тўғрисидаги далил қадимги юнонлар дунёқарашида юз берган ўзгаришлар ҳақида ўйлаб кўришга мажбур қилади. Бу инсонларнинг хатти-ҳаракатларида абадиёт тўғрисидаги афсона ва у билан бирга абадиёт ғоясининг мазмуни ҳам янгича эътиқодни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган шахсларнинг ҳаракатларига айланади. Аслида, Пифагор ва Эмпедокл абадиётнинг илоҳий идеалини табиатан ўлиши аниқ бўлган инсоннинг воқелигига айлантиришга, шу йўл билан инсоният маданияти чегараларини кенгайтиришга уринишган. Одамларнинг барҳаётликка интилишида, қандай йўл билан бўлишидан, ишониш ёки ёлғон воситалигидан қатъи назар, маданият ўсишининг муҳим ўзига хослиги намоён бўлади. Биринчи марта инсон чегарадан ташқарига (Осмон – худолар макони) даҳл қилади ва у ерга ўз мақсадлари билан кириб боради. Худолар эмас, балки айнан инсон барҳаёт бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ғоя инсоннинг ўзига ҳам янгича нуқтаи назардан қарашга мажбур этади.

Маълумки, Пифагор нафақат оламнинг рақамлардаги уйғунлиги ҳақидаги фалсафий таълимоти, балки ўзининг қайта тирилганлиги тўғрисидаги устамонона найранги билан ҳам юнонларнинг эътиборига тушган. Пифагорнинг фикрича, барча онгли тирик мавжудотлар уч турга бўлинади: Худо, инсон, Пифагор сингари мавжудотлар. Диоген Лаэртскийнинг ёзишича, у ўз қарашларининг тўғрилигини исботлаш учун куйидаги найрангни ишлатади: «Италияга келгач, у ўзига ер остидан хона жиҳозлайди ва онасига бўлиб ўтаётган воқеаларни тахтачага қайд этиб боришни, бунда (воқеалар) вақтини белгилаб қўйишни, сўнгра уларни то ерга қайтгунича ўзига тушириб бериб туришни тайинлайди. Онаси унинг айтганини бажаради. Пифагор эса орадан бирмунча вақт ўтгач, озиб-тўзиб кетган ҳолда ер юзига қайтиб чиқади ва халқ йиғинига келиб, ўзининг Аиддан қайтганини эълон қилади. Сўнгра ўзи йўқлигида бўлиб ўтган воқеаларни санаб беради. Одамлар унинг сўзларидан шунчалик хайратга тушишадики, кўздан ёш тўкиб, Пифагорнинг илоҳий мавжудот эканига ишонадилар. Шундан сўнг у ўзи ҳақида Троя урушигача Гермеснинг ўғли Эталид, кейин эса Эвфобр, сўнгра Гермотим, Делослик Пирр, ниҳоят юқорида санаб ўтилган барчасидан (юқорида санаб ўтилган қайта тирилишлардан) сўнг Пифагор бўлгани ҳақидаги фикрни шакллантиради»¹. Бу воқеа ўлим дискурси билан боғлиқ ҳолатни яққол намоён этади. Бир томондан, ўлим – инсонга боғлиқ бўлмаган, худолар иродасининг натижасидир, аммо, иккинчи томондан эса, у инсоннинг ёки ўз виждони билан (Сукрот мисолидаги каби) ёхуд ўша худолар билан «келишуви»га айланади. Орадан маълум вақт ўтиб, ўз номини мангуликка муҳрлаш истагида Эмпедокл ҳам «қахрамонлик» кўрсатади, фақат Пифагордан фарқли равишда у ёлғондан ўзини ўлган қилиб кўрсатмайди. У дўстларини ўз билимлари мангу яшаши учун етарли даражага чиққанига ишонтиради. Эмпедоклнинг ўлими тафсилотларини Диоген Лаэртский шундай

¹ Фрагменты ранних греческих философов. Часть 1. – М.: Наука, 1989. – С. 139-140.

тасвирлайди: «Унинг ўлими борасидаги фикрлар турличадир... У айрим дўстларини таклиф қилганди, уларнинг орасида Павсаний ҳам бор эди. Зиёфатдан сўнг даврадагилар дам олгани ётишади: атроф дала бўлгани боис айримлар дарахт тагидан, бошқалар эса ўзларига қулай ердан жой олишади. Эмпедокл эса зиёфат пайтида ёнбошлаб ётган жойидан қимирламайди. Эртаси куни уйғонганларида уни топа олишмайди. Уни излашга тушишади, хизматкорлардан сўраб-суриштиришади. Улар эса ҳеч нарса билмаймиз, деб жавоб беришади. Фақатгина улардан бири ярим тунда Эмпедоклни чорлаётган ўта кучли овозни эшитганини, ўрнидан турганида эса осмондан тушиб турган нур ва машъалалар ёруғини кўрганини, аммо кейин нима бўлганини билмаслигини айтади. Дўстлар бу воқеадан лол бўлиб қолишади, Павсаний эса шаҳарга қайтиб, бир неча кишини уни излашга юборади. Кейин эса қидиришни тўхтатишни буюради ва ҳатто, орзу ҳам қилиб бўлмайдиган нарса юз берганини таъкидлайди ҳамда Эмпедокл шарафига худди худоларга бўлгани сингари қурбонликлар қилиш кераклигини айтади»¹.

Юқорида келтириб ўтилган бу икки воқеа ҳаётий ҳақиқатдан кўра кўпроқ афсонага ўхшайди ҳамда улар ҳаёт ва ўлим масаласига муносабатдаги мавжуд дунёқараш нуқтаи назарини тушунишга имкон беради. Ўлимнинг фалсафий дискурси учун бу воқеаларнинг аслида рўй берган-бермаганлиги муҳим эмас, асосийси улар ўша давр кишилари қизиқишларининг маълум кирраларини очиб беришга хизмат қилади. Вазият шундай эдики, одамлар ўз ҳаётлари ва ўлимлари устидан сирли ҳукмронлик ўрнатишни исташарди, улар ҳеч бўлмаса янги танада мангу яшашни орзу қилишарди.

Антик давр файласуфи Эпикур ўлим инсон учун ҳеч нарса эмас, чунки биз мавжуд бўлган пайтда ўлим ҳали йўқ, ўлим келгач эса, биз мавжуд эмасмиз деган бўлса, Арасту: “Ўлимнинг муқаррарлигини ҳамма билади, аммо у яқин эмас деган фикрнинг мавжудлиги туфайли, ҳеч ким у ҳақда ўйламайди”, – деб фикр билдиради. Эпикур: “Агар биз ўлимдан кўрқсак,

¹ Фрагменты ранних греческих философов. Часть 1. – М.: Наука, 1989. – С. 139-140.

ҳаётга жудаям меҳр қўйган бўламиз, унда ҳаётимизнинг охирги дақиқалари даҳшатли бўлади: ўлим биз учун жуда қўрқинчли туюлади. Тинч осуда ҳаёт кечирсак, тинчгина дунёдан кўз юзамиз”¹, – деб таъкидлайди. Бизнингча, антик даврларда ҳам инсонлар ўзларини руҳан ўлимга тайёрлаб, ушбу муаммони диний-мифологик нуқтаи назардан ёритишга эътибор берганлар.

Милоддан кейинги VIII асрда тибет мутафаккирлари томонидан ёзилган Тибет марҳумларининг китобида ўлим ҳодисаси бамисоли бир санъатдек тасвирланган ва ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида диний-фалсафий фикрлар билдирилган. Хусусан, бу китобни тибетликлар ўлим талвасасида ётган ёки вафот этиб бўлган одамлар ўқиб бериши мумкинлигини таъкидлайдилар. Бизнинг фикримизча, бундай муносабат ўзининг иррационал мантиғига эга бўлса-да, фаннинг рационал қолипларига тушмайди. Бу китоб тибет тилида “бардо тхедол”, яъни “ўлим ҳолатидан тинглаш орқали озод бўлиш”² маъносини англатади. Жон таслим қилаётган одамлар учун кейинги ҳодисалар табиатини тўғри тушунишга янги ҳодисаларга тайёр бўлишига ёрдам бериш билан бирга тириклар учун катта сабоқ мактабини ўтайди. Бу китоб нариги дунёга ўтиб олиш йўлланмаси бўлиб ҳам хизмат қилган. Жумладан, тибет марҳумларининг китобида бундай дейилади: “Олдин руҳ инсон танасини тарк этади, бундай ғайритабиий вазиятда руҳ саросимага тушиб қолади ва қандайдир бўшлиқ ҳолатида бўлиб, нима қилишини билмайди. Ўлаётган инсон ҳар хил товушларни шовқинларни эшитади, шу билан бирга, руҳ моддий тананинг ташқарисида эканлигидан ажабланади, яқин қариндошларининг дод-фарёдларини эшитиб ғамгинлигини кўради, лекин улар билан мулоқотга кира олмайди ва яқин атрофини кезиб юради. У деворлар ва бошқа тўсиқларни ҳеч қандай қийинчиликсиз ажабланган ҳолда сизиб ўтади ва бундан ҳайрон бўлади. Бирор жойга фикран боргиси келса ўша жойда бир зумдаёқ пайдо

¹ Ламетри Ж. Система Эпикура // Сочинения. – М.: Мысль, 1983. – С. 372-373.

² Тибетская книга мертвых (Бардо тхедол). – М.: Подиум, 1992. – С. 7.

бўлиб қолади. Фикри, ҳис-туйғулари янада ёрқинлашади”¹. Шунингдек, китобда ўлимнинг кейинги босқичлари ҳақида ҳам сўз юритилади. Хуллас, тибетликлар жон бераётган кишига ўлим ҳодисасининг сирли ҳолатини бошдан кечиришга кўмаклашганлар ва йўл-йўриқ берганлар.

Қадимги Хитой файласуфи Ян Чжу эса: “Худо ҳамма нарсани ҳалокатга, йўқ бўлишга маҳкум этган. Табиий заруратни сабаб қилиб ҳаётни унинг зидди ўлим билан алмаштирган. Пайдо бўлган ҳар бир нарсанинг емирилиб бузилишини, йўқ бўлишини ифода этган”², – деб таъкидлайди. Шунинг учун инсон ҳозирги яшаб турган кунидан ҳузурланиши, ўлгандан кейин нима бўлишини ўйлаб, ўзини қийнамаслиги керак.

Қадимги Хитой донишманди Ян Чжу фалсафаси конфуцийчиликдан фарқланиб, Эпикур таълимотига яқин туради. Айни вақтда Ян Чжу фалсафаси тасаввуфга ҳам яқиндир. Унинг фикрича, инсонлар ўн минг йил яшаса ҳам, агар одамий фазилатлари бўлмаса, бефойдадир³ деб инсонга хос бўлган барча фазилатларни улуғлайди.

Бироқ қадимги Хитой файласуфларининг бу масаладаги қарашлари турли туман эканлигини қайд этган Е.Лазарев: “Ўлим феномени бу файласуфларнинг ахлоқий-диний ва асосан мифологик тасаввурлари асосида асрлар мобайнида шаклланиб келган. Бу хилма-хиллик ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ”⁴, – деб ёзади. Е.Лазаревнинг фикрларидан ўлим ва барҳаётлик тўғрисида илмий ва диний ғоялар эволюцияси ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагани ва унинг ижтимоий-фалсафий нуқтаи-назардан ўрганиш долзарб масала эканлиги яққол кўриниб турибди.

Қадимги Ҳиндистондаги фалсафий мактабларда ҳам ўлим ва ҳаёт муаммоларига оид ўзига хос фикрлар билдирилиб, тирик табиат таркибига рух, жон киритилади. Жоннинг асосий хусусияти онглиликдир ва бу

¹ Рэмонд Моуди. Жизнь после жизни. Есть ли жизнь после смерти. – М.: София, 2007. – С. 110.

² Қаранг: Ян Чжу, Лецзы, Чжуанцзы. Мудрецы Китая. – М.: 1994. – С. 416.

³ Қаранг: Ян Чжу, Лецзы, Чжуанцзы. Мудрецы Китая. – М.: 1994. – С. 416.

⁴ Қаранг: Лазарев Е. Книга мертвых // Наука и религии. – Москва. 1990. - №8. - С. 41-43.

онглилик турли жонларда турли даражада бўлади. Жон ўз табиатига кўра мукамал руҳий қувват бўлиб, унинг имкониятлари чексиздир. Лекин жон моддий тана билан боғлиқ. У тана туфайли ҳар хил эҳтирослар нафс билан боғлиқ бўлган хоҳиш-истаклар доирасига тушиб қолади. Бу эса унинг имкониятларини бир мунча чеклаб қўяди, фақат жон танадан халос бўлгандан сўнггина унинг имкониятлари кенгаяди. Қадимги Ҳиндистонда олий муқаддас илм ва башорат китоби Ведалар олий тангри Брахма томонидан айтиладиган сўзлар бўлиб, бу китобда ҳам борлиқ, инсоннинг табиий ҳаёти ва руҳиятининг моҳияти ҳақида ўзига хос фикрлар билдирилган.

Ведаларнинг энг қадимийси – Ригведа ўнта китобдан иборат. Бу китобларда табиат ҳодисалари ўзига хос ғайритабиий куч сифатида намоён бўлади. Масалан, “Индра – момақалдирок худоси, Митра – қуёш худоси, Варуна – осмон худоси, Агни – олов худоси, Яма – ўлим худоси, Сомма – ой худоси, Рита – коинот қонуни сифатида гавдаланиб, улар шарафига ҳамду санолар айтилган, уларга атаб қурбонликлар қилинган”¹. Ўша давр одамларининг тасаввурларига кўра, инсон ҳаёти, унинг бахт-саодати, умри худоларга қилинган қурбонликларга боғлиқ бўлган. Ригведадан фарқли ўлароқ упанишадларда ўлим ва ҳаёт тушунчалари “брахман” тимсолида гавдаланади. Яъни “Барча нарсалар ўшандан пайдо бўлади, ўша билан яшайди ва ўлган ўшанга (брахманга) қайтади”² дейилади.

Инсон ҳаёти – туғилиш ва ўлишини чексиз занжирнинг муайян шакли сифатида талқин этиш қадимги ҳинд анимистик тасаввурларидан бошланган. Бундай тасаввурлар аслида табиатда содир бўладиган муайян даврий ҳодисалар ҳамда уларнинг ўзига хос тарзи билан ҳамоҳангдир.

¹ Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. I–Китоб. Тузувчи ва илмий муҳаррир: Қиёмиддин Назаров. –Т.: ЎФМЖ, 2004. – Б. 20.

² Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. I–Китоб. Тузувчи ва илмий муҳаррир: Қиёмиддин Назаров. – Т.: ЎФМЖ, 2004. – Б. 21.

Ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги илмий ва диний ғоялар ҳақида Ибн Сино ҳам тўхталиб ўтган. У қарияларнинг жисмидаги ўзгаришларнинг сабаби мижозларига боғлиқ эканлигини таъкидлаб, уни уч қисмга ажратган: “Айрим қарияларимиз тўладан келган, оқ рангли, сочлари малла бўлса, совуқ мижоз бўладилар. Совуқ мижозлар қариганларида кўпроқ касалликларга чалинадилар. Бел ва оёқлари оғрийди. Қариган сари совуқликка мойил бўлиб қоладилар. Шунинг учун ҳар хил хасталикларга чалиниб турадилар. Иссик мижозлилар қариганларида совуқликка мойил бўлиб борсалар-да, хасталикларга камроқ учрайдилар, чунки улар қорачадан келган, сочлари қора, озгин бўладилар. Думижозлилар ҳар икки мижоз ўртасидагилар ҳисобланади. Улар буғдой ранг, сочлари ҳам ўртача рангда бўлади”¹. Ибн Синонинг фикрларидан, асосан касалликлар, хасталиклар инсон умрининг қисқаришига олиб келади, деган хулоса келиб чиқади. Бу хусусда Жалолиддин Румий: “...ўлими яқинлашган касал ўзининг олдида ўтирганни пайқамай, хаёлга берилади. Ҳолбуки, ҳақиқатан унинг хаёлидан минг карра латифдир. Инсон хаста бўлмагунча, буни сезмайди. Ҳақиқатан эса “Ўлмасдан аввал ўлмагунча” кўриш мумкин эмас”², – деб таъкидлайди.

Инсониятни азал-азалдан лол қолдириб келаётган ўлим деб аталмиш сирли ҳодисани тўла англаб етиш умидида буюк алломалар, аҳли илм вакиллари кўп ўйлаганлар.

Жумладан, буюк шоир Умар Хайём ўзига қуйидагича савол беради:

Мени айладилар дунёга мавжуд,
 Ҳаётда топганим ҳайрат, тараддуд.
 Бу йўлни ўтдимۇ тушуна олмадим,
 Келмоғу кетмакдан не экан мақсуд³.

Бу рубоийда аллома ўлим ва барҳаётликни идрок этишга ундовчи бир қанча саволларни ўртага ташлайди. Булар қуйидагилардан иборат:

¹ Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 китоб. – Т.: Фан, 1983. – Б. 253-361.

² Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 113.

³ Умар Хайём. Рубоийлар. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. – Б. 82.

“Инсонлар ва мавжудотлар дунёга келадилар-у, сўнг яна қайтиб кетадилар. Хўш, улар қайдан келадилар ва қайга кетадилар? Ҳокими Мутлақ табиатни яратиб, тартибга солади-ю, сўнг нега унга талофат етказди? Агар сабаб табиатнинг яроқсизлигида бўлса, бунинг учун ким айбдор? Агар табиат яхши бўлса, у ҳолда уни вайрон қилишнинг сабаби нимада?”¹. Умар Хайёмнинг бу саволларига унинг шеърий мисраларида жавоб берганлигини кўриш мумкин. Рубоийларда коинот, табиат, жамият ва инсон фаолиятига тааллуқли бўлган аксарият муаммолар ўлим ва барҳаётлик тизимида мажозий тарзда ифода этилган. Улардаги мантиқий изчиллик эса, ҳатто Европа олим ва файласуфларини лол қолдирган. Ҳозирда ҳам Умар Хайём ижодини Ғарб олимлари, файласуфлари ва ёзувчилари юқори баҳолашади.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг ўлим муаммосига муносабатини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Расул алайҳиссалом айтибдурлар: “Кўнгилга занг ўлтирур, темирга занг ўлтиргани каби”. Саҳобалар арз қилдилар: “Ё расулуллоҳ! Ул зангни қайси нимарса бирла аритғали бўлур?” Расулуллоҳ с.а.в. айтдилар: “Қуръон ўқимоқ, ўлимни кўп ёд олмоқ бирла бўлур”. Расул алайҳиссалом айтибдурлар: “Мен бу оламдан кетаётиб, сизларга икки ваъз қўйиб кетдим: Бири гўё сўзлар, яъни Қуръондур. Яна бири ваъзи хомуший, яъни ўлумдурким, сизларга ҳамиша панду насиҳат бўлур”². Бизнингча, Расул алайҳиссалом насиҳатлари ўлимни ҳар жойда, ҳар сонияда ёд олмоқ лозимлигига ишорадир. Чунки бу ерда динимизнинг муқаддас китоби Қуръон қанчалик қадрланса, ўлим тушунчаси ҳам бундан мустасно эмас. Қизиғи шундаки, барча ахлоқий меъёрларни ўзида мужассам этган Қуръонни, ўлим билан таққосланишининг ўзи энг юксак ахлоқий фазилатдир.

“Ўлимни эслаб туриш бу инсоннинг иллатлардан қутилишга, юксак маънавий ахлоқий тамойиллар асосида яшашга ундайди. Яъни бу фоний

¹ Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Тақдирлар. Ҳикматлар. Афоризмлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 198 -199.

² Абу Ҳомид Ғаззоли. Кимиёи саодат. Туркий I. – Тошкент: Адолат, 2005. – Б. 208.

дунёда одамзоднинг бир-бирига зулм қилиши, мол-дунё йиғишга ружу қўйиши, фиску фужур билан шуғулланиши каби салбий иллатлар ўлимни эслаш туфайли инсон ҳаётидан чекинади, ўлимни эслаш эзгуликни барқарор ва ёвузликни инкор этишнинг энг мақбул йўлларида биридир”¹.

Марказий Осиёнинг буюк шоир алломалари ҳам ўлим ҳақида ўз фикрларини ўзига хос равишда билдирганлар. Масалан, яссавия тариқати асосчиси Хўжа Аҳмад Яссавий ҳам ҳаётдан кетишнинг оғирлигини тан олиб, куюниб шундай ёзади:

Уқбо хабарин эшитиб, дунёни солиб кеторам,
Тушдим эранлар баҳрига, дунё солиб кеторам.
Мусо, Имрон қолмади, тахти Сулаймон қолмади,
Минг ёшли Лукмон қолмади, дунё олиб кеторам.
Кул-Хожа Аҳмад айтди бу ҳикматни тамом,
Эшутсин деб жумла-жаҳон дунёни ташлаб кеторам.²

Нажмиддин Кубро ўлим тўғрисида қуйидагича маълумот беради: “Ўлим ҳам бир неча хилдир: Мавти аҳмар (қирмизи – қизил ўлим). Бу нафснинг хоҳиш-истакларига қарши туриш эрур. Мавти абйаз (оқ ўлим). Бу очлик билан қорин талабларини ўлдириш. Мавти аҳдар (яхши ўлим). Бу арзон мато парчаларидан арзон мато кийишдир. Чунки янги кийим дунё билан боғлиқ орзу ҳисобланади. Мавти асвад (қора ўлим). Бу халқнинг жабру жафосига таҳаммул этмоқ эрур. Бунга “фано филлоҳ” ҳам дейилади, яъни бутун феъл ва ҳаракатларни маъшуқанинг феълида фоний қилмоқдир...”³. Бизнингча, мазкур қарашларда асосий эътибор инсондаги бу дунёга бўлган нафсни ўлдиришга қаратилган. Яъни инсон қисқа умри мобайнида дунё ноз-

¹ Худайберганов Р.Х. Ўлим феноменининг ахлоқий масалалари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2009. - №4. - Б. 116.

² Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – Б. 45.

³ Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (Гаржимон ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош). – Тошкент: Моварауннаҳр, 2004. – Б. 32-81.

неъматларига берилмасдан, фақатгина эзгу амаллар билан яшаши ҳамда бошқа инсонларга умрбод яхшилик қилиши талаб қилинади.

Бизга маълумки, инсоният маънавий ва маданий ҳаётининг барча даврларида ҳаёт ва ўлим муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган, лекин анъанавий фалсафада ўлим фалсафаси деярли учрамайди. Ғарбда ҳаёт фалсафаси, инсон ва унинг умри билан боғлиқ фалсафий таълимотлар мавжуд. Масалан, экзистенциализм, яъни тириклик, мавжудлик фалсафаси бўлиб, йўқлик ва ўлим фалсафасини етарли даражада тушунтириб бера олмаган. Чунки, экзистенциалистларнинг фикрича, инсон шахсининг мавжудлиги, инсоннинг ўзи, яъни “Мен”ининг шундай марказий мағзини ташкил этади-ки, унда “Мен” шунчаки “фикрловчи ақл”, яъни ялпи умумий, умуминсоният бир нарсасифатида эмас, балки аниқ муайян такрорланмас шахс сифатида ўз ифодасини топади. Бу ҳақда Рене Декартнинг “Мен фикрляпман, демак, мен мавжудман” деган ғоясини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Ҳар қандай инсон ўзининг “Мен”и орқали ўзи билмаган ҳолда “лаззат” олади, ўзини ҳамда “лаззат”ини сақлаб қолиш, уни бой бермаслик учун беихтиёр ҳаёт-мамот жангини қилади, интуитив равишда абадий яшашга, бу дунёдан кетмасликка интилади, айниқса, ўлим олди жон талвасасида бу ҳол яққол намоён бўлади. Дарҳақиқат, ҳеч бир тирик жонзот ўз ихтиёри билан ҳаётдан, бу дунёдан кетишни хоҳламайди, ўзининг “Мени”дан ажралиб қолишдан, йўқ бўлиб кетишдан кўрқади. Агар инсон қайта тирилишига, тирилганда ҳам бошқа одам қиёфасида эмас, балки айнан ўзининг қиёфасида тирилишига, ўзининг “Мен”и йўқолиб кетмаслигига қалбан ишонса, ўлимдан кўркмаслиги мумкин. Шу маънода ислом динида инсон ўлгандан кейин қиёмат куни қайта тирилади деб таълим берилиши инсонга умид бағишлайди ва ҳаётдан абадий йўқ бўлиб кетиш даҳшатидан холос қилади. Аммо ҳаётда кўркув инсоннинг доимий ҳамроҳи эканлигини ҳам унутиб бўлмайди. Гарчи

у баъзи адабиётларда “салбий эмоционал ҳолат”¹ сифатида таърифланса-да, унинг киши маънавий-ахлоқий фаолиятига кўрсатадиган таъсири катта бўлади. Бинобарин, ушбу кўркув инсоннинг “Мен”ини сақлаб қолишига табиий интилишдир.

Ўлим фалсафаси инсонга бу фоний дунёдаги сўнгги лаҳзаларини хотиржамлик билан қарши олиш учун юксак ахлоқ эгаси бўлишини тақозо қилади, ўзидаги ўлимдан кўрқиб ҳиссини енгиб, ҳаётдан қувонч ва завқ олиб яшашга кўмаклашади. Ўлим ҳақида ҳеч нарса билишни истамайдиган, унинг фориғловчи тажрибасига ишонмайдиган одам юзаки одам, унинг туйғулари жуда жўн, ҳаётини қарашлари эса соддадир. Зотан ўлимни тушуниш инсондаги ахлоқий маданият даражасидан далолат беради. Лекин айрим инсонлар бу дунёда абадий турадигандек орзу-ҳавас ва шайтоний нафси орттириб, таъбир жоиз бўлса, дунё матосини кўпроқ тўплаш машаққатларига шўнғиб кетадилар. Бу ҳолатда Нажмиддин Кубро таъкидлаб ўтган “мавти амар”, яъни қизил ўлимни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки нафсини тия олмаган инсон “мавти асвад”, яъни қора ўлимни келтириб чиқариши мумкин. Шундай бўлишига қарамай, биз турмуш ташвишларига кўмилиб, ўлимни гоҳида унутиб қўямиз. Фақат тобут кўтариб кетаётган, қайғуга тўлган одамларни кўрсак, кимнингдир вафот этганини эшитсак, қабристонга кирсак, ўлимни эслаймиз, халос. Ўлимни эслаганимизда ҳам у ҳақда бир лаҳзагина ўйлаймиз-у, тезда унутамиз, чунки бу дунёдан абадий йўқ бўлиб кетишни хоҳламаймиз. Лекин ҳаётнинг бизсиз ҳам давом этиши ва ўлим кўрқинчи қалбларни вайрон қилиши ҳаммамизга маълум. Шунинг учун бўлса керак, ўлим даҳшатини эсламасликка, у ҳақда чуқур фикрга бормасликка, гапирмасликка ҳаракат қиламиз. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай жонли мавжудот сингари инсон ҳаётининг ниҳояси борлиги,

¹ Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати. Тузувчилар: Саидов М.Х., Насриев И.И., Тоҳиров З.Т., Улугов Ш.Х. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 402.

мавжудотлардан фарқли равишда ўзининг охир-оқибатда ўлимга маҳкумлигини англаши ҳам фалсафий муаммолар доирасига киради.

Уйғониш даври гуманисти Пико де Мирандола “Инсон ютуқлари ҳақидаги нутқ”ида худо томонидан шундай сўзлар ёзган: “Одамга қарата: Мен сени на самовий ва на заминли, на ўлувчи ва на ўлмас қилиб яратмадим, чунки ўзинг хоҳлаган тимсолда ўзингни яратишинг учун ўзинг эркин ва яхши устасан. Сен қайта паст, ақлсиз мавжудотга айланишинг ҳам мумкин эди”¹. Демак, Пикода Мирондола фикрича, айнан фаолият инсонни ўлмас ёки ўлувчи қилади.

XVII-XVIII асрда ҳам ҳаёт ва ўлим масаласи турли зиддиятли қарашлар доирасида талқин этилган. Жумладан, Эммануэль Сведенборг анатомия, физиология, фалсафа ва психология фанларига катта ҳисса қўшиш билан бир қаторда ўзининг ўлим олди тажрибасига таяниб, ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида: “Ўлим даҳшат эмас, балки инсоннинг бир оламдан иккинчисига ўтиш воситасидир”², – деб таъкидлайди. Бироқ унга қарши ўлароқ, инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон “Одамлар ўлимдан, болалар қоронғудан кўрқандек кўрқади”³ деган фикрни билдириб ўтади. Тўғри, Фрэнсис Бэкон фикрига кўра, биз инсонлар ўлимни фақат ташқаридан кузатганимизда кўрқув ҳис қиламиз холос. Бизнингча, Фрэнсис Бэкон эмас, балки Эммануэль Сведенборг фикрлари прогрессивроқ. Чунки ўлим инсонлар учун нариги дунёга ўтиш кўприги вазифасини бажаради.

Юқоридаги фикрдан кўриниб турибдики, инсон фожеали бўлиб туюлган ўлим ҳақида онгли равишда фикрлайди ва мангу яшашга интилади, бироқ вақти келганда дунёни тарк этади. Ахир бу дунёни Хўжа Аҳмад Яссавий айтгандай Мусо, Имрон, Сулаймон, ҳатто минг йил яшаган Лукмон

¹ Giovanni Pico della Mirandola. De hominis dignitate. Neptapulus. De Ente et Uno. Firenze, 1942. pp. 386-441.

² Қаранг: Sigstedt C. The Swedenborg Epic. The Life and Works of Emanuel Swedenborg. – New York.: Bookman Associates, 1952. pp. 45.

³ Қаранг: Бэкон Ф. Опыты или наставления нравственные или политические // Соч. В 2-х т. – М.: 1971. Т.2. С. 354-355.

ҳам тарк этган. Шундай бўлишига қарамай, бундай буюк зотлар бизнинг қалбимизда ва руҳимизда мангу, барҳаёт яшайдилар.

Замонавий Ҳинд файласуфи Бхагван Шири Ражнеш ўлим ҳақида: “... агар кимдир ўлимни эслаб гапирса, Фрейд қалтирарди, ҳатто икки марта ҳушидан кетиб стулдан йиқилган, кимдир миср мумиёлари, Юнг мурдалар ҳақида гапирганда, Фрейд қалтираб йиқилди ва ҳушини йўқотди. Агар Фрейд шунчалик кўрққан бўлса, унда ўқувчиларнинг ҳоли қандай, нега ўлим бунчалик кўрқинчли?”¹, – деб ёзади. Ҳинд файласуфининг фикрларини давом эттирган ҳолда шундай иқтибосларни келтирамиз. Масалан, оддий қилиб айтганда, бирон-бир инсон мендан диссертация мавзуимни сўради дейлик. Мен: “Ўлим ва барҳаётлик тўғрисида илмий ва диний ғояларнинг фалсафий таҳлили”, – деб жавоб бердим. Шунда у инсоннинг ҳам Фрейд сингари бутун вужудини қалтироқ босади ва бу мавзунини эшитгиси ҳам келмайди. Лекин бундай тадқиқотлар устида иш олиб бориш инсонни ўлим ва барҳаётликка бўлган муносабатини тубдан ўзгартиради ҳамда маънавий-руҳий жиҳатдан тарбиялайди.

Мазкур масала юзасидан Мишель Монтень: “Келинглари, ўлимни сирлигидан маҳрум этамиз, унга яхшилаб қараб, уни ўрганамиз, у ҳақда бошқа нарсалардан кўра, кўпроқ ўйлаймиз, мисрликлар шундай қилган, улар тантана бўлаётган жойга у ердагиларга эслатма бўлсин деб, бирор-бир ўликнинг мумиёсини олиб келганлар. Ким ўлимни ўрганса, у қулликни унутди. Ўлимга тайёр бўлиш бизни ҳар қандай итоат ва мажбуриятдан холос этади.”², – деб ўлимни ўрганиш, у ҳақда кўпроқ ўйлаш кераклигини таъкидлайди.

Ўзининг ўлим олди тажрибасига асосланган ҳолда Сведенборг: “Мен ўз танамни, жисмимни сезмай қолдим, руҳим танадан гўёки суғурила

¹ Қаранг: Бхагаван Шири Раджнеш. Горчиное зерно. Размышления об изречениях Иисуса. – Индия: Пуна, 1974. – С. 58.

² Қаранг: Рязанцев С. Танаталогия – наука о смерти. – СПб: Восточно Европейский Институт Психопсихологии Санкт – Петербург, 1994. – С. 91.

бошлади. Шундан сўнг фаришта сифат руҳлар мени қуршаб олиб, мен билан фикран мулоқотга кириша бошладилар. Мулоқот қандайдир умумий, универсал тилда амалга ошиб руҳларнинг сўзлари қулоқ орқали эмас, балки ақл вужудига қўйила бошлади. Вақт ва макон тўсиғи тўла барҳам топди. Менга ерда бўлиб ўтган ҳаётим тўлалигича кўрсатилди”¹, – деб ёзади. Унингча, руҳларнинг нутқи оддий сўзлашув каби аниқ жаранглар, аммо у атрофдаги тирик одамларга эшитилмас экан. Ўлган одамнинг руҳи марҳумнинг дўстлари, яқинлари, қон-қариндошлари руҳи билан ҳам учрашиб, улар унга ўзга оламга ўтишга кўмаклашган. Бундай янги ҳолатга тааллуқли бўлган ишлар тўғрисида улардан маслаҳат сўраган. Вафот этганлар латиф оламга ўтишгач, у оламга кўниккунларича ўзларини жуда ёлғиз ҳис қилиб, тириклардан ўз яқинларини кумсайди ва доимо улардан умидвор бўлади.

Физик олими Альберт Эйнштейн ўлим тушунчасига ўзига хос муносабатда бўлиб, ундан ўлимдан кўрқасизми, деб сўрашганда, у: “буюклар ўлимдан кўрқмайди, мен тириклик билан шундай жипслашиб кетдимки, менга фарқи йўқ, мавжудлик қаерда бошланиб қаерда якунланади”², – деб жавоб берган. Эйнштейн ҳаётни ниҳоятда севган. Лекин, шу билан бирга, у ўлим ҳам унчалик ёмон эмас деб таъкидлаган. Унинг дўсти бир суҳбатда инсон учун ўлим нима деб сўраганида у: “ўлим – бу енгил тортиш”³, – деб фикр билдирган.

Ҳозирги адабиётда ёзувчилар ўлим ҳақида драмалар, эпегиялар, трагедиялар яратиб, ўлим тушунчасини тил орқали ифодалашга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, рус олими А.В. Демичов ўлим масаласининг рус

¹ Қаранг: Sigstedt C. The Swedenborg Epic. The Life and Works of Emanuel Swedenborg. – New York.: Bookman Associates, 1952. pp. 48.

² Кузнецов Б.Г. Эйнштейн. – М.: Наука, 1967. – С. 402.

³ Кузнецов Б.Г. Эйнштейн. – М.: Наука, 1967. – С. 403.

халқи руҳияти ва эътиқодида қандай акс этишини, унинг муҳим қирраларини ёритиб беришга ҳаракат қилади¹.

Япон ёзувчиси Рю Мураками ўзининг “Танатос” деб номланган романида ўлим ҳақидаги монолог орқали япон менталитетига хос бўлган садомадохостик ғояларни илгари суради ва бу ижтимоий муносабатлар кичиклашуви натижасида ўзининг олий нуқтасига – ўз ҳаётига суиқасд қилишга олиб келади, деб хулоса қилади².

Демак, ўлим ва барҳаётликнинг моҳиятини англаб олиш жараёни барча даврларда универсал характерга эга бўлиб, ҳар бир миллатнинг маънавий ўз-ўзини англаш даражасига боғлиқдир.

Хуллас, инсоният тараққиёти тарихида ўлим ва барҳаётлик ғояларини таҳлил қилиб қуйидаги хулосага келдик:

ўлим тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар асосан мифологик ва диний характерга эга бўлган бўлса-да, уларнинг аксариятида инсон маънавий-ахлоқий камолоти учун зарур ғоялар шаклланган. Ўлим фалсафаси инсонга бу фоний дунёдаги сўнгги лаҳзаларини хотиржамлик билан қарши олишни ўргатади. Одамларнинг ўзларидаги ўлимдан кўрқиб ҳиссини енгиб, ҳаётдан қувонч ва завқ олиб яшашларига кўмаклашади;

ўлим масаласида Шарқ ва Ғарб файласуфларининг ўзига хос ёндошувлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган томонларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда ўлим (танотос) масаласи жаҳон маданиятнинг асосий муаммосига айланди. Чунки ушбу соҳа файласуфлар томонидан ўзига хос тарзда ўрганилмоқда;

барҳаётлик бу инсоннинг буюк идеали ҳисобланади. Диний нуқтаи-назардан унинг асосида илоҳий моҳият ёки инсоннинг унга бўлган интилиши

¹ Қаранг: Демичев А.В. Дискурси смерти: Введение в философскую танатологию. – СПб: 1997. – С. 98., Демичев А.В. Взятые из энцикл. словаря: Алексеев П.В. Философы России XIX-XX столетий. Биографии, идеи, труды. М.: 2002. – С. 282.

² Мураками Р. Танатос: (Роман) / Рю Мураками. Пер. И.Светлова. – СПб: ТИД Амфора, 2005. – С. 255.

ётса-да, аксарият фалсафий адабиётларда инсоннинг ахлоқий хатти-ҳаракати ҳамда эзгу амалларининг кейинги авлод қалбида из қолдириши назарда тутилади. Шунингдек, унда инсоннинг барча орзу-умидлари, ҳаётга бўлган қизиқиши, ҳаёт йўлининг янада бой маъно-мазмун касб этиши кабилар устувор аҳамият касб этади;

ўлим ва барҳаётлик чегарасида инсон ўз-ўзини англаб етади. Бу ҳолат анча мураккаб бўлса-да, унинг асосида инсон ҳаётининг бутун қирралари акс этади. Ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги эътиборли фикр-мулоҳазаларни ҳозирги давр руҳига мослаган ҳолда янада ривожлантириш ўз самарасини беради;

инсониятни азал-азалдан лол қолдириб келаётган ўлим деб аталмиш сирли ҳодисани тўла англаб етиш умидида буюк алломалар, илм вакиллари кўп ўйлаганлар. Бироқ ҳеч ким ўлим нима эканлиги хусусида узил-кесил фикрни баён қилолмаган. Шу тариқа ўлим тушунчаси халқ маданиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб келган;

танатология — ўлим ҳақидаги соҳа сифатида ривожланишда давом этмоқда. Ҳозирга келиб мазкур соҳада кўпгина ютуқлар қўлга киритилди. Бу эса жамиятдаги ижтимоий-маданий ва ахлоқий соҳаларнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўлим образи санъатда ҳам, маданиятда ҳам, ахлоқ соҳаси ва ҳатто фалсафада ҳам энг долзарб масалага айланиб бормоқда;

танатологиянинг ривожланишида тиббиётдаги ютуқларнинг ҳам ўрни бор. Шунинг учун ҳам бир неча асрлар мобайнида шаклланиб келган ўлим тўғрисидаги аксарият тасаввурлар ҳозирга келиб ўз аҳамиятини йўқотди. Бу жараён айниқса, ўлимни ифодалашдаги догматик тасаввурларга чек қўйилиши билан изоҳланади;

ўлим ва барҳаётлик ҳақидаги қарашлар фалсафий тафаккур тараққиётида ҳам ўз ўрнига эга. Уларни изоҳлаш асосида эса мифологик, натуралистик, диний, фалсафий ёндашувлар шаклланган;

ҳозирга келиб ўлим ва барҳаётлик ҳақидаги ғоялар турли бадий санъат асарларининг асосий ва таъсирли мавзусига айланиб бормоқда. Баъзи ҳолларда у ғожеа тимсоли бўлса, бошқа жиҳатдан кулгулилик сифатида ҳам тасвирланмоқда. Шунингдек, уларнинг инсон руҳияти ва онг ости билан боғлиқ жиҳатлари акс этган қарашларнинг шаклланишида ҳам мустаҳкам асос бўлмоқда;

ҳаёт, ўлим ва барҳаётлик муносабатлари ниҳояли-ниҳоясиз нисбатда ифодаланади. Бироқ бу умумий ибора бўлиши ҳам мумкин. Аммо унинг орқасида кўп қиррали масалалар ётибди. Уларни аниқлаш эса ҳозирги файласуфларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шундай бўлса-да, ҳозиргача ҳар бир файласуф турли усуллар билан уларнинг сир-синоатини англашга, улар ортидаги ҳақиқатларга эришишга ва аниқлик киритишга ҳаракат қилмоқда.

Мустақил иш учун савол ва топшириқлар

1. Ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги қарашлар эволюцияси?
2. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” да ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги қарашлар?
3. Антик давр файласуфлари асарларида ўлим тўғрисидаги қарашлар?
4. Ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги қарашларнинг мифологик кўриниши?
5. Уйғониш даври гуманистлари асарларида ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги қарашларнинг ривожланиши?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш учун тест саволлари

1. Сукротнинг ўлими ҳақида бизга қўйидаги қайси файласуф маълумот бериб ўтган?
 - А) Арастунинг “Метафизика”
 - Б) Афлотуннинг “Федон”
 - С) Цицерон “Рух”

D) Макиавелли “Хукмдор”

2. Ўлим ва жон (руҳ)нинг боқийлиги ғоясини тизимлаштиришган юнон файласуфи?

A) Арасту, Афлотун

B) Демокрит, Гераклит

C) Арихимед, Диоген

D) Фемистокил, Цицерон

3. Арасту ўлим ва барҳаётлик ғоясининг мантикий мазмунини қуйидаги қайси асарида тўхалган?

A) “Метафизика“

B) “Федон”

C) “Рух”

D) “Топика”

4. тириклик, мавжудлик фалсафаси хисбланади?

A) Суицид

B) Саддизм

C) Экзистенциализм

D) Материализм

5. Инсон ва инсониятнинг охириги тақдири, оламнинг охири ва қиёмат куни ҳақидаги диний таълимот фандай қандай номланади ?

A) Эвтаназия

B) Эсхотология

C) Хоспис

D) Саддизм

II БОБ. ЎЛИМ ВА БАРҲАЁТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ДИНИЙ ҚАРАШЛАР

Ўлим ва барҳаётлик ҳақидаги қарашлар дастлаб мифологик ва диний характерга эга бўлган. Мазкур бобда қадимги Ўрта Осиёда шаклланган диний-фалсафий қарашлардан тортиб, то ҳозирги давргача бўлган вақт оралиғидаги ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги ғоялар тадқиқ этилган ва улар фалсафий жиҳатдан тизимлаштирилган. Ислом дини инсон ўлганидан кейин қиёмат куни қайта тирилади деб таълим бериши инсонга умид бағишлайди ва ҳаётдан абадий йўқ бўлиб кетиш даҳшатидан холос бўлиши ҳақидаги фикрлар Қуръон ва ҳадислардаги мисоллар билан биргаликда тушунтирилади.

Инсоннинг маънавий-руҳий фаолиятида ўлим ва барҳаётликнинг ўзаро муносабатларига доир концептуал ёндошувлар батафсил ўрганилган. Бунда ўлим ва барҳаётликнинг инсон маънавий-руҳий фаолиятига кўрсатадиган таъсири турли ижтимоий-ахлоқий меъёрлар асосида очиб берилган.

2.1. Ўлим ва барҳаётликнинг диний таълимотлардаги инъикоси

Қадимдан инсонлар ҳаёт ва ўлим ҳақида фикр юритиб доимий равишда барҳаётликка интилиб яшаганлар. Бу интилишлар антик даврда ўлим ғоясининг мифологик тарзда вужудга келишига замин яратди. Дастлаб танатос ғояси қадимги халқларнинг ижодида афсона, ривоят ва достонларда ўз ифодасини топган. Ушбу манбалардан бири, бизгача етиб келган, Гильгамеш ҳақидаги шумер-бобил достонидир¹. Мазкур достонда қайд этилишича, Гильгамеш барҳаётликка эришиш йўлини излайди. У Утнапиштимнинг маслаҳатига кўра денгизнинг қаъридан инсон танасини ёшартирадиган кўчатни олиб чиқади. Лекин ўз ватанига қайтиб келаётган

¹ Қаранг: Гильгамеш: Вавилонский эпос. – СПб: 1919. – С. 56.

пайтда маккор илон ушбу кўчатни ўғирлаб ғойиб бўлади. Шундан сўнг Гильгамеш чуқур қайғуга ботиб, ўз шахрига қайтади ва ўлимини кутади. Бизга маълумки, Гильгамеш ҳақидаги ёзув тахтачалари эрамиздан аввалги III минг йилликка оид бўлиб, ўлим ва абадийлик ҳақидаги тасаввурларни акс эттиради, улар бошқа диний китоблардан ҳам фарқ қилади. Масалан, унга Д.Г.Редер ўзининг “Икки дарё оралиғи афсона ва ривоятлари” китобида ўз эътиборини қаратади. Унинг фикрича, “Бобил эпоси қаҳрамони Гильгамешнинг саргузашт ва дарбадарликларининг мақсади шахсий абадийликка эришиш ва одамлар учун абадийлик эди”¹. Мазкур манбада келтирилишича, “Гильгамешни қаҳрамонликларга чорлаган нарса севимли дўсти – Энкидунинг ўлими бўлди, унинг қabri устида. “Дўстимнинг танаси чангга айланиб ер билан қоришиб кетди. Биламанки, мени ҳам шундай тақдир кутяпти! Менинг танам ҳам чанг ва лойга айланади. Мен ўлимдан кўрқяпман”², – дейди. Эпосда Гильгамешнинг ўлим тўғрисидаги бошқа сўзлари ҳам берилган: “Инсоннинг ҳамма ишлари шамол каби тарқалиб кетади. Мен ўлимдан яхши хотира қолдирмоқчиман, менинг исмим абадий такрорланишини истайман”³.

Гильгамеш дўстининг ўлимидан қайғуриб шундай дейди: “Энкиду олдида йиғлаётиб, ҳозир туриб қолишига умид қилар эдим аммо, 7-куни унинг бурнига қуртлар қириб қолибди ва мен тушундимки, энди у қайтмайди, биз уни дафн қилдик. Шундан кейин тинчимни йўқотдим. Дўстимнинг танаси ер билан битта бўлиб бораётган эди. Менинг бошимда ҳам бу нарса бор, буни биламан. Менинг баданим ҳам лойга айланади. Мен бундан кўрқаман...”⁴. Мазкур фикрлардан биз – инсоният ўлим ва барҳаётлик ҳақида ҳамма даврларда фикр юритиб келинганини англаб олишимиз мумкин бўлади.

¹ Қаранг: Рейдер Д.Г. Мифы и легенды Древнего Двуречья. – М.: Наука, 1965. – С. 120.

² Қаранг: Ўша асар: – С. 120.

³ Қаранг: Ўша асар: – С. 120.

⁴ Қаранг: Рейдер Д.Г. Мифы и легенды Древнего Двуречья. – М.: Наука, 1965. – С. 120.

Қадимги Хитойда барҳаётлик эликсирини тайёрлаш усуллари ҳам айрим манбаларда келтирилади. Жумладан, Гэ Хуннинг “Бао Пу-цзи” деб номланган асарида ушбу эликсирнинг тайёрлаш усули берилган. Унга кўра, 10 минг йил яшаган қурбақа билан минг йил яшаган кўршапалакнинг сояда қуритилган порошоги ичилса, 40 минг йил яшаш мумкин¹, деб эътироф этилган. Рус олими Л.Н.Гумилев: “бизда доим ҳаётни узайтириш ҳақида сўз кетади, лекин улар фақат кексаликни узайтиришади, бу ҳеч қачон лаззат келтирмайди. Ҳаёт қандай бўлса, шундайлигича яхши: авлодлар алмашинуви давом этсин ва ҳаёт янгилансин”², – деб ёзади.

Қадимги дунё тарихидан маълумки, инсон ҳаёти ва ўлими масалалари афсона ва диний қарашларда ҳам асосий ўринни эгаллаган. Антик давр афсоналарида ҳайвонлар ҳам, инсонлар ҳам ўладиган тана ва ўлмас руҳга эга деб кўрсатилган. Руҳ номоддий, кўзга кўринмас табиатга эга бўлиб, ўзида гўёки инсон вужуди тимсолини гавдалантирган. У йўқолмайди, ўлмайди ва ўз маконида яшайди ҳамда ўз жойини алмаштириб туради. Баъзи диний таълимотларда эса тана ўлгач, руҳ бир жонзотдан иккинчисига ўтиб туриши эътироф этилади. Бу ҳодиса қадимги диний ва фалсафий таълимотларда, масалан, юнонистонда юнонча – “метемпсихоз”, брахманизм, ҳиндуизм ва буддизмда санскритча – “сансара”, арабча – “таносух”, тўғрироқ қилиб айтганда “таносух ал-арвоҳ”, ҳозирги илмий тилда реинкарнация сифатида ўрганилмоқда.

Жаҳон динларидаги ўлим ва барҳаётликка муносабат афсона ва ривоятлардан тубдан фарқ қилади. Дастлабки жаҳон дини бўлмиш буддавийлик таълимотида бир умр тугагандан сўнг иккинчи умр бошланади. Инсон ўлар экан ёлғиз танаси, вужуди ўлади, лекин ҳаёти янги-янги вужудларда давом этаверади. Инсон умри давомида бировларга ёмонлик қилса, зиён етказса, келгуси умрида, албатта, жазосини олади.

¹ Афоризмы старого Китая. Изд. 2-е, исправь. Сост. вступ. статья и примечания В.В.Малявина. Отв. ред. И.С.Лисевич. – М.: Наука, 1991. – С. 79.

² Қаранг: Гумилев Л.Н. Никакой мистики. – М.: Юность, 1990. – С. 55.

Буддавийлик динининг асосчиси Будда Ситхарта Гаутама Ганг дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Канилвасти мамлакатининг ҳукмдори Шакья қабиласига мансуб. У гаутамалар сулоласининг давомчиси Шудходанинг валиаҳди бўлган. Шохзода вояга етгач, ҳар қандай мавжудлик, ҳаёт азоб-уқубатлардан иборат экан деган хулосага келган. У инсонлар бошига тушадиган кулфатларни ва ўлим сабабларини ўрганиш мақсадида 29 ёшида хотини ва ўғлини қолдириб саройни тарк этган. Тарки дунё қилиб ўрмонда яшаган ва янги таълимот яратишга уринган. 35 ёшида унга ҳақиқат аён бўлади, у билим нуридан зиёланади ва Шакья-Муни Гоудди, яъни “нурланган”, ҳақиқатга, олий мақомга эришган деган ном олади¹.

Буддизмнинг барҳаётлик шакли бу нирванага эришишдир, яъни руҳлар оламида ўлишдир. Будда азоб-уқубатлар мутлақо тугамайдиган нарса, борлиқнинг барча кўринишларини, ҳар қандай ҳаётнинг турган битгани азоб-уқубатдир деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, жонли мавжудотнинг ўлиши уни ташкил этган моддий зарраларнинг ажралиб кетишидир. Бу жисмларни ташкил этган тананинг янгидан бирикиши илгари қилинган савоб ва гуноҳларга боғлиқ. Бу моддий жисм тана, руҳ даражасига етганда қайта туғилиш тўхтайди, азоб-уқубатдан бутунлай халос бўлади. Руҳ доимо қайта туғилади; одам, ҳайвон, парранда ва бошқа жонзотлар шаклига киради.

Дунё азобларидан қутулиш йўлини буддавийлар “нирвана”да деб биладилар. “Нирвана” ҳолат бўлиб, луғавий мазмуни “ўчганлик”, “сокинлик”, “ўлганлик” маъноларини билдиради. Киши нирвана ҳолатига нафсидан воз кечиш йўли билан кириши мумкин, дейилади. Кишининг энг етуклик, бахтли ҳолати нирванада, деб тушунилади”². Буддавийлик динида ўлим ва барҳаётлик тушунчалари нирвана тимсолида гавдаланади. Ёмонлик ва азоб-уқубатларнинг сабаби инсоннинг ва барча тирик мавжудотларнинг бу

¹ Қаранг: Будда. Конфуций. Магомет. Франциск Ассизский. Савонарола Биографическая библиотека Ф. Павленкова. – М.: Республика, 1995. – 352 с., Стронг Дж. Будда. Краткая биография. Серия грандиозный мир. Пер. с англ. О. Перфильева. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2003. – 240 с.

² Зиёмуҳаммедов Бўри. Комилликка элтувчи китоб. – Тошкент: Турон-икбол нашриёти, 2006. – Б. 135.

дунёда, қайта туғилиш дунёга-сансарага боғланганлиги, кўнгил қўйганлигидир. Борлиқ гирдобидан чиқиб олиш учун ғафлатдан уйғониш, дунё моҳиятини англаш, ҳаётга чанқоқликдан турмуш кўнгилхушликларига, лаззатларига, ҳокимиятга, мансабу лавозимларга, бойликка интилишдан воз кечиш лозим. Нирванага эришиш учун инсонлар ўз истак, орзу ва нафсларини жиловлаб олишлари керак. Олий ҳақиқатга эришиш учун, энг аввало:

- а) ҳеч кимни, ҳеч нарсани ҳаётдан жудо қилмаслик, ўлдирмаслик;
- б) ёлғон сўзламаслик, вайсақилик қилмаслик;
- в) ўғрилиқ ва бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик;
- г) жинсий алоқа қилмаслик, уйланмаслик;
- д) маст қилувчи ичимликлар ичмаслик;
- е) куннинг иккинчи ярмидан то саҳаргача овқатланмаслик;
- ё) уч кийимдан ортиқ ҳеч нарса билан безанмаслик;
- ж) оммавий кўнгилхушликларда иштирок этмаслик;
- з) баланд ва юмшоқ ўринда ётмаслик;
- и) пул ишлатмаслик каби ўнта фарзни адо этиш лозимдир.

Биз ҳам юқоридаги фикрларни давом эттириб ҳалол меҳнат қилиш, ҳасадгўйлик қилмаслик, нафсни жиловлаш, турли хил гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилмаслик, ўз жонига қасд қилмаслик (суицид) кабиларни эътиборга олишимиз мумкин. Зеро, булар барчамизнинг ҳаётимизда дастуриламал бўлмоғи лозим.

Христиан динидаги ўлим ва барҳаётлик ҳақидаги таълимотлар буддавийлик динидаги қарашлардан тубдан фарқ қилади. Христианликда шахснинг барҳаётлиги фақат қайта тирилиш орқали намоён бўлади. Барҳаётликка йўл Исо Масих хочда ўлдирилиб, кейин қайта тирилганлиги билан ифодаланади. Ўлим ҳаётнинг охири эмас, балки барҳаётликнинг бошидир деган ақида христиан динининг назарий пойдеворидир.

Ўлим муҳим эсхатологик ғоя сифатида ўрта аср дискурсининг энг асосий манбаи ҳисобланади. Бунинг исботи сифатида биргина христианликда эътиқоднинг асосий рамзи бўлиб, мазмунида ўлим ётадиган хочга қоқилган Худо тимсоли туришини келтириб ўтишнинг ўзи кифоя. Бу хусусда А. Я. Гуревич шундай дейди: “Исо Масихнинг ўлими ва қайта тирилиши билан охират олами тарихининг янги даври бошланади”¹. Шундай экан, эътиқоддаги барча сирли нарсалар орасида айнан ўлим энг катта жумбоқ бўлиб қолаверган, чунки у инсонга бевосита алоқадор эди. У мазкур муаммога қандай ечим топишига қараб ўз ҳаётини қурган.

Христианлик таълимотининг асосини Исо пайғамбарнинг илоҳий рух сифатида дунёга келгани, унинг халққа Худо салтанатининг яқинлашиб қолганини эълон қилиши, одамларни гуноҳдан халос этиш учун қийноқларга солиниши ва даҳшатли тарзда хочга михланиб ўлдирилиши, кейин яна тирилиб осмонга кўтарилиб кетганлиги, замон охирида яна қайтиб келиши ва адолатли подшоҳлик ўрнатилишига ишонч ғоялари ташкил этади². Христиан динида инсон ҳаётининг мақсади – абадий ҳаётга, барҳаётликка интилишдир.

Ислом дини ўлим ва барҳаётлик масаласини ҳал қилишда ўзидан аввалги ҳақ динларга таянади. Ислом дини инсон вафот этгач, у қиёмат куни қайта тирилади деб таълим бериши билан имон аҳллари қалбига умид бағишлайди ва ҳаётдан абадий йўқ бўлиб кетиш даҳшатидан халос қилади. Зеро, ўлим у ҳақидаги билимларнинг бир вақтда аниқлиги ва ноаниқлиги билан ҳам кўрқитади, ўлим инсон тажрибалари орасида энг ноаниқ жараён сифатида намоён бўлади. Шу боис, инсонлар азалдан “ўлим дарвозаси”дан ўтганларидан кейин қандай ҳодиса рўй беришини билишга қизиқиб келган.

Қуръони Каримнинг “Моида” сурасида: “Албатта, ким одам ўлдирмаган ва ер юзида фасод қилмаган бир жонни ўлдирса, худди барча одамларни ўлдиргандекдир”¹, – дейилган. Ислом назарида, бир инсоннинг

¹ Гуревич А.Я. Средневековый мир: культура безмолвствующего большинства. – М.: Наука, 1990. – С. 238.

² Қаранг: Роланд П. Откровения: мудрость веков. – М.: Ниола-пресс, 2000. – С. 160.

¹ Қуръони Карим. Таржима ва шарҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 76.

ҳаёт ҳаққиға тажовуз қилиб, уни ўлдиришға журъат этган одам бутун инсониятни ўлдиргандек бўлади. Чунки у инсонлик ҳаққини ноҳақдан поймол этди. Фақат Оллоҳнинг Ўзига хос бўлган нарсаға, Оллоҳнинг ёлғиз Ўзидан бошқа ато эта олмайдиган улуғ неъматға тажовуз қилди. Шунингдек, инсон ҳаётини ҳимоя қилиш масаласи ҳам мазкур ҳақнинг улуғлигидан юқори баҳоланади. Яъни: “Ким бир жонни тирик қолдирса, худди барча одамларни тирилтиргандек”², – дейилади. Бирор одамнинг ўлимдан сақланиб, ҳаётда қолишиға сабаб бўлган одам, бутун инсониятнинг ҳаётини сақлаб қолишға сабаб бўлган кишидек тақдирланади. Ҳаёт Оллоҳ томонидан берилган ҳақ бўлгани учун уни ҳеч ким бировға миннат қилмайди. Инсоннинг ҳаётини фақат Оллоҳнинг ўзи олишға ҳақли. Ҳаттоки, ўша ҳаёт неъматини берилган шахс ўз ҳаётиға ўзи суиқасд қилиши ҳам мумкин эмас. Исломда бировни ўлдириш қанчалик қораланса, ўзини-ўзи ўлдириш ҳам шунчалик қораланади. Жумладан, “Нисо” сурасида: “Ўзингиз ўзингизни ўлдирманг. Албатта, Оллоҳ сизға раҳимдилдир. Ким буни душманлик ва зулм йўли ила қилса, албатта, уни дўзахға киргизурмиз. Ва бундоқ қилиш Оллоҳ учун осондир”³, – деб таъкидлаб ўтилган.

Ўз-ўзини ўлдириш кўп қиррали муаммо бўлиб, у нафақат тиббиёт ходимлари, балки бошқа фанлар мутахассислари, жумладан, социолог, психолог, психиатр, педагог, ҳатто иқтисодчиларнинг диққат эътибориға моликдир⁴. Мазкур фикрлардан, ўз жонига қасд қилиш нафақат ислом динидаги, балки барча фанларнинг долзарб муаммоларидан бири эканлигидан далолат беради. Ислом динида нафақат ўзини ўлдириш, балки ўзига ўзи ўлим тилаш ҳам ман қилинган.

Ислом динида ҳар қандай инсоннинг ҳаёти ўта қадрли бўлганидан ҳам жон кирган ҳомилани олдириб ташлаш қотиллик ҳисобланади. Бу иш

² Куръони Карим. Таржима ва шарҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 76.

³ Куръони Карим. Таржима ва шарҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 58.

⁴ Амбрумова А.Г. Психология одиночества и суицид. – // Труды Московского НИИ психиатрии. Том № 92. 1981. – С. 69-80., Бородин С.В. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства. // Комплексные исследования в суицидологии: – Сб. науч. тр. 1986. – С. 45-52.

жоҳилият даврида болани тириклайин кўмиб ташлаш жиноятининг кичик кўриниши, деб баҳоланади. Ўз роҳатини кўзлаб жони бор ҳомиласини олдириб ташлаган аёл ўз боласининг қотилидир. Бу ишни бажарган одам ҳам шу жиноятга шерик бўлади. Ислом динида ҳар қандай инсоннинг ҳаёти ўта қадрли бўлганидан ҳам, ҳаёти ўзини тарк этмаган инсоннинг аъзосини бошқа инсонга кўчириб ўтказишга ҳозирги кунимиз мусулмон уламолари қарши чиқмоқдалар. Шу ўринда, “...Оллоҳнинг ўзи инсон зотини вужудга келтирар экан, уни турли қиёфада, нафақат юз-кўзи, балки феъл-атворини ҳам бир-бирига ўхшамайдиган қилиб яратган. Ер юзида қанча инсон яшайдиган бўлса, бармоғининг изи ҳам, ички дунёси ҳам бир хил бўлган иккита одамни топиш, учратиш қийин. Табиийки, бу инсонларнинг фикрлаш ва яшаш тарзи ҳам бир-биридан фарқ қилади”¹, – деб инсоннинг ҳаётини энг олий неъмат сифатида ардоқлайди.

Дарҳақиқат, ҳаёт ҳаққини инсонга Оллоҳ берган. Уни инсондан фақат Оллоҳгина олиши мумкин. Бу жараён табиий ҳолда кечиши ёки Оллоҳнинг ҳукмига биноан қатл жазосини ижро этиш билан бўлиши мумкин. Оллоҳ эса, фақатгина кўпчиликнинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида, кўпчилик ҳаётига таҳдид солганларгагина ўлим жазосини белгилаган. Яъни “Бақара” сурасида: “Сизларга қасосда ҳаёт бордир”², – дейилади. Бу одам ўлдирган шахсни қасос учун ўлдиришда сизларга ҳаёт бордир, деганидир. Зикр қилинган нарсалардан кўриниб турибдики, Ислом дини инсон ҳаётини улуғлайди. Ислом дини инсондаги ҳаёт ҳаққини эҳтиром қилади ва уни кўриқлайди. Ислом динининг бу борадаги ўн беш аср илгари жорий қилган қонунларига бошқаларнинг етишига ҳали анча бор.

Тасаввуфда ҳам бу масалада эътиборга молик фикрлар билдирилган. Масалан, Нақшбандия тариқатининг етакчиларидан бири М.А.Жушан ўзининг “Тасаввуф ва нафс тарбияси” номли китобида: “Бугунги куннинг

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 23.

² Қуръони Карим. Таржима ва шарҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 21.

замонавий ёшларидан шундай жавоб кутилгач, албатта, тасаввуфнинг нечоғли буюк аҳамият касб этганлиги маълум бўлади. Ўлим масаласи кўндаланг қўйилганида инсон жиддийлашади, ҳазилга ўрин қолмайди. Шу боис, инсон қалби таскин топадиган кафолатли йўлни танлаши керак”¹, – деб таъкидланади. Чунки ислом тасаввуфи – пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг яшаган ҳаёт тарзи ва шариатнинг ҳаётга татбиқ этилиши, эзгулик соғинчи, диний вазифаларнинг самимият билан адо этилиши, имон асосларининг қалбга сингдирилиши – Ислоннинг асли, руҳи ва ўзагидир, ибодатда эҳсон мақоми сўз эмас, амалдаги ҳол; ғафлат, жоҳилият ва хурофот эмас, илму маърифат ва хушёрликдир.

Ислоншунос олимларимизнинг аксарияти айна вақтда ҳам авлиё, ҳам тасаввуф раҳнамолари эдилар. Тасаввуф эса тафсир, ҳадис, калом, ақоид ва фикҳ илмлари каби шаръий бир илмдир. Қуръон ва ҳадисдан олинган зоҳирий фикҳга муқобил ботиний фикҳ илми, қалб аҳволи илми, нафси поклаш илмидир. Тасаввуф нафси тарбиялашдир: соғлом ирода, гўзал хулқ, солиҳ амалдир.

Тасаввуфда кўпчиликка номаълум бўлган воқеликлар ҳамда ғойиб илми ҳақида ҳам фикр юритилади. Улардан бири инсоннинг руҳи ва унинг ўзига хослигидир. Тасаввуфнинг кўзга кўринган намоёндаларидан бири Азизиддин Насафий ўзининг “Зубдат ул-ҳақойиқ”, яъни “Ҳақиқатлар қаймоғи” асарида: “Олам ўзининг аввалида икки қисмдан иборат: биринчи қисмини – олами шухуд (кўринадиган олам), иккинчи қисмини – олами ғойиб (яширин олам) деб атайдилар. Бунда икки оламини миқдорий (жузъий) ва умумий (куллий) маъноларда турли номлар билан тилга оладилар. Масалан, “...ҳолиқият олами ва амр олами, мулк олами ва малакут олами, жисм олами ва руҳ олами, ҳислар олами ва шуур олами, нур олами ва зулмат олами кабилар. Бу номлар ҳар икки олам – олами шухуд ва олами ғойибга

¹ Қаранг: Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Тошкент: Чўлпон, 2000. – Б. 79.

ишорадир”¹, – деб ёзади. Бу фикрдан маълум бўладики, рух ҳақидаги илмга ҳар ким ҳам эга бўлмайди. Бунинг учун у тасаввуфий ҳаёт талаблари ва қоидаларига мунтазам амал қилиши ҳамда, асосан, Оллоҳнинг эътиборига ноил бўлиши керак. Азизиддин Насафий бу борада ўз фикрини давом эттириб: “Билгилки, шариат аҳли жузъ ва кулли идрок этадиган, ўзини ва Парвардигорини танийдиган, биладиган инсоний ҳақиқатни инсон руҳи дейдилар. Ҳикмат аҳли эса бу ҳақиқатни жон деб атадилар”², – деб таъкидлайди. Бироқ инсонга Оллоҳ рух тўғрисида фикр юритишни тавсия қилмаса ҳам, уни барибир чуқурроқ англашга интилаверади. Чунки инсоннинг турли воқеликларни билиш ва англашга бўлган интилишида фақатгина рационализм эмас, балки трансцендентализм тамойиллари ҳам устувор бўлади. Рух ва унинг қайта тирилиши ҳақидаги турли иррационал асосга эга бўлган ғоялар доирасидаги баҳс-мунозаралар ҳали-ҳанузгача давом этмоқда.

Шу ўринда яна бир замонавий далилни қайд этишни жоиз деб топдик. Англия микробиолог олимлари бундай илоҳий башоратни табиий-илмий тасдиқловчи оламшумул кашфиётни амалга оширган. Улар инсоннинг охирги умуртқа поғонасининг ичида жуда ҳам кичик, тарикқ донасидек келадиган гавҳар-уруғи борлигини аниқлаганлар. Бу гавҳар шундай қобик билан ўралган эканки, у ҳеч қачон чиримас, йўқ бўлиб кетмас, ҳатто ўта юқори ҳароратга ҳам дош бера олар экан. Тажриба пайтида гавҳар қобиғига турли кимёвий моддалар таъсир эттирилганда ҳам у ўз хусусиятини ўзгартирмаган³. Демак, инсон жасади ўтда ёниб ёки тупроқда чириб йўқ бўлиб кетса ҳам, унинг гавҳарига асло зарар етмайди. Шуниси қизиқки, Оллоҳ таоло бу ҳақиқатни ўз вақтида пайғамбарига ваҳий орқали аниқ-равшан маълум қилган. Бундан ўн беш аср муқаддам Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Инсоннинг ҳамма аъзоси чириб, думғазасигина сақланиб

¹ Азизиддин Насафий. Зубдат ул – ҳақойиқ. – Тошкент: Камалак, 1995. – Б. 5.

² Ўша ерда: – Б. 17.

³ Курский А.Н. Психо-фактор тайны человеческой личности. – М.: Рипол классик, 2001. – С. 39.

қолур, инсоннинг қайта таркиб топтирилмоғига шу думғаза асос бўлур”¹, – деб марҳамат қилган фикри XX аср фанида илмий асосланган.

Ислон таълимотига кўра, инсон жасад ва руҳдан иборат. Жасад ер юзида вақтинча, яъни тақдир этилган муддатгача яшайди, руҳ эса жасадга зид ўлароқ, абадийдир. Парвардигор қиёматда инсон умуртқасидаги гавҳаруруғни жонлантириб, жасадни қайта шакллантиргач, унга руҳни киргизиб, қайта тирилтиради.

“Ёсин” сурасининг 12-оятида: “Албатта, Биз ўликларни тирилтиурмиз ва уларнинг қилган амалларини ҳамда (қолдирган) изларини ёзиб кўюрмиз. Барча нарсани Биз очиқ китобда (яъни, Лавҳул-Махвудда) белгилаб кўйгандирмиз”², – деб баён қилинади.

Азизиддин Насафий: “Руҳ (жон) Худованди оламдан келади ва у мақсад қилинган ишларни амалга оширгач, яна қайтиб, Худованди олам хузурига йўл олади “Ундан бошланади ва Унга қайтади”, дейилишининг маъноси шу”³, – деб қайд этган эди. Бу фикрдан маълум бўладики, ҳар бир инсон бу дунёдаги қисқагина умрида фақатгина яхшилик қилиши, одамларга меҳр-муҳаббат кўрсатиши лозим.

Ислонда ҳаётнинг маъноси – руҳ ва имон саломатлиги, роҳат-фароғат келтирувчи ҳалол меҳнат ва ҳақиқат сир-асрорини очгувчи илму маърифатдир. Инсон ердаги ҳаёти давомида ўзини худбинлик ва ёвузликдан сақламоғи, ҳар бир ният, сўз ва амали учун охиратни мезон қилмоғи лозим. Бинобарин, сўфий мутафаккирлар Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбандийлар таълимотларида ҳаётнинг маъноси, ўлим ва мангулик масалалари инсоннинг илоҳий моҳиятини билишга интилиш, ҳалол меҳнат қилиб, бошқаларга меҳр-муравватли, раҳм-шафқатли бўлиш каби диний-фалсафий ғоялар талқин этилади. Мазкур тасаввуф аҳли

¹ Имом ал-Бухорий. Ҳадислар 4 жилдлик, 3-жилд. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – Б. 307.

² Қуръони Карим. Таржима ва шарҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 320.

³ Азизиддин Насафий. Зубдат ул – ҳақойиқ. – Тошкент: Камалак, 1995. – Б. 48.

вакиллариининг аксарияти инсон руҳини нурга қиёслаб, бутун борлиқнинг ботиний асосини нур (руҳ) ташкил қилади деган хулосага келганлар.

Нафақат исломий эътиқод, балки барча диний ва фалсафий таълимотлар ҳам ўлим – ҳақ, ҳеч ким ундан қочиб қутула олмайди, дея таълим беради. Шундай экан, инсон ўлмоқ учун яралган деб айтиш ҳам мумкин. Қадимги юнон файласуфи Арасту дунёга янги келган ҳар бир чақалоқ бу – ўлим манбаидир, деб таъкидлайди. XVIII аср улуғ немис маърифатпарвар адиби И.В. Гёте эса: “Туғилмоқ ўлим сари қўйилган илк қадамдир”, – дея огоҳлантиради. Бинобарин, Одам Ато зурриётининг ушбу дунёдаги ҳаётини жуда қисқа ифода этиш мумкин: инсон туғилади, яшайди ва ўлади... У энди бу дунёда қилган ишлари, яхши-ёмон амаллари юзасидан Яратган ҳузурида ҳисоб бермоғи керак. Оллоҳ суйган бандалар – пайғамбарлар, азиз-авлиёлар ўлимни асло эсдан чиқармаган, улар бу дунёни имтиҳон олами, ҳақиқий дунёга тайёргарлик кўриш олами деб билган. Шу маънода Мавлоно Жалолиддин Румий бундай кишилар тоифасининг фарқланиши ҳақида гапириб: “Оллоҳнинг нури билан назар солган зот ҳамма нарсани, аввал ва охирини, уларда бўлган ва бўлмаганни кўра олади. Чунки Оллоҳ нуридан пинҳон қолмас. Агар пинҳон қолса, демак у илоҳий нур эмас”¹, – деб ёзади.

Ислом дини бандаларга ўлимдан қўрқмасликни буюради, чунки савоб амаллар қилган, мунтазам ибодатда бўлган мўминга ўлим қўрқинчли ва даҳшатли эмас. Шунингдек, исломда “қабр азоби” деган тушунча ҳам бўлиб, Тавба сурасининг 101-оятида: “...шундай мунофиқлар борки, уларга ўлганларидан кейин қабрда азоб берамиз. Сўнгра қиёмат кунида улар улуғ азобга қайтарилурлар”², – деб таъкидланади. Майитни қабрда икки фаришта – Мункар ва Накир сўроқ қилади ҳамда бегуноҳ бандаларни қиёмат қадар гўр азобидан сақлайди. Гуноҳкорларни эса фаришталар юз ва орқаларига

¹ Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадур. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – Б. 113.

² Қуръони Карим. Изоҳли таржима. Тавба сураси, 101 оят. – Тошкент: 1992. – Б. 133.

уриб, “Дўзах азобини тотингиз! Бунга сабаб ўзларингиз қилган амалларингиздир, зеро, Оллоҳ ҳаргиз бандаларига зулм қилгувчи эмасдир”¹, – деб то қиёмат қадар азоблайди.

Қиёмат арабча сўз бўлиб, луғатда “ўриндан турмоқ” деган маънони англатади. Қиёмат – бу дунёнинг тугаши билан охират кунининг бошланишидир. Қиёмат ҳақида Қуръони Каримда бундай дейилган: “Бас, қачон катта бало (яъни Қиёмат) келганида – инсон ўз қилмишини эслаб қоладиган Кунда ва дўзах кўрадиган (ҳар бир) кишига кўрсатиб қўйилганида, бас, ана ўшанда ким (ҳаёти дунёда куфру исён билан) туғёна тушган ва ҳаёти дунёни (охиратдан) устун қўйган бўлса, у ҳолда, фақат жаҳаннамгина (унинг учун) жой бўлур! Энди ким (ҳаёти дунёдалик пайтида Қиёмат куни машҳаргоҳда) Парвардигорнинг (ҳузурида) туриши (ва У зотга ҳисоб-китоб бериши)дан кўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса, у ҳолда фақат жаннатгина унинг учун жой бўлур”³.

Жаннат аҳли бу дунёда ҳеч ким кўрмаган ва тотмаган лаззатли ноз-неъматлардан баҳраманд бўлади, унда ҳавзи Кавсар сувлари мавжланади, наҳрларда айнамайдиган сут, асал, шарбатлар оқиб туради. Қуръони Каримда бу хусусда: “Тақво эгалари учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли-сифати (будур): унда айнамаган сувдан бўлган дарёлар ҳам, таъми ўзгармаган сутдан бўлган дарёлар ҳам... мусаффо асалдан бўлган дарёлар ҳам бордир... Улар... (у жойда) қайноқ сув билан суғорилиб, у (сув) ичакларни бўлак-бўлак қилиб ташлаган (кофир) кимсалар каби бўлурми”⁴, – деб таъкидланади.

Жаннат инсоннинг бу дунёда қилган савобли ишлари ва амаллари учун берилган роҳат-фароғат жойи сифатида қайд этилади. Дўзах эса унинг аксидир. Демак, жаннат ёки дўзах масаласи инсон маънавий-ахлоқий

¹ Қуръони Карим. Изоҳли таржима. Анфол сураси, 51 оят. – Тошкент: 1992. – Б. 121.

³ Қуръони Карим. Изоҳли таржима. Ван-нозиот сураси, 34-41 оятлар. – Тошкент: 1992. – Б. 483-484.

⁴ Қуръони Карим: Ўзбекча изоҳли таржима // Таржимон ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 382.

камолотини белгиловчи тушунчалар сифатида ҳам қайд этилади. Бу тушунчалар инсоннинг ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги тасаввурлари билан узвий боғлиқ.

Бироқ ўлим ҳар бир инсонда турли кечиши ҳам мумкин. Жумладан, инсон ўз ҳаётида фақатгина яхши амаллар ва савоб ишлар қилиш билан шуғулланган бўлса, ўлим у учун роҳат-фароғатдир. Акси бўлса, ўлим у учун даҳшат ва оғриқдан бошқа нарса эмас. Шу маънода Гиппократ: “Ёмонликларсиз кечган ўлим, чарчаб кетган одамнинг уйқу босиб, ухлаб қолаётганига ўхшайди. Тани-жони роҳатланиб, абадий уйқуга кетади. Ўлим азоблари эса инсоннинг қилган ёмон амалларига берилган жавобдир”¹, – деган эди. Қуръони Карим оятларида охират қачон содир бўлишини ҳеч ким билмаслиги таъкидланиб: “(Эй Муҳаммад, мушриклар) сиздан (ўша Қиёмат) соатини қачон воқе бўлиши ҳақида сўрарлар. Сиз қаердасизу уни (яъни Қиёмат) қачон (бўлишини) зикр қилиб эслаш (қаерда)? Яъни сиз ҳеч қачон у куннинг вақтини айтиб бера олмайсиз. Уни (билиш) ёлғиз Парвардигорингизга бориб тўхтар. Сиз фақат ўша (Қиёмат)дан кўрқадиган кишиларни огоҳлантирувчисиз, халос”², – деган ваҳий туширади.

Қуръони Каримнинг “Таборак” сураси 2-оятида Оллоҳ ўлим ва ҳаёт неъматларини нима учун яратганини таъкидлаб: “(Эй инсонлар, У) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ-яхшироқ амал қилувчи эканларингизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У қудратли ва мағфиратлидир”³, – дейилади. Бу ҳолатда ўлимга диний нуқтаи-назардан эътибор берилиб, инсоннинг ўлиmidан кейин қайта тирилиши ва ҳаётлигида қилган яхши-ёмон амаллари учун жавоб беришлари назарда тутилган.

¹ Гиппократ. Избранные книги. – М.: 1994. – С. 87.

² Қаранг: Қуръони Карим: Ўзбекча изоҳли таржима // Таржимон ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, Ван-нозиот сураси, 42-45 оятлар. 1992. – Б. 484.

³ Қуръони Карим: Ўзбекча изоҳли таржима // Таржимон ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 448.

Нафсиламбарни айтганда, Оллоҳ таоло ҳар бир инсоннинг мана шу ҳаёти дунёда қилиб ўтадиган амалларини синаб, охиратда ўша амалларга яраша мукофот ёки жазо бериш учун ўлим ва ҳаётни яратган. Ушбу оятда ўлим сўзи ҳаёт сўзидан олдин келтирилишига сабаб, ўлим калимасининг мазмуни ҳаёт калимасининг маъносидан теранроқ, кенг қамровлироқ эканлигидир. Чунки ҳаёт сўзи қисқа ва ўткинчи дунёда яшашнинг бошланишини билдирса, ўлим сўзи охират диёридаги мангу ҳаётнинг бошланишини англатади. Демак, ислом таълимотида ўлим юзаки қараганда ҳаётнинг интиҳоси бўлиб кўринса-да, аслида у мангу ҳаётнинг ибтидосидир.

Хуллас, диний манбалардаги ўлим ва барҳаётлик ғояларини таҳлил қилиб, қуйидагича хулосаларга келдик:

Биринчидан, диндаги ўлим ва ҳаётга муносабат тириклик вақтида ўлимнинг мавжудлигини билиш, унга ҳаёт давомида тайёрланиш, ўлимдан кейинги руҳий оламнинг жаннат ва дўзахга бўлиниши, ҳаётлик даврида унинг талаблари бўйича яшаш лозимдир. Инсон ҳеч қачон абадий яшамайди, аммо у соғлом ва тинч ҳаёт кечиришга интилиб, ўз ҳаётини бир-мунча узайтиришга ҳаракат қилади. Инсон Оллоҳни, яъни Яратганнинг амрига тўлалигача амал қилиб яшаса, гуноҳ ва салбий ишлардан ўзини тийиб оқилона, имонга асосланиб ҳаёт кечирса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, ислом дини инсоннинг ўлиmidан кейинги ҳаёти ҳақида узил-кесил диний-фалсафий билимларни беради. Бани Одам ердаги ҳаёти мобайнида қилган яхшию ёмон амалларига қараб дўзах ёки жаннатга ажратилади. Гуноҳкорлар дўзах азобларига мустаҳиқ этилса, мўминлар жаннат фароғатига ноил бўлади. Ўлим ва барҳаётлик ҳақидаги диний тасаввурлар хилма-хил бўлса-да, улардаги асосий муштараклик инсоннинг маънавий-ахлоқий камолоти билан боғлиқ жиҳатларда ёрқин намоён бўлади. Жаҳон миқёсида тан олинган муайян диний манбаларнинг илдизи бир бўлганлиги туфайли ўлим тўғрисидаги тасаввурларда ҳам бир-бирига жуда яқин ўхшашликлар кузатилади.

Учинчидан, ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги диний тасаввурлар инсондан ҳаётга бўлган муносабатдаги масъулият ҳиссини шакллантиришда, уни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолат унинг бу дунёда фақатгина бошқа кишиларга нисбатан яхшиликлар қилишига ундаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Мустақил иш учун савол ва топшириқлар

1. Қадимги Шарқда ўлим ва барҳаётликнинг диний таълимотларда акс этирилиши (Қадимги Миср ва Қадимги Месопатамия мисолида)?
2. Буддавийлик динида ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги қарашларнинг шаклланиши?
3. Христиан динида ўлим ва барҳаётлик ҳақидаги таълимотлар?
4. Ислом динида ўлим ва барҳаётлик ҳақидаги таълимотлар?
5. Тасаввуф тариқатида ўлим ва барҳаётлик ҳақидаги таълимотлар?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш учун тест саволлари

1. – бедаво дардга чалинган беморларнинг врачлар томонидан дорилар ёки турли воситалар билан йўққилиниши ва касалнинг ўлим олди азобларини енгиллаштириш?
 - А) Эвтаназия
 - Б) Табу
 - С) Реинкарнация
 - Д) Некрофилия
2. Қуйидаги қайси асарда асар қаҳрамони барҳаётликка эришиш йўлини излайди?
 - А) Рамаёна
 - Б) Синухет хикояси
 - С) Ўлим шахзодаси
 - Д) Гильгамеш

3. “Бизда доим ҳаётни узайтириш ҳақида сўз кетади, лекин улар фақат кексаликни узайтиришади, бу ҳеч қачон лаззат келтирмайди. Ҳаёт қандай бўлса, шундайлигича яхши: авлодлар алмашинуви давом этсин ва ҳаёт янгилансин” деб таъкидлаган. Ушбу жумла муаллифини аниқланг?

А) Л.Н.Гумилев

Б) З. Фрейд

С) И.Кант

Д) О.Конт

4. “Туғилмоқ ўлим сари қўйилган илк қадамдир” – деяа огоҳлантирган олимни аниқланг?

А) О.Конт

Б) Гегел

С) И.В. Гёте

Д) И.Кант

5. Реинкарнация қандай таълимот?

А) “Рух” ҳақида

Б) “Мархумлар” ҳақида

С) “Материализм” ҳақида

Д) Диний тасаввурлар ҳақида

2.2. Инсоннинг маънавий-руҳий фаолиятида ўлим ва барҳаётликка бўлган муносабатлар

Маълумки, инсоният таффакури доимо номаълум ва сирлиликка кириб боришга интилган. Ўлим шундай номаълум ва сирли ҳодисалардан ҳисобланади. Ўз навбатида ўлим ижтимоий онгнинг ёки жамоавийликнинг муайян ўлчовларидан бири. Ўлимга муносабат баъзи ҳолларда, ҳатто цивилизация ривожининг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўлимга бўлган муносабатни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганиш, одамларнинг ҳаётига, унинг асосий қадриятларига нисбатан муносабатларига ойдинлик киритиш учун кенг имконият яратади. Зеро, инсонларнинг ўлимга бўлган муносабати жамиятнинг тарихий тараққиёти давомида ўзгариб борганлигини турли давр файласуфлари ижодида ёрқин намоён бўлади.

Бизга маълумки, айти вақтда ўлим муаммоси фақат файласуфлар томонидан эмас, балки тиббиётчилар, биологлар, этнографлар, археологлар, адабиётшунослар, тарихчилар ва диншунослар томонидан тадқиқ қилинмоқда. Яъни ҳаёт ва ўлим муаммосини ўрганиш нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда маънавий ҳаётнинг ўзгариши муносабати билан янгича кўринишда муносиб аҳамият касб этмоқда.

Инсон маънавий-руҳий фаолиятининг ўзига хос қирраларини ўрганишда инсон ҳаётининг маъноси ва мазмуни масаласини тўғри тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун инсон ҳаётининг маъносини нима белгилайди, унинг мазмунини нималар ташкил қилади? Инсон қандай яшаса, унинг ҳаёти мазмунли кечади?... каби саволларга жавоб бериш лозим. Нафсиламбарини айтганда, инсоният пайдо бўлгандан бошлаб бу саволларга жавоб излаб келади. Чунки бу масала инсон ўзини англашга киришган вақтдан бошлаб узоқ даврлар мобайнида кишилар дунёқарашининг муҳим жиҳатини ташкил қилиб келади.

Инсоният тажрибасини рухий (маънавий) жиҳатдан ўлчаш ижтимоий фалсафанинг муҳим тадқиқотини ва инсон маънавий ривожининг тўлақонли соҳаси ҳисобланишини англатмоқда. Бундан маълум бўладики, айнан замонавий фалсафа шахснинг ғоявий ва маънавий ривожланиши ҳақидаги тасаввурларни XX аср охири XXI аср бошларида инсоният олдида турган муаммоларни ҳал этишга трансмаданий ва кўп қатламли ёндашув контекстида шакллантиришни тақозо этмоқда. Бизнингча, бундай муносабатда фалсафий билимлар тизимида алоҳида ўринни экзистенциал – гуманистик парадигма эгалламоқда. Мазкур парадигма – шахс ривожининг такомиллашувини, инсоннинг ўрнини ижобий қўллаш, ўз-ўзи билан келишуви, ўз имкониятларини актуаллаштириш сифатида намоён бўлади.

Фалсафада ўлим феномени - буюк сир. Бу сирнинг пардасини очишга уринишлар бутун маданий ва ижтимоий ахлоқийликнинг асосини ташкил этади. Агар ўзининг ўлишини англаш антропогенез бирлигининг асоси ҳисобланса, ижтимоий маданият негизида “бошқа”нинг ўлими ётади: ўлим феноменини англаш бундай муҳит шаклланиш жараёнининг устуни сифатида намоён бўлади. Ўлимни бошдан кечириш, мос символлар, анъаналар, маросимлар, афсоналар – ижтимоий-маданий тизимнинг зарурий “ҳосил қилувчи” таркибий қисми сифатида ҳам намоён бўлади. Одамларнинг бу биологик ва ижтимоий феноменга қадриятли ва психологик ёндошувларига ижтимоий, иқтисодий, демографик ҳолатлар таъсир қилади. Яъни, жамият аъзоларининг ўлим тўғрисидаги тасаввурлари ижтимоий психологик, мафкуравий ғоялар, дин ва маданиятни мураккаб комплекси билан тақозолангандир. “Бундай ҳолатни, жуда бўлмаганда икки жиҳатдан изоҳлаш мумкин – деб ёзади Р.Моуди: – ана шу жиҳатлардан бири психологик ёки муомала маданияти билан боғлиқ. Маълумки, ўлим ҳақида гапириш – табу* ҳисобланади. Биз ўлим билан нари борганда, ғайришуурий тарзда, бирор-бир кўринишда, ҳатто билвосита тўқнашамиз ва шунда беихтиёр ўзимизнинг

* Табу – қатағон таъқиқ (бирор иш-ҳаракат, сўз ёки буюмнинг ман этилиши).

муқаррар қазойимизга дуч келамиз, ўлимимиз шундоққина – янада аниқ ва ақлга мос тарзда кўз олдимизда гавдаланади”¹.

Шу маънода тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, ўлим ижтимоий-маданий онгнинг тарихий даврлар мобайнида қўзғалмас бўлиб қолаётган туб параметрларидан бири ҳисобланади. Ўлим феномени биологик далил эмас, балки ижтимоий муносабат ва ижтимоий институтнинг энг муҳимларидан биридир. Чунки у қадриятлар мунасабати ва ахлоқийлик ҳақидаги бирламчи тасаввурларнинг фундаменти ташкил этади. Ўлимга муносабатдаги ёндошувларни ўрганиш одамларнинг ўзини тутиши, уларнинг ҳаётий қадриятларга хос дунёқарашларини аниқлаш имконини беради. Қўпол қилиб айтганда, ўлимнинг турли концепциялари билан тақозоланган икки типдаги ахлоқийлик мавжуд. Улардан биринчиси, инсон маънавий-руҳий фаолиятининг абадийлигига қаратилган ахлоқ бўлса, иккинчиси, оламга ва унинг қадриятларига инсонпарварлик нуқтаи назаридан қарашдан иборатдир. Бу қадрият ва моҳиятларнинг ўзига хос тизимига эга бўлган ғояларни янада бойитди. Зеро барҳаётлик ахлоқий фаолиятнинг энг юксак намунаси сифатида эътироф этилади. Баъзи ҳолатларда ўлим ва барҳаётлик мангуликда қарор топади.

Исталган маданиятни олиб қарасак, уларда ўлим кўрқуви борлигини, уни енгишга барча маданиятнинг бевосита ва билвосита ҳаракатлари қаратилганлигини англаб етамиз. Дарҳақиқат, жамият ҳар доим ўлимни енгишни хоҳлайди, лекин бундай ғалабага эришиш мумкин эмас. Демак, архаик жамиятдаёқ ўлимга нисбатан ижобий муносабат шаклланган. Яъни ўлимдан кўрқиш ҳаёт завқини оширади. Ўлим олдида ҳаёт ва севги (муҳаббат) ўз мазмунини касб этади. Ўлимни субъектив англаш фақат ижтимоий контекстда мумкин, бунда ўлим инсонга маросим ёки бошқанинг ўлимига муносабати билан жамоа ҳаракати сифатида берилганлиги эътироф

¹ Раймонд Моуди. Ўлимдан кейинги ҳаёт. Таржимонлар – Мансур Тенглашев, Аҳмад Отабоев. – Тошкент: Спитамен, 1992. – Б. 11.

этилади. Ушбу фундаментал масалада бутун анъанавий маданият ва анъанавий ижтимоий тузилмалар мувофиқлашган. Дарҳақиқат, ўлим маросим контекстида таърифланади. Ўлим маданият ва ижтимоий структураларнинг атрибутив характеристикаси ҳисобланади, яъни бунда ўлим ижтимоий феномен сифатида намоён бўлади. Шу маънода З. Мухамедова: “Бизнинг ўлимга муносабатимиз, бошқа кўпгина қадриятларимиз қатори, маданиятимиз билан белгиланади. Анъанавий қадриятларда ўлим – ҳаётнинг муҳим қисми. Ўлим тажрибаси барча қадимги расм-русумларда ўз ифодасини топган. Ўлим тажрибаси ҳар қандай теран маданият ва маънавиятнинг негизи”¹, – деб таъкидлайди.

Инсоннинг маънавий-руҳий фаолиятида ўлим ва барҳаётликка бўлган муносабатлари турли ғоя, вазифаларда ёрқин акс этади. Буларни қуйидагича тасаввур қилишимиз мумкин.

- ўлимни ҳис қилиб яшаш кишиларнинг бу дунёда яхши амаллар қилиб, гуноҳ ишлардан ўзини тийишини таъминлайди. Унинг қилган яхши амаллари эса кейинги авлодлар қалбида барҳаётлик касб этади;

- ўлим ва барҳаётлик ҳақида муайян тушунча ва амалга эга бўлган инсоннинг ўз оиласи, меҳнат жамоаси, эл-юрти ичида ҳурмати баланд бўлади. Шунинг учун ҳам уламолар бундай кишиларни саодатманд деб биладилар. Чунки улар ўзиларининг қилган эзгу ишлари билан икки дунё саодатига эришадилар.

- ўлим ва барҳаётликни англаб яшаш инсонга хотиржамлик бахш этади. Бундай инсонлар доимо ўзининг вазминлиги билан бошқаларни ҳайрон қолдиради ва уларга ўрнак бўла олади.

- ўлим ва барҳаётликни англаш орқали инсон ўзининг маънавий-ахлоқий саломатлигини барқарор ушлаб туришга ҳаракат қилади. Албатта, бундай инсонлар ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўладилар.

¹ Мухамедова З. Биоэтика. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 90.

- ўлим ва барҳаётлик масаласи инсонни, қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар, фақатгина яхши амаллар қилишга ўргатади. Бу икки мураккаб ҳодиса инсон ҳаётининг мазмунини белгилаб беради.

Ўлим ва барҳаётликнинг ижтимоий-маънавий ҳаётда қуйидаги вазифаларни бажаришини кузатишимиз мумкин:

Биринчидан, ўлим ва барҳаётликка бўлган муносабати инсоннинг дунёни янада чуқурроқ англашга ундайди, бу билан дунёқараш вазифасини бажаради. Бу жараёнда у ўлим, абадий ҳаёт, ўлмаслик, ҳаёт мазмуни, мавжудлик ҳисси, завқ-шавқ, севги-муҳаббат чегарасини янада аниқроқ идрок этади.

Иккинчидан, тарбиявий ва ахлоқий вазифани бажаради, зеро, ўлим интуитив даражада инсоннинг ахлоқий ҳис қилиш хатти-ҳаракатларини тартибга солишда жиддий таъсир кўрсатади. Бундай муносабатларни тўғри идрок этган ҳар бир киши доимо юксак ахлоқий тамойилларга интилиб ва амал қилиб яшайди.

Учинчидан, аксеологик вазифани бажаради. Ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги маънавий-маданий мероснинг қадриятли жиҳатлари аجدодлардан авлодларга мерос бўлиб қолади. Айни вақтда, дафн маросимини ўтказиш борасидаги урф-одатлар асосида кўпгина миллий қадриятлар сақланиб қолади.

Тўртинчидан, бошқарувчи ва назорат қилувчи вазифани бажаради. Яъни ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги тасаввурлар инсонни кўпгина ёмонликлардан сақлайди. Бу ҳолат инсонда шукроналик туйғусининг шаклланишига ва мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Бешинчидан, гносеологик вазифани бажаради. Яъни ҳар бир инсон ўлим ва унинг ортида турган сирли воқеликни билишга интилиб яшайди. Бу ўринда танатологиянинг вужудга келиши фикримизнинг ёрқин мисолидир. Барҳаётлик ҳақида ҳам инсон айнан билиш орқали етарлича маълумот олади ва унинг ўзига хос эътиборли жиҳатларини онгига сингдириб боради.

Олтинчидан, эпистемологик вазифани бажаради, зеро инсоннинг ўлим ва бараҳаётлик тўғрисидаги билимлари асрлар оша ривожланган бўлиб, уларни янада чуқурроқ тадқиқ қилишида билишнинг бу жиҳати муҳим аҳамият касб этади. Бунда ўлим ва бараҳаётлик ҳақидаги билимлар мажмуасини муайян мақсадлар асосида бирлаштириш имконияти туғилади.

Еттинчидан, методологик вазифани бажаради. Ўлим ва бараҳаётлик тўғрисидаги тасаввурлар, парадигмал ёндашувлар бу масалаларга дахлдор бўлган фанларнинг ривожланишига туртки беради. Дарҳақиқат, ҳозирги замон фани ўзининг мумтоз характери ни намоён этиши билан биргаликда иррационал ҳамда трансцендентал асосга эга бўлган ғояларни ҳам ўз ичига қамраб олмоқда.

Саккизинчидан, теологик вазифани бажаради, бу диний-эсхатологик аҳамият касб этади. Эсхатология юнонча *eschatoa* – сўнги, *logos* – таълимот – инсон ва инсониятнинг охири тақдири, оламнинг охири ва қиёмат куни ҳақидаги диний таълимот¹. Эсхатологик қарашларнинг ўзига хос кўриниши индивидуал эсхатологиядир. Унда охиратда тўғри юрган, яхши ишларни қилган кишилар абадий ҳаёт учун, гуноҳкорлар эса, абадий ўлим учун қайта тирилиши масаласи марказий ўринни эгаллайди. Ўлим ва бараҳаётлик Оллоҳ томонидан белгилаб қўйилган қонун-қоида ҳисобланади.

Мақсадларнинг муштараклиги туфайли инсон эътиборини биринчи навбатда физиологик эҳтиёжларини қондиришга, машҳурлик, обрў орттиришга, бойликка эришишга қаратиши туфайли маънавий мўлжал ва ҳаёт мазмунидан ажрашиш ҳамда инсоннинг жамиятда ҳам, оилада ҳам ҳимоясизлиги, ёлғизлиги ҳаётни қадрламайдиган инсонлар сонининг ортишига, жамиятдан, оиладан ва ўз-ўзидан бегоналашув кузатиладиган бутун бир гуруҳлар қатламининг, суицидал ўзини тутиш (ўз жонига қасд), ғайриинсоний муносабат ва ҳаётга муҳаббатсиз қараш кабилар пайдо бўлади.

¹ Фалсафа: қомусий лугат. Тузувчи ва масъул муҳаррир: (Қиёмиддин Назаров). – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. – Б. 467.

Зеро, А.Г. Амбрумова суицидал ҳодиса бу руҳан соғлом шахснинг ихтиёрий ва ақлий равишда ўз жонига қасд қилиш ҳаракатидир, у тағалланган (суицид) ва тугалланмаган (парасуицид) бўлиши мумкин¹ деб, суицидал, яъни ўз жонига қасд қилиш ихтиёрий ва ақлий равишда амалга ошишини таъкидлаб ўтади.

Шу маънода Т.Маҳмудов: “Ҳаётда жуда кўп марта бугун унга эътиқод қўйиб, унинг ҳақиқа дуо ўқиб, эртага бу кимса эл назаридан ёки аввалги мавқе, обрў, бойлигидан жудо бўлгач, ундан воз кечиб, бошқасининг этагига ёпишадиганлар ҳам кўп учрайди. Обрўни узоқ машаққатли меҳнат эвазига эмас, лаганбардорлик эвазига енгил қўлга киритиш мумкинлигини тушуниб етган одамнинг шу заҳот “дили ўлади””² деб инсонни инсонийлик хислатларига маънавий-руҳий ва ахлоқий жиҳатдан эътибор бериш кераклигини такидлайди. Ана шундай жараёнлар муносабати билан, замонавий жамият биотехнологияларини ривожлантириш йўлида ўлим феномени билан боғлиқ муаммони кенг ижтимоий-фалсафий жиҳатдан англаш нафақат назарий, балки амалий аҳамият касб этади.

Энг ташвишга соладиган жиҳатлар инсон деструктивлигининг ортиши билан боғлиқ; асоссиз агрессивлик ва некрофилия, садизм (зўравонлик), ёшларнинг ўз жонларига оммавий қасд қилиши, терроризм, ўлим билан ўйнашиш каби ҳодисалар энг ривожланган мамлакатларда ҳам оддий ҳодисага айланмоқда. Масалан, Р. Ла Харпе қайд этишича: “АҚШда суицид ҳолатлари ўлим сабаблари тизимида тўртинчи ўринда туради”³. Бу муаммоларнинг ҳаммасини индустриал цивилизация контекстида кўриб чиқиш замонавий жамиятни терроризм, эвтаназия, намоёйшкорона ўлим ва

¹ Амбрумова А.Г. Принципы организации суицидологической службы и перспективы научных исследований. // Труды Московского НИИ психиатрии. Том № 92. 1981. – 13-16., Амбрумова А.Г., Постовалова Л.И. Анализ предсмертных записок суицидентов. FF Научные и организационные проблемы суицидологи: Сб. науч. тр. – М.: 1983. – С. 53-74.

² Маҳмудов Т. Комиллик асрорлари. – Тошкент: Адолат, 2006. – Б. 53.

³ R. La Harpe. Suicide in the Geneva canton (1971-1990). An analysis of the forensic medicine autopsy sample. // Arch Criminal. 1995. Mar-Apr. 195. (3-4). 65-74.

жамоа бўлиб ритуал ўз жонига қасд қилиш каби муҳим муаммоларни таҳлил қилишга ёрдам беради.

Агар фалсафани ўлим феноменининг индивидуал онгда субъектив англаниши қизиқтирса, ижтимоий фалсафа ўлим феноменини ижтимоий маданий контекстда кўриб чиқади. Яъни у турли маданий муҳитларда ўлимга муносабатнинг ўзгаришини таҳлил қилади. Бу жараёнда эса индивидуал ўлимнинг ижтимоий ўлчови муҳим. Унда одамларнинг “бошқа”нинг ўлиmidан қандай таъсирланади, жамоа ўлимининг ижтимоий-маънавий моҳияти қандай деган масалалар қизиқтиради. Маданият пайдо бўлган вақтдан ўлим экзистенциал муаммо ва ижтимоий муносабат сифатида намоён бўлганлиги барчамизга маълум. Агар “менинг ўлимим” экзистенциал муаммо бўлса, унда “бошқанинг ўлими” ижтимоий ҳодиса ва ижтимоий институт сифатида намоён бўлади¹. Бинобарин, биз ўлимга ижтимоий институт сифатида қарасак, унда шуни қайд қилиш керакки, айнан дин бу феноменни максимал равишда эксплуатация қилганлигига амин бўламиз. Ўлим ҳақидаги тасавурлар, мос ритуаллардаги конвенционал ва маданий фарқларнинг мавжудлигига қарамай айтиш мумкинки, ўлимга бўлган ижтимоий муносабат бу – эътиқодлар, мифлар, қадриятлар, моҳиятлар, ритуал ва меъёрларнинг фавқулодда барқарор тизими ёки уйғунлиги эмас, балки инсоният тарихининг барча замонларида доимо ва ўзгармай ҳосил қилинадиган, муносабатларнинг энг барқарор тизимидан иборатдир. Ўзининг барқарорлиги билан ўлим институти бошқа барча институтлардан жамиятни тўдадан фарқловчи аломати, маънавий сифати кўринишида намоён бўлиб, барча масалаларда устуворлик қилади.

Бизнингча, архаик маданиятларда ўлимнинг ижобий аҳамиятини излаш устуворлик қилади. Архаик жамиятда ўлим марказий ҳодиса сифатида намоён бўлади, у сирли дунёга яқинлашиш имконини беради. Масалан, дафн

¹ Қаранг: Гуревич А.Я. Смерть как проблема исторической антропологии: о новом направлении в зарубежной историографии // Одиссей. Исследования по социальной истории и истории культуры. – М.: Наука, 1989. – С. 79.

маросими бошқа барча маросимлар намунаси ва бутун ижтимоий структуранинг парадигмаси сифатида намоён бўлади¹. Демак, архаик жамиятда ўлим шахснинг ижтимоийлашувини ва маданий идентификациясининг муҳим (баъзан бош) омили ҳисобланган. Биринчи ижтимоийлашувга тотемик овқатланиш (худони ўлдириш ва ейиш) мисол бўлади. Шунингдек, барча иштирокчиларни қондошлик алоқалари билан боғловчи ҳамкорликдаги қотиллигини ҳам бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Анъанавий жамият учун ўлим феномени ва у билан боғлиқ ҳамма нарса максимал сир хос. Ўлим характери инсоннинг ҳаёт тарзи билан белгиланади, ўлим вақти бу –ҳақиқат вақти демакдир. Ўлаётган одам ўз юзи ва обрўйини ўлимдан кейин ҳам йўқотишни истамайди; у ўз имиджи ва услубини тириклар даражасида сақлаб қолишни истади: шунда унинг номи давом этади, демак, у ҳам яшайди, ҳеч бўлмаганда, қилган яхши ишлари билан одамлар хотирасида абадий муҳрланиб қолади. Ҳар қандай эмас, балки ижтимоий аҳамиятли ўлим мазмун касб этади. Намунавий ўлим, инсонларни эзгуликни амалга ошириш мақсадида бошқаларни қутқариш учун ўлишни ўзида акс эттиради.

Постиндустриал дунёда катта омманинг ўлими навбатдаги қиёматдан кейин “тирик қолганлар”ни ижтимоийлаштиришнинг қудратли қуролига айланади, шу тариқа ўлим яна (худди архаик жамиятдагидек) ижтимоийлаштириш ва маданий мансубликни шакллантиришнинг қудратли омилига айланади, бу янги маданий мансублик одамларни “ўзиники” ва “бегона”га бўлишни билмайди, фақат тирик ва ўликларга бўлади.

Фалсафада ҳаёт ва ўлим мавзуси, шунингдек, уларнинг дин ва санъатдаги кўп сонлилиги, кўп тасаввурлар ёки ўлим, ўлиш, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари тўғрисида кўп жилдлик асарлар ёзиш мумкин. Бизнингча,

¹ Қаранг: Гуревич А.Я. Культура и общество средневековой Европы глазами современников. – М.: Искусство, 1989. – С. 168.

ҳар бир маданият ва фалсафалаштириш усуллари у ёки бу йўллар билан ўлим ва ҳаёт кетма-кетлигининг ўзаро шартлашувини ва мослашувини тушунтиришга уринишдир. Кундалик онг даражасида ўлим ва ҳаёт зиддияти қатъий ва нотанқидийдек туюлади. Негаки, ўлим ҳар қандай тирик мавжудот ҳаётининг табиий интиҳосидир.

Ўлимга оид қарашларни таҳлил қилиб, ҳозирги кунда ўлимнинг асосий уч йўналиши борлигини аниқладик. Улар жисм ва тананинг табиий ўлими, нотабиий ўлим, социал алоқалар узилган ижтимоий ўлимдир. Табиий ўлим – жоннинг жисмоний танадан тинчгина аста-секинлик билан чиқиб кетишидан иборат.

Нотабиий ўлим – турли касалликлар, бахтсиз ҳодисалар, урушлар, қотилликлар, суиқасдлар, ўзини-ўзи ўлдиришлар ва ҳоказолар оқибатида юз берадиган ўлим. Ижтимоий ўлимнинг хусусияти шундаки, у жисм ва руҳнинг (онгнинг) мавжудлик шароитида ҳам рўй беради. Масалан, тарки дунё қилиш, турли гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилиш, (наркомания) фоҳишалар, ўғрилик, онгли жиноятчилик ижтимоий ҳаётдан узилишдир. Жумладан, инсон ўзини доимо кимгадир кераклигини ҳис қилиши, меҳнати самараларини кўриб ҳузурланиши лозим. Ижтимоий ўлим эгалари эса кераксизликни ҳис қилиш замирида яшайдилар. Улар тирикликдаги ўликлардир. Демак, қарилик туфайли содир бўладиган ўлим табиий жараён бўлса, ижтимоий ўлим инсоният учун фожеа ҳисобланади.

Фалсафада танатос билан бир қаторда барҳаётлик тушунчасига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Барҳаётлик икки шаклдан иборат бўлиб; биринчидан, инсон ўлиmidан сўнг у кейинги авлодларнинг генларида, ирсиятида сақланади. Иккинчидан, буюк кашфиётлар, эзгулик, хайрли амаллар орқали авлодларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиши, яъни дунёда қолдирган хайрли ишлари инсоннинг иккинчи умри ҳисобланади. Масалан, Арасту, Платон, Зардўшт, Форобий, ал Хоразмий, А. Навоий, Ойбек, Чўлпон ва шу қабила ўзларининг асарлари билан инсоният хотирасида мангу

қолади. Шу боис, бугунги кунда Россия Фанлар Академиясининг “Инсон” Институтида ўлимдан кейинги ҳаёт, яъни барҳаётлик мавзусидаги фундаментал дастур доирасида изланишлар олиб борилмоқда. Бу барҳаётликка эришишнинг илмий жиҳатларининг таҳлилидан бири ҳисобланади.

Замонавий фан ва фалсафа гўёки барҳаётлик муаммосини ўрганиш илмий асосдан нотўғри, чунки ҳеч қанақа нариги дунё, мангу ҳаёт йўқ, деган хурофий қарашларни четга суриб қўйиши зарур. Биз буни билмаймиз эмас, балки биз шуни биламизки, борлиқнинг барча босқичларида, таъбир жоиз бўлса, барча фанларда барҳаётлик мавжуд: ҳали ўлим йўқ соҳада мангулик бор, масалан, “физика-кимё соҳасида энергиянинг сақланиш қонуни шаклида (зеро, энергия мангу сақланади); аммо барҳаётлик аллақачон ўлим етиб борган соҳада ҳам наслни сақлаб қолиш қонуни, тирик тўқиманинг барҳаётлиги”¹ шаклларида мавжуд бўлиши мумкин.

Гарчи мангу борлиқ муаммоси мазкур соҳаларнинг барчасида шубҳа уйғотмаса-да, аммо улар айримлар учун етарли эмасдек туюлади. «Жон барҳаётлиги», «шахс барҳаётлиги», «индивидуал барҳаётлик» мавжудми? Кундалик турмуш ва илмий жамоаларда шу ҳақда саволлар ҳам мавжуд. Бу ўринда замонавий фалсафа ҳамда психология кўпгина саволларга жавоб бериши мумкин. Барҳаётлик муаммоси антропологиянинг, инсон ҳақидаги ягона таълимотнинг туб-тубидан қўйилиши ва ечим топиши мумкин. Биз инсон «микрокосмик» мавжудот эканини, ўз ичига коинотнинг барча элементларини, борлиқнинг барча босқичларини олишини, у ўзига тортувчи ягона бирлик ва, таъбир жоиз бўлса, ҳамма томонларга нистабан – вертикал ва горизонтал ёки доира шаклида потенциал-интиҳосиз эканини кўрамиз. Унинг мавжудлигининг ҳар бир босқичида: танада, ҳаёт кечириш жараёнида,

¹ Штейнер Р. Человек в религиях мира. Бессмертие, перевоплощение и воскресение. // Человек. – Москва. 1993. - №2. - С. 83.

онг остида, онгда, ижодий рухда ўзига хос интиҳосизлик ва ўзига хос «барҳаётлик» намоён бўлади.

Борлиқнинг барча поғоналарида барҳаётлик бизга қуйидагича намоён бўлади: физик-кимёвий борлиқ поғонасида энергиянинг мангулигида; биологик борлиқ поғонасида – тўқималарнинг шакл ўзгариши билан бир вақтдаги барҳаётлигида; руҳий борлиқ поғонасида бир вақтнинг ўзида ўтмиш, бугунги кун ва келажакда яшовчи ва улар орасига деярли чегара қўймайдиган ҳамма даврларга хослигида.

Ўлимни англаш асосида инсон қандайдир маънавий камолотга интилиши мумкин. Инсон ўзининг маънавий ва ижтимоий ижодининг муносиб интиҳосини танлаш ҳуқуқига эга, ўзига охириги автобиографик нуқтани қўйишга, этийсифиясини ёзишга, яъни ўзининг ҳаёти ва шахсий ўзи танлаган ўлимини уйғунлаштиришга ҳақи бор. Шундай қилиб, “ўлим” қўлга ўргатиш мумкин бўлган ҳодиса, яъни ташқаридан ҳаётни тўхтатувчи ва уни йўқлик домига ташловчи ҳодиса эмас. “Ўлим – ҳаётни назарда тутаяди, ҳаётдан бошланади ва, бу қанчалик парадокс ҳисобланмасин, ҳаёт билан тугайди. Ҳаётнинг тугаши ўлимнинг тугашидир”¹.

Ҳаёт ва ўлим шу маънода ҳажм жиҳатдан мос келувчи ва бир-бирини шартловчи ҳодисалардир. М.Бланшо таъкидлашича: “Тирик организмда ўлим ҳаётнинг муҳим компоненти. Инсон тирик, чунки унинг организмдаги кўп қисмчалар доимо ўлади”². Ўлим худди бутун ҳаёт макони бўйича тарқалаётганидек ўзининг микро намоёнлигида, ўзининг “микрохирургик” ишида (эски, ҳаётий захираси тугаган, касаллик таркиби) акс этади. “Ўлим, – деб ёзади М.Фуко, – шундай қилиб, вақтда кўплик ва чўзиқдир; у вақтлар тўхтовчи навбатдаги абсолют ва алоҳида момент ҳисобланадики, унга нисбатан вақтлар тўхтайдилар, у касаллик каби қайнаб турувчи хоссага эга бўлиб, улардан бирини аналитик замон ва маконда тақсимлай олади ...”³.

¹ Қаранг: Трубников Н.Н. О смысле жизни и смерти. – М.: 1996. – С. 183.

² Қаранг: Бланшо М. Смерть как возможность // Вопросы лит-ры. – Москва. 1994. - №3. - С. 191-213.

³ Қаранг: Фуко М. Сочинения. – М.: 1990. – С. 25.

Юқоридаги фикрлардан ўлимнинг замон ва маконда ўзига хос аҳамиятга эга эканлиги кўриниб турибди. Диссертациямиздаги бу ҳолат, ўлимнинг замон ва макон каби фалсафий категориялар билан чамбарчас боғлиқлигидан далолат беради.

Ҳаёт ва ўлим уйғунлиги ғояси янги эмасдир. Ҳар ҳолда ўлим фалсафий ўйлаб чизилган, шахсий асосларда равшанлантирилган, энг янги фалсафий ва маданиятшунослик стратегиялар оламида конкретлаштирилган, айниқса, танатологик тадқиқотларда фойдали хизмат қилади. Ўлим – эвтаназия, хоспис, транспалатация, клонлаштириш, ирсий инженерия каби муаммоларни ечиш учун зарурдир. Биз уйғунликни турли элементларни ёнма-ён ҳолда қотиб қолган мувозанатдек эмас, балки диалектик, кўп ҳамкорлик сифатида тушунамиз. Унда ўзига киритувчи ва чидамли, ўзидаги интилишларнинг таркибий қисмлари ва қарама – қарши спектри ғаройиб энергетик захираси мужассамлашган. Ҳаёт ва ўлим уйғунлиги динамик муносабат сифатида намоён бўлади. Унинг қарама-қарши томонларидан кескин, мурасасиз тўқнашув вужудга келади. Ҳаёт ва ўлимнинг ўзаро кенг ёйилишида ўлим уруш машинаси сифатида эътироф этилади. У майдондан барча янги ҳаётларни, қурбонликларни олиб кетади. Ҳаёт ўзини ҳимоя қилиб, нотирик субстанциядан янги майдон ва объектларни ўзлаштиради. Бу ҳамкорликнинг бошқа қарама-қарши томонларида ҳаёт ва ўлимнинг аниқ акси бўлади. Соғиниш ҳиссиётидаги ҳамкорлик, қувончли бирлашиш, илоҳий ҳамкорликка қайтиш, оқшомдаги хўрсинишли – изҳор билан: “Бу ўлаётган оламни севаман”¹, – деса бўлади.

Инсон ўлим даҳшатини эсламасликка, у ҳақда чуқур фикрга бормасликка, гапирмасликка ҳаракат қилади. Ўлим инсонни чуқур ўйга толдириши ва изтироб чекишга ундаши билан ҳам аҳамиятлидир. Чунки қайғу ва изтиробнинг ҳаддан ошиши инсонни фақатгина руҳий тушкунликка солиб қўймасдан, балки ҳаётининг барбод бўлишига олиб келади. Шунинг

¹ Қаранг: Бодрийяр Ж. Прозрачность Зла. – М.: 2000. – С. 75.

учун ҳам, Абу Ҳомид Ғаззолий ўз давридаёқ: “Билғилки, инсоний руҳнинг ҳақиқати қолипсиз, зотида қойимдур. Ўз зотининг қиёми ва хос сифатлари аслида қолипга ҳожати йўқдир. Ва ўлим руҳ ҳақиқатини нобуд қилолмас. Балки ўлганнинг маъноси – инсоний руҳнинг – қафасдан чиқишидур”¹, – деб ёзган эди.

Хуллас, ўлим ва барҳаётлик маънавий-ахлоқий тушунча ва тамойилларни белгилаш, бошқариш ҳамда мунтазам назорат қилишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, кишиларни кўпгина қабих ишлардан қайтарувчи маънавий-ахлоқий ёндошув сифатида ўлим ишга тушади. Барҳаётлик эса унинг мантикий давоми сифатида кишига эзгу амалларни ҳаётга татбиқ қилишга ёрдам берувчи руҳий қувват ҳисобланади. Ўлим ва барҳаётлик фақатгина бир-бирини тўлдирадиган тушунчалар бўлиб қолмасдан, улар баъзи ҳолларда парадоксал ҳолатларни ҳам намоён этади. Улар ўртасидаги маънавий-ахлоқий мезон ҳамда чегарани аниқлаб олиш долзарб аҳамият касб этади.

Иккинчидан, ўлим ва барҳаётлик туйғулари кишиларда ўзаро меҳр-оқибатнинг кучайишига олиб келади. Бу туйғулар инсон иродасини чархлайди, ҳаётга бўлган муҳаббатининг янада ошишига ёрдам беради.

Учинчидан, ўлим дискурслари юзага келишининг асосий сабабларини билиш учун турли тарихий даврларда борлиқни маънавий англашдаги етакчи ғоя ва йўналишларни аниқлаш, маданий контекстга аҳамият бериш керак. Шу боис тадқиқотда ўлим дискурсларидан ташқари ўлим ғоясини оммавий маданият, санъат, адабиёт, урф-одат, анъана ва удумлар, ахлоқ меъёрларида тақдим этиш модели сифатидаги тимсол ва намуналари ҳам кўзга ташланади.

¹ Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимиёи саодат: (Руҳ ҳақиқати). – Тошкент: Адолат, 2005. – Б. 100.

Иккинчи боб бўйича хулосалар қуйидагилардан иборат:

- Барча дунёвий динларда ўлимга муносабат билдирилган. Ўлимнинг ҳақлиги, унга тайёр бўлиш уқтирилган. Агар буддизмда ўлим азоб-уқубатдан қутулиш бўлса, христианликда Исо сингари доимий барҳаётликка эришиш. Ислом динида эса ўлим у дунёда ҳаётнинг давом этишидир. Ўлим ва барҳаётлик ўзининг илмий ва диний асосларига эга. Ҳозирги кунда бу масалани қандайдир афсонавий ёки романтик фикр-мулоҳазаларга ўхшатмаслик керак. Чунки жаҳон илмий ҳамжамиятининг бу борада тўплаган тажрибаси уни ўрганиш қанчалик долзарб эканлигини кўрсатади.

- Танатология тушунчасининг асосий масалалари касаллик ва соғломлик, ўз жонига қасд қилиш, этиология ва патогенезларнинг моҳиятини ижтимоий-фалсафий англаб олиш ҳозирги даврда энг долзарб муаммо бўлиб, уни бошқа фанлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

- Миллий фалсафий тафаккур тараққиётида ўлим ва барҳаётликка фундаментал фикр-мулоҳазалар илгари сурилган бўлиб, уларни чуқур ўрганиш истиқболдаги мазкур соҳанинг ривожланишига замин яратмоқда. Ўлим ҳар бир инсон ҳаётининг якунидир. Чунки инсон дунёга келади ва маълум вақтга бориб ўлим билан тенгма-тенг курашиб, ҳаёт билан хайрлашади. Бу ҳолат ташқи муҳитда яшаётган одамлар учун мавт (ўлим) фожеали эканлигини яна бир бор исботлайди.

- Инсоннинг маънавий-руҳий ҳолати ўлимни инкор қилади, ундан кўрқади. Ўлим ҳодисаси ҳамдардлик, раҳмдиллик, виждонийлик ҳис-туйғуларини юзага келтириб, маънавиятнинг қудратли манбаи бўлиб хизмат қилади. Ўлимни тушуниш ҳаётнинг мазмунини англашда муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг маънавий-руҳий фаолиятида “ўлдирма” деган муҳим ақида инсон бошқа одамга нисбатан қилиши мумкин бўлган энг ёмон амал сифатида ўлимни таъқиқлаш демакдир. Илоҳиётнинг муҳим ғояси – руҳнинг барҳаётлиги ғояси ўлим билан курашишга ҳаракат қилади.

Мустақил иш учун савол ва топшириқлар

1. Инсоннинг маънавий-руҳий фаолиятида ўлим ва барҳаётликка бўлган муносабатлар?
2. Ўлим ва барҳаётликнинг ижтимоий-маънавий ҳаётда аўрни?
3. Ўлим ва барҳаётликнинг ижтимоий-маънавий ҳаётда теологик вазифаси?
4. Миллий фалсафий тафаккур тараққиётида ўлим ва барҳаётликка фундаментал фикр-мулоҳазалар?
5. Абу Ҳомид Ғаззолий асарларида инсоннинг маънавий-руҳий фаолиятида ўлим ва барҳаётлик масалаларининг акс этирилиши?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш учун тест саволлари

1.....- турли давлатларда турлича талқин этилиши ва уни фойдали ёки фойдасиз тарафларига эътибор қаратилганлиги билан инсоннинг маънавий-руҳий дунёсида алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу жараён негизида бошқаларга, кўпинча, жисмонан заиф кишиларга озор етказиш, уларни қийнаш орқали ҳузур олиш ётади?

- А) Садизм
- Б) Суицид
- С) Мозахист
- Д) Нирвана

2. Садизмни сексуал ва носексуал кўринишларга ажратиб таҳлил қилаган файласуфни топинг?

- А) А.Мэчиноков
- Б) Э.Фромм
- С) З.Фрейд
- Д) А.Юнг

3. Биринчи хоспис қаерда ташкил этилган?

- А) Россияда

Б) Франция

С) Хитой

Д) Англия

4. Қуйидаги атамалардан қайси бири қатағон таъқиқ (бирор иш-ҳаракат, сўз ёки буюмнинг ман этилиши) маъноларинги беради?

А) Эвтаназия

Б) Табу

С) Реинкарнация

Д) Некрофилия

5. Некрофилия бу.....?

А) Қатағон таъқиқ (бирор иш-ҳаракат, сўз ёки буюмнинг ман этилиши)

Б) Инсон қони ва тўқималарида кислород етишмаслиги сабабли вужудга келадиган ҳолат

С) Биология ва тиббиётнинг тирик мавжудотлар, шу жумладан, инсоннинг қариши қонуниятларини ўрганувчи соҳаси.

Д) Ўликни севиш деган маънони англатади

III БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР РИВОЖИДА ЎЛИМ ВА БАРҲАЁТЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ҳозирги фалсафий тафаккур ривожига ўлим ва барҳаётлик ғоялари ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Бу фан, техника ва технологик тараққиётнинг таъсири билан изоҳланади. Ўлим ва барҳаётлик масаласини ўрганиш доираси тобора кенгайиб бормоқда. Чунки инсоният ўз тарихининг барча босқичларида унинг мазмун-моҳиятини чуқур англашга интиланган. Шу боис, ушбу бобда клиник ва биологик ўлимнинг бир-биридан фарқи, ўзаро алоқадорлиги батафсил тадқиқ қилинган.

Шунингдек, мазкур бобда Ўзбекистонда ўлим ва барҳаётликнинг шахс маънавий-ахлоқий камолотидаги аҳамиятига оид ижтимоий-фалсафий қарашларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Бунда ушбу масалага оид ахлоқий, диний, тиббий ва ҳуқуқий қарашларга алоҳида эътибор берилган.

3.1. Клиник ва биологик ўлимнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили

XXI аср бошларида мураккаб ўзгаришлар даврида чин донишманд одамгина инсон ҳаётининг қанчалик қадрли эканлигини билиши, миллий қадриятлари, ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан кураша олиши мумкин. Айни чоғда И.Каримов: “Халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуг туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда”¹, – деб таъкидлайди.

Ижтимоий-тарихий тараққиёт тажрибаси инсоннинг қанча яшаши, нима учун яшаши унинг табиатида инсонпарварлик ғоялари мавжудлиги,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 169.

миллий ва умуммиллий (умуминсоний) кадриятларга амал қилиш қобилиятлари, малакалари шаклланганлиги билан боғлиқ эканлигидан далолат беради. Инсон ҳаётининг мазмунли ўтишида асосан уч тамойил – маънавият, маърифат ва одоб-ахлоқнинг фавқулодда зарурлигини алоҳида қайд этиш лозим. Зеро, мазкур тамойилларнинг ўзаро мутаносиблиги, ички уйғунлиги, оқилона меъёрларда тақсимланиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Инсон табиатига хос ушбу тамойиллар, у яшаётган ижтимоий муҳит, айниқса, маънавий қиёфасининг биологик, физиологик ҳолатлари билан боғлиқ. Бошқача айтганимизда, инсоннинг маънавий қиёфаси, унинг жисмоний ҳолати билан тақозоланади. Ваҳоланки, инсон ҳаётининг мазмуни унинг оптимистик, реалистик кайфияти билан боғлиқ.

Инсон ўлими масаласи ҳам ҳозирги замон файласуфлари орасида турли тортишувлар, мунозараларга сабаб бўлаётган муаммолардан биридир. Айниқса, “инсон ўлиш ҳуқуқига эгами?”, деган муаммо илмий жамоатчилик орасида турли баҳсларга сабаб бўлаётир. Инсоннинг ўз ихтиёри билан ҳаётдан кетиши эвтаназия (яхши ўлим топиши) ва *хоспис² масаласида ҳам турлича фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Чунончи, дин инсоннинг ўз ихтиёри билан ҳаётдан воз кечишини каттиқ қоралайди. Ислом дини қоидаларига мувофиқ ўз-ўзини ўлдирган кишига, ҳатто жаноза ўқитилмайди. Христиан дини талабларига кўра бундай кишиларнинг жасадини мазорга кўмиш тақиқланади.

Фалсафада ўлим ҳодисаси қанчалик парадоксал кўринмасин, ҳаёт ва ўлим ўртасида унчалик аниқ белгилаб қўйилган мезон йўқ. Маълумки, сўнгги юз йилликкача нафас олмай қолиш инсон ўлимининг асосий белгиси ҳисобланган. Бунда инсоннинг лабларига ойна тутилган, ойна терламаса, унинг ўлими ҳақлиги аниқланган. Баъзида шифокорлар одамнинг оғзи ёки

* Хоспис – беморлар умрларининг охирини азоб-уқубат чекмай, тўлақонли маънавий ҳаёт кечиришлари учун имкониятлар яратилган даволаш маскани. Биринчи хоспис Англияда ташкил этилган.

² Лях К.Ф. Хоспис: помощь умирающим в современном обществе // Медицинская сестра. – Москва. 2006. - №6. - С. 95-97.

бурнига қуш патини тутиш орқали унинг ўлган ёки ўлмаганини аниқлашган. Аммо ўтган асрдаёқ бу тажрибаларнинг ишончсизлиги аниқланди. Зеро, йогаларнинг узоқ вақт мобайнида нафасни тўхтатиб туриш, ҳавосиз-ерга кўмилиш, сув остида туриш, герметик яшиқларда бўлиш каби машқлари маълум. Масалан, полковник Тоунсенд ўз хоҳиши билан ўз нафасини тўхтатган, Лондон шифокорлари олдида, ҳамма уй-уйларига тарқалиб кетгандан кейин, у эртаси куни шу нарсани қайтадан ҳамманинг олдида намойиш қилган. Ўша вақтда бу ғайритабiiй ҳолатни тушунтириб бериш ниҳоятда мушкул бўлган. Бироқ ҳозирги тиббиётнинг ривожланиши асосида бундай ҳолат оддий қабул қилинади.

Ўлимнинг яна бир белгиси қон айланишининг ва юрак уришининг тўхташи билан асосланади. Масалан, тарихда марҳумнинг бармоғи ип билан боғланган. Рангнинг ўзгариши, яъни кўкариши ёки оқариши қон айланишининг тўхтамаганлигидан, одамнинг эса тириклигидан далолат берган. Шу боис 1918 йил француз ҳукумати томонидан ўлимни аниқлаш учун скальпель билан чакка ёки бош артерияни кесиш кераклиги ҳақидаги қонун қабул қилинган. Агар шу ҳолда қон келмаса, одам ўлган деб ҳисобланган. Шунингдек, бу қонунда флюоресцирловчи эритмани томирга юбориш қайд этилган. Чунки агар одам тирик бўлса, ярим соатдан кейин кўз шиллик қавати яшил сифат –сарик тусга кирган.

Аммо ўлим ҳақидаги бу мезонлар ҳам ҳинд йогаларнинг ихтиёрий равишда юрагини тўхтатиб тура олиши олдида ўз кучини йўқотган. Масалан, Француз кардиологи Лайл Ватсон Дехлида бир инсон билан тажриба ўтказган, унинг юраги аниқ мосламалар кўрсатмасига кўра 12 дақиқа давомида ишламаган. Бу машқ техникасининг номи “вольсальва” деб аталган. Мазкур ҳолат ўша даврда муайян маънодаги шов-шувга сабаб бўлган.

Яна бир қизик ҳолат пульс, шунингдек, алкоголь комаси ёки узоқ музлатиб, мумиёлаб чиримайдиган (консервация) жасадда ҳам бўлмаслиги

мумкин. Масалан, бу ҳолни қадимги Миср фиръавнлари, XX асрда Ленин ва Мао-Цзедунларда кузатиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирга келиб, аускультация усуллари ва электрокардиография диагностикаси (юрак эшитиш) ривожига билан ўлим диагностикаси нисбатан беҳато аниқланадиган бўлди. Шундай қилиб, ҳаётнинг уч белгиси юрак уриши, нафас олиш, қон айланишнинг тўхташи анча вақт ўлим деб ҳисобланган. Аммо реаниматологиянинг ривожига XX асрнинг иккинчи ярмидан бу ҳодисаларни қайта баҳолашга, клиник ва биологик ўлим бўйича тадқиқотлар олиб боришга кенг йўл очди.

XIX асрнинг охирида психоанализ психология фанининг бир йўналиши сифатида Австриялик руҳшунос олим Зигмунд Фрейд томонидан асос солинганлиги барчамизга маълум. Чунки айнан ўлим ҳақидаги психотерапевтик амалиёт натижалари ва руҳий ҳаётнинг асосий ҳодисалари туш кўришлар, салбий руҳият билан боғлиқ ҳолатлар Фрейд томонидан умумий психологик механизм сифатида талқин қилинган¹. Унинг ўлим ва барҳаётлик ҳақидаги қарашлари К.Юнг томонидан маромига етказилган². Дарҳақиқат, психоанализ инсон психикасининг онглилик ва онгсизлик даражалари бўлиб, инсоннинг хулқ-атвори ва тафаккурини онгсизлик ҳолатларига олиб келади. Бунинг сабаби эса инсоннинг ёшлигидан содир бўлган салбий психологик ҳаёт кечинмалари ёки жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий меъёрларнинг тўқнашувидир. Ваҳоланки, ички психологик зиддиятларни бартараф қилиш эса инсон онгидан салбий ҳолатларни ва табиий хоҳишларни сиқиб чиқариш тарзида амалга оширилади.

Зеро, биринчидан, психоанализ бу даволаш усули бўлиб, шифокор-руҳшунос ўз мижозидан зарур бўлмаган шубҳаланишларни, нотўғри мулоҳазаларни, онгсизлик билан боғлиқ бўлган ҳаракат ва жараёнларни олиб ташлашга ҳаракат қилади. Иккинчидан, психоанализ бу шахсни илмий

¹ Қаранг: Фрейд З. Тотем на табу. – М.: 1997. – С. 164.

² Қаранг: Юнг К. О жизни после смерти // Тайна смерти. – М.: 1995. – С. 135.

кузатиш орқали, биринчи галда унинг хоҳишлари, туш ва фантазиясини, эмоционал ҳолатларини ўрганишдир. Учинчидан, психоанализ илмий психология тизимини кузатиш ва ўрганиш натижасида инсоннинг хулқ-атворини, бошқаларга бўлган муносабатларини олдиндан башорат қилиши мумкин. Психоанализ жараёни камида бир йил давомида ҳар ҳафтада уч мартадан олти мартагача бир соатдан давом этадиган сеанслар орқали олиб борилади. Натижада, аста-секин бир-бирига боғлиқ ва тарқоқ фикрлардан ўзаро алоқадорликда бўлган фикр-хулосалар шаклланади. Шу тариқа психоанализда ўлим муаммоси инсонни руҳий кузатиш орқали амалга оширилади.

Ҳозирги тиббиётда ўлимнинг учта маъносини кузатиш мумкин.

Биринчидан, ўлим – клиник йўл билан аниқланган ҳаёт аломатларининг барҳам топишидир. Айримлар юрак тўхтаганда, нафас олиш тугаганда, қон босими махсус асбоб билан ўлчаб бўлмайдиган даражага тушиб қолганда, қорачиқлар кенгайиб, тана ҳарорати пасайганда одамни ўлик дейиш мумкин, дейишади. Бу – ўлимнинг клиник йўл билан аниқлаш усулики, кўп асрлар мобайнида врачлар ва бошқа кишилар шу усулдан фойдаланишган. Вафот этган жуда кўп одамлар мана шу асосларга кўра ўлик деб ҳисобланган. Бу хусусда Р.Моуди: “...Клиник тажрибада шундай бир ёзилмаган қоида борки, унга кўра шифокорлар беш дақиқадан ортиқ вақт ичида ўлим ҳолатида бўлган беморни реанимация қилишга уринмайди, чунки беш дақиқа ўтгач, миянинг тўқималари кислород етишмаслиги оқибатида емирила бошлайди. Аммо беш дақиқа деб белгиланган вақт ўртача ҳисобки, айрим ҳолларда бу вақт камроқ ёки кўпроқ тарафга оғиши, яъни беш дақиқагача ёки ундан ортиқ вақт мобайнида ҳақиқий ўлим содир бўлиши мумкин”¹, – деб ёзади.

¹ Раймонд Моуди. Ўлимдан кейинги ҳаёт. Таржимонлар – Мансур Тенглашев, Аҳмад Отабоев. – Тошкент: Спитамен, 1992. – Б. 103.

Иккинчидан, ўлим мия фаоллигининг йўқолишидир. Техника тараққиёти кўз билан кўриб бўлмайдиган биологик жараёнлар оқимини аниқлайдиган сезгир асбоб-ускуналарнинг яратилишига имкон берди. Электроэнцефалограф (ЭЭГ) миянинг жуда кучсиз электрик имкониятларини ҳам кучайтириб қайд этадиган асбобдир. Кейинги пайтларда “ҳақиқий ўлим” ҳақида миянинг электрик фаоллиги йўқолганига қараб хулосага келиш тенденцияси кўзга ташланмоқда.

Учинчидан, ўлим ҳаётини функцияларни қайта тиклаб бўлмайдиган ҳолатдир. Модомики, ўлган киши ҳаётга қайтарилган экан, унда клиник ҳаёт нишонлари бор ё йўқлигига қарамай ёки электроэнцефалографнинг ўлимни тасдиқлаган хулосасидан қатъи назар, аслида у одам ўлмаган бўлади. Бошқача айтганда, ўлим – шундай ҳолатки, бунда инсонни ҳаётга қайтариб бўлмайди.

Биология ва тиббиётни ҳаёт ва ўлим муаммоси доимо қизиқтириб келган. Ҳар қандай тирик организм вақт ўтиши билан эскиради, қарийди ва муқаррар равишда ўлади. Ўлим генларда муҳрланган зарурий дастурми ёки тирик ҳужайралар аста-секин ўз вазифаларини бажариб сўнг зарурий объектив равишда барҳам топадими?

Америкалик биолог-олим Леонардо Хайфликнинг илмий изланиш натижалари ушбу саволга қисман жавоб беришга ёрдам беради. У инсон ҳужайраларининг бўлиниш чегараларини аниқлаган ва 40-50 марта бўлинишдан сўнг уларнинг ўлиши муқаррар деб ҳисоблаган. Ҳар қандай ҳаёт ўз чегарасига эга. Ўлим тушунчасининг ўзи, учинчи инсонни яратиш мақсадида, икки қарама-қарши жинсларга мансуб бўлган инсонларнинг бирлашувидан вужудга келади. Учинчи инсон бу жисмоний жиҳатдан биринчи ёки иккинчи инсон эмас, балки бутунлай янги мавжудот. Янги инсон яратилганда эскилар унга ўзларининг жойини қонуний равишда бўшатиб беришлари шарт. Ўлим икки хил жинснинг мавжудлиги

натижасидир. Энг қизиги шуки, биз болаларимизни дунёга келтирганимиз учун ўлимимиз муқаррардир.

Биологик ўлимнинг биринчи тури – бу ташқи табиат ва инсоннинг ички табиати билан боғлиқ бўлиб, у икки шаклда намоён бўлади: биринчиси – қарилик, инсон аъзоларининг ҳаётни давом эттиришга яроқсизлиги туфайли рўй берса, иккинчиси – ҳалокат, бирор бир табиий офат, ёки тасодифий бахтсиз ҳодисалар туфайли содир бўлади. Иккинчи турдаги ўлим – жамият билан боғлиқ, у ҳам икки хил бўлади. Биринчиси – мажбурий ўлим, у одатда жазо шаклида амалга оширилади. Иккинчи хили – бу дунёдаги улар хоҳ руҳий, хоҳ жисмоний бўлсин, азоб–уқубатлардан қутулиб, уйқу билан мангу ором олиш учун ихтиёрий тарзда амалга ошириладиган ўлим, тотли ўлим ёки эвтаназия деб аталади. Айни ана шу иккинчи турдаги ўлим ахлоқ билан боғлиқ. Чунончи, иккинчи турдаги ўлимнинг биринчи хили – улкан ёвузлик ҳисобланади. Биологик ўлимда мурда белгилари ҳосил бўлади: кўз рефлекслари сўнади, 4-6 соат ўтгач, мурда мускуллари қисқариб қотади, мурдада доғлар пайдо бўлади, тери ва шиллиқ қават қуриydi. Бироқ бу ҳолат ҳам ўлим жараёнини тўлалигича қайд этишга асос бўлмайди. Бунинг учун клиник ўлимни чуқурроқ тушуниб олиш муҳим.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида: “клиник ўлим - ҳаёт функцияларини тиклаш имкони қолмагунча, яъни биологик ўлимгача бўлган давр; бунда ҳаётнинг ташқи белгилари (юрak уриши, нафас) 3-5 дақиқада йўқолади, марказий нерв системаси функциялари сўнади, лекин моддалар алмашинуви жараёни сақланади”¹, – дейилган.

Лекин, бизнинг фикримизча, шуни эсда тутиш керакки, клиник ўлим ҳолатида ташқи дунёни идрок этиш имконияти бўлмайди. Мия қобиғи бу вазиятда сукут сақлайди. Электрокардиограммада-тўғри чизик ҳолати вужудга келади. Ташқи дунёни идрок этиш миянинг фаолияти ва марказий нерв системасининг фаолияти тугаши билан тўхтаydi. А. Қарабоев: “Клиник

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 15 томлик. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2004. 4-т. – Б. 636.

ўлимдан сўнг 4 дақиқа ўтгач, тимус массасининг камайиши қайд қилиниб, бу клиник ўлимдан 8 дақиқа ўтгач, янада яққолроқ намоён бўлади”¹, – деб клиник ўлимнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталади.

Тиббиёт нуқтаи назаридан клиник ўлим, ҳаёт ва ўлим оралиғидаги ўзига хос ўтиш ҳолати бўлиб, унинг биринчи белгиси бу нафас олишнинг тўхтатишидир.

Клиник ўлимнинг иккинчи белгиси бу пульснинг, яъни қон томир уришининг тўхташи ва нафас олиш фаолиятининг якунланиши билан бошланади. Ҳамма фаолият сўнади, рефлекслар йўқолади, 1 минут ичида моддалар алмашинуви сақланади. Бу вазиятда инсонни бир неча йўл билан ҳаётга қайтариш мумкин:

1. сунъий нафас – оғиздан оғизга, оғиздан бурунга;
2. юракка массаж – очик ва ёпиқ;
3. дефыбилятор – юракни ток билан қўзғатиш;
4. юракка адриналин қуйиш;

Учинчи белгиси тана ҳароратининг пасайиб кетиши. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон танасининг ўртача ҳарорати 36,6 даража бўлса ҳам, масалан, мусобақаларнинг энг шиддатли даврида спортчиларнинг ҳарорати 41 даражагача кўтарилади, оқаётган тердан сўнг терининг ҳарорати 34 даражагача тушиб кетади. Шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, совуқ жойларда қолиб кетган одамларнинг тана ҳарорати 24 даражагача тушади. Лекин улар ҳам ҳаётга қайтганлар. Суд тиббий экспертларининг фикрича, клиник ўлимдан сўнг тана ҳарорати ҳар бир соатда тахминан бир градусга пасаяди, ана шу формула асосида улар ўлим қайси вақтда содир бўлганини аниқлашади.

Клиник ўлимнинг тўртинчи белгиси бу инсон кўз қорачиғининг реакцияси бўлиб, тиббиётчиларнинг фикрича, ўлим ҳолати содир бўлиши

¹ Карабеев А.Г. Морфофункциональные изменения в гипоталамо-гипофизарно-нейросекреторной системе в процессе умирания и оживления организма (Экспериментальное исследование): Диссертация на соискание учёной степени кандидата медицинских наук. – Самарканд: 1998. – Б. 24.

билан мурданинг кўз қорачиғи кенгаяди ва 12 соат давомида аста-секин торайиб боради. Бундан ташқари кўз қорачиғининг ранги ҳам ўзгариб ўлим ҳолатида яшил-жигарранг шаклга киради.

Клиник ўлимнинг бешинчи белгиси қон айланиши билан боғлиқ. Бу ҳолатнинг содир бўлишида қизил қон толачалари чўка бошлайди ва мурданинг ранги оқариб қолади. Бундан ташқари, клиник ўлимдан бир-икки соат ўтиши билан қон қуйилади, қон анализи клиник ўлим содир бўлганлигини тасдиқлайди.

Клиник ўлимнинг олтинчи белгиси мушаклар фаолиятининг сўниб бориши ва жасаднинг қотиши. Кўп ҳолатда клиник ўлим содир бўлгандан сўнг бир соат ўтиши билан биринчи галда кўз-қовоқ мушаклари қота бошлайди, уч-тўрт соатдан кейин жағ мушаклари ва ўн икки соатдан сўнг тананинг барча узун мушаклари ўз фаолиятини якунлайди.

Ҳозирги шароитда ўлимни аниқлаш электроэнцефалограф орқали амалга оширилиб, бу биологик ўлимни аниқлашнинг энг аниқ усулидир. Лекин кўпгина мутахассисларнинг фикрича, ягона шубҳага ўрин бўлмаган мутлоқ ўлимнинг асосий белгиси бу мурданинг емирилиб чириб боришидир. Бунда бактерия ва микроблар йўғон ичакда кўпайиб, баданда кулранг ва яшил доғлар ва ноҳуш ўлимта ҳидлар пайдо бўлади.

Ўлим сабабларини аниқлаш учун “аутопсия”, яъни мурдани ёриб кўриш орқали хатосиз ташхис қўйиш мумкин. Лекин ҳар хил манбаларда ўлиб қайтганлар ҳақида тарихда жуда кўп бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам бор. Масалан, 1962 йилда Нью-Йорк шаҳридаги касалхонанинг ўлим хонасида жарроҳ бир майитнинг терисига тиг тортиши билан мурда сапчиб ўрнидан туриб жарроҳнинг ёқасидан олади. Умри давомида ўликларни ёриб келган жарроҳ бу ҳолатга биринчи тушиши эди, унинг юраги ёрилиб, ўша заҳотиёқ жон беради. Шунингдек, йигирма соат мобайнида мурда бўлиб қотиб ётган Италиянинг буюк шоири Франческо Петрарка қабрга қўйишларидан олдин тирилиб, бадани совуб кетганлигидан шикоят қилиб,

хизматчиларига деразани беркитиб қўйишни буюради ва шундан сўнг яна 30 йил яшайди.

АҚШнинг Висконсин шаҳрида беш яшар Макс Хафман исмли бола вабо билан касал бўлиб вафот этади. Бола дафн этилган оқшомда онаси туш кўради. Тушида боласи тобутдан чиқишга уринар ва ота-онасини ёрдамга чақирар эди. Совуқ терга ботиб кетган аёл дарров эрини уйғотиб кўрган тушини сўзлаб беради ва жон ҳолатда қабристонга бориб, болани дарҳол қабрдан чиқариб олишни сўрайди. Эри эрта тонгда бир ўртоғи билан қабристонга жўнайди. Улар қабрдан тобутни тортиб оладилар. Тобутни очиб қарашса, бола бир томонга қайрилиб ҳушсиз ҳолда ётарди. Уни тезда касалхонага олиб бордилар. Бир соат давом этган муолажадан сўнг Макс ҳаётга қайтиб яна 80 йил умр кўради ва 85 ёшида вафот этади. Яна бир мисол. Деҳли шаҳрида насроний Швари ўзининг дафн маросими пайтида яхши таниш бўлган диний кўшиқ овозидан уйғониб кетган ва тобутда ётган жойида бошқаларга кўшилиб куйлай бошлаган. Дафн маросими қатнашчилари ҳайратдан кўрқиб қотиб қолганлар.

Баъзи манбаларда ёзилишича, Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаронинг ҳоқини бошқа ерга кўчириш ниятида қабрини очганларида, унинг гавда суяклари ўраб қўйилган кафан ечилиб, ўгрилиб юз тубан ҳолатда ётганини кўрган эканлар. Демак, у қабрда тирилган, гўрдан чиқмоқчи бўлиб, лаҳад оғзига терилган гувалаларни ўзига тортиб қабрдан чиқмоқчи бўлган, аммо қувватсизланганидан кейин даҳшатли тарзда бўғилиб қайта ўлган деган тахминлар бор. Бу ҳақда америкалик машҳур биолог-шифокор Уоллис Эйбер ўз фикрини билдириб, инсон онгли танадан ҳаёт аломатлари йўқолгандан кейин ҳам фаолият кўрсатаверишини, шунинг учун ҳам шифокорлар одамини ўлдига чиқариб, мурдасини музхонага тиқиб қўйишдан олдин энг камида 48 соат сабр қилишлари кераклигини айтиб ўтган. Ана шунинг учун, эҳтимол, биз ҳар йили тўлиқ ёки узил-кесил ўлмаган минглаб одамларни тириклай гўрга тикаётгандирмиз дейди шифокор Эйбер.

Матбуот хабарларига қараганда XVIII-XIX асрларда Европада нотўғри тиббий хулосалар натижасида сохта ўлимга дучор бўлган ва тириклайин кўмилиб кетган инсонлар бўлганлиги таъкидланади. Шу боис бундай ходисаларни аниқлаш гуруҳлари ва ҳатто, махсус жамиятлар ҳам тузилган. Шундай жамиятлардан бири Амстердам шаҳрида 25 йил давомида 990 кишини “қабр азобидан” қутқариб ҳаётга қайтарган. Парижда эса махсус илмий тадқиқот муассасининг ходимлари 312 та фуқарони тириклайин кўмиб юборишларидан сақлаб қолдилар. Дарҳақиқат, бундай даҳшатли ходисаларнинг мамлакатимизда бўлмаётганлигига ким кафолат бера олади? Агар шифокорлар фаол саъй-ҳаракат қилишса, бу одамларни, балки, ҳаётга қайтариш мумкиндир.

Ўлим муаммосини ечишнинг бир усули-унга оддий касаллик сифатида қарашдир. Балки у ҳам вақтинча ҳолат бўлиб, худди касаллик каби унинг ҳам ечими ва давоси топилар. Назаримизда, ҳам дунёвий ва ҳам диний илмларни чуқур ўрганиб, ўлим ҳақидаги тиббий хулосаларга тўғри якун ясайдиган вақт келди. Бу ҳақда ҳозир эскириб қолган ўлим ҳақидаги тиббий хулосалар тизими чинакам, мутлоқ, биологик ўлимни аниқлашга ожизлик қилмоқда. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳумни тезда дафн қилинглари, деб айтганлар. Аммо муҳлатини айтмаганлар. Тезда дафн қилиш деган сўз шу кунийёқ, шу заҳотиёқ дегани эмаску! Бизга маълумки, пайғамбаримиз ҳам ёзда душанба куни вафот этиб, Арабистоннинг шундай жазирама иссиғига қарамай, қабрга учинчи куни-чоршанба аср намозидан кейин қўйилганлар.

Ўлим ҳақ, ҳеч ким ундан қочиб қутулмаган. Бироқ инсонлар ўлим муқаррарлигини англаган ҳолда доимо унга қарши туриш усулларини кидириб келмоқда. Чунки инсон дунёга ўлиш учун эмас, балки яшаш учун келади. Бизга маълумки, инсоннинг ҳаёти-энг олий неъмат. Инсон олдида турган энг биринчи вазифа ҳаётни иложи борица сақлаб қолиш ва узайтиришдир. Лекин инсон бутун ҳайвонот олами каторида ўлим

қонунларига бўйсунушга мажбур. Зеро, ўлим ҳаётнинг зарурий лаҳзаси (моменти)дир. Дин вакиллари барҳаётликни фақат худо ва динлар берадилар, лекин табиат, тафаккур ва онг бу ҳақда ҳеч нарса дея олмайди деган эдилар.

Ўлим касалликлардан дард ва азоблардан қутулиш воситаси ҳамдир. Ўлим ҳаётни ташкил этади ва уни назорат қилади. Кучли тўхтовсиз “ҳаёт оқими” ер биосферасини қисқа вақт ичида идора қилиб бўлмайдиган организмлар майдонига айлантириши мумкин. Ваҳоланки, бир авлод кейинги авлодларга ҳаёт майдонини бўшатиб беради. Ўлим узоқ давом этган биологик эволюция жараёнида зарурий ва фойдали роль ўйнаган. Ўлим туфайлигина бу дунёда ҳаётнинг мазмуни бордир. Ҳаётнинг охири якуни бўлмаганда ҳаётнинг мазмуни ҳам бўлмас эди. Ўлим ўз ишини қилганда ўликлар эмас, балки тириклар азоб чекади.

Танатологиянинг биотиббий талқинида ниҳоятда кенг ривожланиб бараётган ген инженерияси алоҳида аҳамият касб этади. Ирсий инженерия XX асрнинг иккинчи ярмида табиатшунослик фанлари тизимидаги умумий биология, умумий ва молекуляр генетика, биоорганик кимё, микробиология, цитопатология, ўсимликшунослик каби фанларга оид назариялар ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш усуллариининг бир-бирларини тўлдиришлари асосида вужудга келган¹.

Ҳозир ирсий инженерия фундаментал тадқиқотлар йўли билан янги билимлар олиш услуби сифатида ривожланмоқда. Бу фан табиат ва инсонга таъсир кўрсатишга қодир мустақил кучга айланмоқда. Ирсий технологиянинг инсон табиатига аралашуви унга турли нуқсонлар, бепуштлик ва ҳоказолардан халос бўлиш имкониятларини яратади.

М.Крайтон фикрича: “бу технология инсон ҳаётининг барча жиҳатларини, жумладан тиббиётни, одамлар озуқаланишини, уларнинг

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 15 томлик. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2004. 2.Т. – Б. 612.

соғлигини, дам олишини, ҳатто, уларнинг таналарини ҳам ўзгартириб юборади”¹.

XX асрнинг 70 – йилларида постноклассик фан ривожланди. Бунга билимларни сақлаш ва қабул қилишдаги инқилоб (компьютеризация) қатор илмий масала ва билимлардан комплекс фойдаланмасдан, тадқиқ қилинувчи тизимларда инсоннинг роли ва ўрни ҳисобга олинмасдан ҳал қилиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилинди. Бу даврда молекуляр биология ва генетикага асосланган, илгари табиатда мавжуд бўлмаган янги генларни топишга йўналган ген технологиялари ривожланди. Уларнинг асосида тадқиқотнинг илк давридаёқ сунъий йўл билан инсулин, интерферон ва бошқалар яратилди. Ген технологияларнинг асосий мақсади – ДНКни ўзгартиришдан иборат. Бу йўналишдаги фаолият ген ва геномларни таҳлил қилиш методларини ишлаб чиқишга, шунингдек, уларнинг синтези, яъни янги генетик модификациялашган организмларни яратишдан иборат. Микробиологиянинг ривожланишига олиб келган янги метод – клонлаштириш яратилди².

Инсоннинг жисмоний табиатига ирсий технология усуллари билан аралаштириш шу билан белгиланадики, фан тараққиёти ва технологияларининг амалда қўлланилиши космо-био-психо-ижтимоий эволюция жараёнида шаклланган “*homo sapiens*” организмнинг ўзгартирилмаслиги мумкин эмас. Шу маънода Н.Назаров: “...Ирсий инженерия ва ирсий тиббиёт усулларида фойдаланишнинг ижобий ва салбий томонларини тушуниб етиш учун генетиканинг ахлоқий масалаларини тадқиқ қилиш ўринли бўлади. Генетикага оид билимлар ахлоққа, маънавиятга таъсир кўрсатади. Биобарин, у этика нуқтаи назаридан лозим даражада ишлаб чиқиши керак”², – деб инсоннинг ирсий инженерияга аралашувини ахлоқшунослик

¹ Крайтон М. Парк юрениоги периода. – М.: 1993. – Б. 7.

² Шермухамедова Н.А. XXI аср фанининг долзарб муаммолари / Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Университет, 2005. – Б. 94-95.

² Назаров Н. Ирсий инженерия ахлоқий муаммоларининг фалсафий таҳлили: Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси. – Т.: 2008. – Б. 31.

нуқтаи назардан эътиборга олиш зарурлигини таъкидлайди. Акс ҳолда, инсон ҳозирги замон ирсий инженериясининг айрим ютуқларидан фойдаланиб, ўз табиатининг бутунлай бузилишига эришади.

Зеро, ҳозирги вақтда техник ва технологик имкониятларидан оқилона фойдаланиш натижасидаги бундай аралашини мезонларини топиш ва инсонни мавжуд тур сифатида сақлаб қолиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Шу маънода Н.Шермухамедова: “Экологик инқирознинг оқибатлари касалликларга, ўлимнинг кўпайишига, ирсиятнинг бузилишига олиб келмоқда”². У мазкур муаммоли масалаларни давом эттириб: “...атроф-муҳитга инсоннинг зарарли таъсири оқибатларини бартараф этиш мумкин, деган фикрни илгари суриш учун ҳеч қандай илмий асосга эга эмасмиз”³, – деб ёзади. Дарҳақиқат, бизнинг фикримизча ҳам, инсоният секин ишлайдиган қопқонга тушиб қолганми ёки бу қопқондан чиқиш (инсон яшайдиган мувозий ва барқарор экологик тизимни яратиш) мумкинми, бу ҳақда фан аниқ бир нарса дея олмайди.

Зеро, алоҳида организм ҳаётида – унинг яшаш фаолияти жараёнида патологик ўзгаришлар тўпланиб боради ва организмнинг жисмоний ўлимига сабаб бўлади. Тирик мавжудотлар ривожланишининг мазкур динамик қонуни “фаол инсон” яшайдиган Ер биосферасига ҳам шундай таъсир кўрсатади, деб тахмин қилиш мумкин”⁴. Бизнинг назаримизда ҳам, инсоният бу муаммоларга жиддий эътибор бериши ҳамда уларнинг олдини олишнинг янги-янги чора-тадбирларини ишлаб чиқиши керак бўлади. Акс ҳолда, инсониятнинг ўз келажагига бўлган ишончсизлиги ва кўрқуви янада ортиб бораверади.

² Шермухамедова Н.А. XXI аср фанининг долзарб муаммолари / Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Университет, 2005. – Б. 199.

³ Шермухамедова Н.А. XXI аср фанининг долзарб муаммолари / Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Университет, 2005. – Б. 361.

⁴ Шермухамедова Н.А. XXI аср фанининг долзарб муаммолари / Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Университет, 2005. – Б. 361.

Олимлар фикрига кўра, ирсий даволаш тиббий даволашнинг охириги босқичи бўлиб, касалликни генларнинг ўзини даволаш йўли билан бартараф этишга уриниш ҳисобланади. Ирсий даволашнинг роли одам организмини зарарланган генларнинг функцияларини ўз зиммасига олишга қодир соғлом генлар билан таъминлашдан иборат.

Бу ўринда В.И.Иванов ва В.Л.Ижевскаялар: “...евгеника (стерилизация) инсон генетикаси ва унинг муҳим қисми – тиббий генетиканинг юзага келиши ва ривожланишига туртки берган муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Евгеника томонидан қўйилган мақсадлар – инсон генотипини зарарли ирсий белгилардан халос этиш, уни жисмоний ва ақлий ривожланиш учун муҳим генлар билан бойитиш – бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб турибди. Евгеника қўйган умумий вазифа, яъни инсониятни зарарли ирсиятдан халос этиш – ҳал қилинганича йўқ. Бу вазифа генетикага ва ирсий инженерияга ўтди”¹, – деб таъкидлайди. Аммо бунинг мавриди ҳали келгани йўқ. Евгеника асосчилари айтган евгеника ривожланишининг академик босқичи ҳали ниҳоясига етмади. Бундан ташқари, евгеникадан инсоният тарихидаги айрим энг даҳшатли жиноятларни оқлаш учун фойдаланилганлигини ҳам унутмаслик керак. Бугунги кунда евгеника инсон қавмидаги туғма касалликларни йўқотишга йўналтирилган. Маълумки, касалликларни даволаш ва профилактика қилишда илгари беморнинг ўлими билан йўқолган генлар сақланиб қолади.

Ирсий даволаш хужайра ўзагидаги нуқсонли генни соғлом ген билан алмаштиришни ва бу янги генни протеин ишлаб чиқаришга мажбурлаш учун уни муҳит билан мувофиқлаштиришни назарда тутди. Маълумки, одам организмнинг аксарият касалликлари унда хаддан ташқари кўп ёки нотўғри протеин ишлаб чиқарилиши натижасида юзага келади. Ирсий даволаш ёрдамида эса, биринчидан, тўғри хусусиятга эга бўлган касалликлар

¹ Иванов В.И., Ижевская В.Л. Генетика человека: этические проблемы настоящего и будущего. Проблемы евгеники. Биомедицинская этика. – М.: Подред Покровского, 1997. – С. 98.

натижасида ишлаб чиқарилмаётган протеинни тиклаш, иккинчидан, хужайраларнинг иммун тизим протеинларининг синтез қилиш қобилиятини кучайтириш, шу тариқа мазкур тизимнинг касалликларига, масалан, ракка қарши курашиш имкониятларини кучайтириш мумкин. Танатологиянинг тиббий талқинида клиник ва биологик ўлимнинг ижтимоий-фалсафий аҳамияти ана шундай жараёнлар билан боғлиқ ҳолда талқин этилмоқда.

Ҳозирги кунда танатология соҳасининг тармоқлашуви оқибатида ўлим тўғрисидаги ғояларнинг инсониятга номаълум бўлган жиҳатлари кашф этиб борилмоқда. Бу эса кишиларнинг келажакдаги ўлимнинг баъзи бир жумбоқли жиҳатларини тушуниб етишида мустаҳкам пойдевор бўлиб қолади. Фан, техника ва технологик тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон ўлими тиббий томондан қаттиқ назорат қилиниши ушбу муаммонинг долзарблигини янада ошириб юборди. Маълумки, ҳозирги эвтаназия муаммоси доирасида, яъни оғриқсиз ўлим масаласида ҳам турли баҳслар, мунозаралар кўпайиб бормоқда. Мазкур муаммоли масалаларни тадқиқ этишда биоэтика соҳаси вакиллари қатори файласуфларнинг ҳам тутган ўрни беқиёс. Чунки фалсафанинг азалий ва абадий муаммоси ҳам инсон ва унинг ҳаёти билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам аксарият файласуфлар абадийликни инсонларнинг одамларга қилган яхшилиги ва бу билан яхши ном қолдиришидир деб билганлар.

Айни вақтда бедаво дардга чалинган беморни азоб-укубатлардан қутқариш учун унинг ўлимини қасддан тезлаштиришга муносабат юзасидан тиббиётчилар, ҳуқуқшунослар, социологлар ва психологлар орасида кўп сонли баҳслар ҳануз давом этмоқда. Инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон (1561-1626) енгил оғриқсиз ўлимни белгилаш учун “эвтаназия” (юнонча “euthanasia”, “eu” – яхши, “thanatos” – ўлим), яъни азоб-укубатларсиз, яхши, осон ва енгил ўлим атамасини муомалага киритди. Аммо “бугунга келиб унга анча мураккаб маъно юклатилганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Эвтаназия сўзи бугунги кунда яхши ўлим топиш учун маълум бир

ҳаракатларни амалга оширишни билдиради. Яъни ўша яхши ўлимни топиш учун бирор бир ижобий ёки салбий хатти-ҳаракатни амалга оширишдир”¹.

Собиқ СССРда эвтаназия муаммоси деярли ҳеч қачон кенг жамоатчилик орасида изчил муҳокама қилинмаган, аммо мутахассислар орасида ҳамisha қизгин баҳсларга сабабчи бўлган. Эвтаназияга рухсат беришни талаб қилувчилар ҳаракати 1935 йили АҚШда С.К.Миллард “Эвтаназия жамияти”ни тузгандан кейин бошланди.

Бу хусусда З.Мухамедова: “Эвтаназия – (яхши ўлим топиш) муаммосини тиббий йўсинда ҳал қилишнинг янги усули сифатида ҳозирги замон соғлиқни сақлаш амалиётига икки асосий омилнинг таъсирида кириб келмоқда. Биринчидан, тиббиёт тараққиёти, жумладан, бемор ўлимининг олдини олиш имконини берадиган, яъни ўлишни бошқариш режимида ишлайдиган реаниматологиянинг ривожланиши таъсирида. Иккинчидан, ҳозирги цивилизацияда қадриятлар ва маънавий устуворликларнинг ўзгариши, «инсон ҳуқуқлари» ғоясининг биринчи ўринга чиқиши натижасида”², – деб ёзади. Тиббиёт ходимларининг касбий онги ва фаолиятининг қадриятларида ҳам ўзгаришлар содир бўлмоқда, улар, бир томондан, ҳаёт ва мамот чегарасида боши берк кўчаларга кириб қолмоқдалар, бошқа томондан эса, умумий цивилизацион ижтимоий жараёнларда иштирок этмоқдалар. Эвтаназия муаммоси бугун ва кўнқисдан пайдо бўлгани йўқ. Унинг илдизлари қадимиятга бориб тақалади.

XX асрнинг 60 – йилларида эвтаназия муаммоси жамоатчилик орасида бутунлай бошқа нуқтаи назардан кўтарилди. 70 – йилларда Делфте шаҳри (Нидерландия)даги католиклар касалхонаси онкология бўлимининг анестезиология – врач П.Адмирал: “Эвтаназия даволаш жараёнидаги сўнгги амал бўлиши мумкин”, – деб айтди. Унинг тахминига қараганда: “Эвтаназияни инсоннинг табиий ҳуқуқи деб эътироф этиш заруратини

¹ Тищенко П.Д. Что такое автоэвтаназия. Гуманитарная экспертиза // Человек. – Москва. 1992. - №6. - С. 35.

² Мухамедова З.М. Биоэтика. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 77.

биздан кейинги авлод тушуниб етади”¹. У Нидерландияда эвтаназияни қўллаш ҳолатларига биринчи бўлиб очик баҳо беради ва ҳар йили эвтаназияни қўллаш билан боғлиқ 3000 тагача 0.02% ҳолат (мамлакат аҳолиси – 15 млн. киши) содир бўлишини кўрсатади.

Эвтаназия атамаси ўта зиддиятлилиги билан ажралиб туради. Бу мазкур атамани бир хил талқин қилишни қийинлаштиради ва терминологик чалкашликларни келтириб чиқаради. Атамага берилган таърифга қараб эвтаназия муаммосига ёндошув ҳам ўзгаради. Пассив ва фаол эвтаназия фарқланади. Пассив эвтаназия (уни яна “четга олиб қўйилган шприц усули” деб ҳам атайдилар) шундай намоён бўладики, унда ҳаётни узайтиришга йўналтирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тўхтатилади ва бу табиий ўлимни тезлаштиради. Бундан ташқари, “тўғри эвтаназия”, “эгри эвтаназия”, “ихтиёрий эвтаназия”, “мажбурий эвтаназия”лар ҳам мавжуд. Эвтаназия сўзи юритилганида кўпинча фаол эвтаназия назарда тутилади. Фаол эвтаназия (уни яна “тўлдирилган шприц усули” деб ҳам атайдилар) деганда ўлаётган беморга ўлимнинг тез ва оғриқсиз келишига сабаб бўладиган бирон-бир дори ёки бошқа воситаларни шприц орқали киритиш ёки бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлар тушунилади.

Хуллас, фаол эвтаназия муаммосининг моҳияти шифокорнинг беморга раҳми келганидан ёки ўлаётган одамнинг, унинг яқинларининг илтимосига кўра уни ҳаётдан айиришдан иборат. Бундай фаол эвтаназия нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки бошқа мамлакатларда ҳам қаттиқ қораланади. Чет элда шифокорлар ва ҳуқуқшуносларнинг аксарияти бунга мутлақо йўл қўйиб, ҳатто “раҳмдиллик”дан ёки ўлиши тайин бўлган беморнинг илтимоси билан қилинган тақдирда ҳам жиноий жавобгарликка лойиқ қилмиш, деб қарайдилар. Масалан, Голландияда эвтаназия учун агар шифокор беморнинг розилигини олган, бошқа врачлар билан маслаҳатлашган, бемор бедаво касалга чалинганлиги ва қаттиқ азоб-уқубат чекаётганлигини исботлаган

¹ Мухамедова З.М. Биоэтика. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 80.

бўлмаса, 12 йилгача муддатга қамоқ жазосига тортилади. Лекин Голландияда узоқ мунозаралардан сўнг пассив эвтаназияга қонун йўли билан рухсат беришга қарор қилинди. Бунда табиийки, ҳеч қандай суиистеъмолларга йўл қўймаслик назарда тутилади. Англияда эса аксинча узоқ муҳокамадан кейин тиббий амалиётда ҳар қандай эвтаназияни тақиқлаш тўғрисида қонун қабул қилинди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларини таъминлаш баҳонасида кўпгина мамлакатларда эвтаназия, ҳатто қонуннинг мавжуд нормаларига зид равишда маълум даражада эркин қўлланилади. Буларнинг барчаси инсоннинг муносиб ўлиш ҳуқуқларига юридик баҳо беришда катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Аммо айрим мамлакатларда мазкур ҳуқуқ қонун йўли билан мустаҳкамланган. Масалан, Индиана штати (АҚШ)нинг қонун ҳужжатларига биноан инсон тириклигида қилувчи васият амал қилади. Мазкур васиятда мижоз маълум ҳолатларда ўз ҳаётини сунъий тарзда узайтирмасликни расман тасдиқлайди. 1977 йилда Калифорния штати (АҚШ)да узоқ муҳокамадан сўнг референдумда жаҳонда биринчи “Инсоннинг ўлиш ҳуқуқи тўғрисида” қонун қабул қилинди. Унга биноан бедаво дардга чалинган беморлар реанимация аппаратини узиб қўйиш истаги ифодаланган ҳужжатни расмийлаштиришлари мумкин.

Кўпгина мамлакатларда фикрларнинг қарама-қаршилигига қарамай, пассив эвтаназия жамоатчилик фикри билан, айрим мамлакатларда эса қонун ҳукми билан расмийлаштирилмоқда. Масалан, Швеция ва Финландияда ҳаётни беҳуда қувватлашни тўхтатиш орқали пассив эвтаназия қонунга зид ҳисобланмайди. Аммо шифокор даволашни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиши учун беморнинг эркин ва онгли хоҳиш-иродаси талаб этилади.

Бугунги кунда эвтаназия ҳамма ерда у қонунда рухсат этилганми, йўқми қатъи назар қўлланилмоқда. Америка шифокорлар уюшмасининг маълумотларига кўра, АҚШ касалхоналарида ҳар куни 6 минг киши ҳаётдан кўз юмади. Уларнинг кўпчилиги ўз ихтиёрига кўра тиббий ходимлар ёрдамида жон беради. Сан-Францискодаги госпиталнинг интенсив даволаш

бўлимида беморларнинг 5 % (жами ўлганларнинг ярми) ҳаёт билан таъминлаш тизимидан узиб қўйилиши натижасида вафот этган. Шу нарса диққатга сазоворки, бу қарорни шифокор беморнинг оиласи билан бамаслаҳат қабул қилган. Ваҳоланки, беморнинг хабардорликка асосланган ихтиёрий розилиги эвтаназиянинг умумий қабул қилинган мажбурий шarti ҳисобланади.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, беморлар ўлими билан боғлиқ бўлган барча ҳолатларнинг 40 % га яқини шифокорлар ҳаётни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиши натижасида ёки даволашдан бош тортиш йўли билан ёки ўлимни тезлаштирувчи дорилар ёрдамида содир бўлади¹. Эвтаназияни тақиқловчи қонун қабул қилинганлигига қарамай, уни қўллаш ҳоллари кўпайиб бораётир. Буни шифокорларнинг ўзи ҳам тан олмоқда. Масалан, БМТнинг тиббиёт бўйича собиқ директори америкалик шифокор Майкл Горвин ўзининг 50 нафар беморига ҳаётдан кўз юмишда ёрдам берганлигини тан олди.

Нидерландияда эвтаназия узок вақт қонун билан тақиқланиб келинди. Аммо 1996 йилда Олий суд ва парламент 1994 йил 14 апрел йўриқномасини тасдиқлади ва шифокор инекция қилиш ёки препаратни перорал тарзда қабул қилишни тайинлаш орқали ўз жонига қасд қилишга кўмаклашиши мумкин бўлган ҳолатлар рўйхатини белгилади. Мазкур масала юзасидан узок йиллар давом этган мунозаралар ва матбуотдаги муҳокамалардан сўнг 2000 йил 29 ноябрда эвтаназия жуда кўп шартлар билан қонунан рухсат этилди. Шу маънода З.Муҳамедова: “Айрим олимларнинг фикрича, эвтаназияни ҳуқуқий тартибга солиш тиббий нуқтаи назардан ортиқча, психологик жиҳатдан хавфли, ахлоқ нуқтаи назаридан эса нотўғри, тиббиёт тамойилларига зиддир”¹, – деб ёзади. Масалан, ҳозир МДХ мамлакатларида эвтаназиянинг барча шакллари қонун йўли билан тақиқланган. Беморни онгли равишда

¹ Акопов В.И. Медицинское право в вопросах и ответах. – М.: ПРИОР, 2001. – С. 208.

¹ Муҳамедова З.М. Биоэтика. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 87.

эвтаназияга даъват этган ёки эвтаназияни амалга оширган шахс қонунга мувофиқ жиноий жавобгар бўлади. Аммо бу билан муаммо ҳал бўлиб қолгани йўқ.

Қаттиқ азоб-уқубат чекаётган умидсиз хаста беморлар ҳақида сўз юритилганида шифокор олдида беморнинг ҳаётини қувватлашни давом эттириш ва шу тариқа уни жисмоний азоб-уқубатларга дучор қилиш керакми ёки бундай ҳаётни тўхтатган маъқулми, деган савол туғилади. Табиийки, мазкур масалани маънавий-ахлоқий нуқтаи назардан ҳал қилиш билан бирга унга ҳуқуқий баҳо ҳам бериш лозим. МДХ мамлакатларида беморга ўз соғлиғининг ҳолати тўғрисида тўғри маълумот бериш анъаналари мавжуд эмас. Одатда, беморнинг қариндошларига тўла ахборот бериш билангина кифояланадилар. Ҳозирда янги қонун-қоидалар қабул қилиниши муносабати билан бу ҳолат маълум даражада ўзгариши лозим, чунки уларга кўра ҳар бир фуқаро ўз соғлиғининг ҳолати тўғрисида тўла маълумот олиш ҳуқуқига эга.

Бугунги кунда эвтаназия масаласининг долзарблигини яна қуйидагилар билан асослашимиз мумкин: биринчидан, эвтаназия инсон ҳаёти ва унинг борлиғи билан боғлиқ антропологик муаммоларни ўз ичига қамраб олиши билан ҳам методологик аҳамият касб этади². Шу маънода мазкур муаммоларни ечишда эвтаназиянинг тутган ўрни, унга таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларнинг фалсафий моҳиятини аниқлаш заруратининг мавжудлиги ҳам бу мавзунинг қанчалик муҳим эканлигини белгилаб беради.

Иккинчидан, ҳозирга келиб эвтаназиянинг фаол ва пассив кўринишлари ҳақидаги баҳс-мунозаралар ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари ҳамда тиббиётчилар томонидан жиддий таҳлил этилмоқда. Унга кўра эвтаназия масаласини тадқиқ этишда фақатгина бир томонлама ёндашув кутилган натижаларни бермайди. Бунинг учун барча соҳа вакиллари ўзаро ҳамкорликда аниқ бир хулосага келишлари керак. Чунки инсон учун

² Фут Ф. Эвтаназия // Философские науки. – М. 1990. – № 6. – С. 62–80.

тириклик ва яшашнинг қанчалик муҳимлиги нафақат фалсафанинг, балки умуман фаннинг ҳам асосий муаммоларидан биридир. Кўпгина олимлар бу борада ўзларининг конструктив асосга эга бўлган таклиф-тавсия ва хулосаларини қайд этмоқдалар¹.

Учинчидан, ҳозирда олимлар кўпроқ пассив эвтаназиянинг имкониятларига ишонч билан қарамоқдалар². Пассив эвтаназияда шифокор бедаво дардга чалинган беморнинг ҳаёти учун курашни тўхтатади, аммо унинг ўлимини тезлатиш учун ҳеч қандай чора кўрмайди. Унга кўра ортоназиядан (оғриқни камайтириш) фойдаланган ҳолда беморнинг ҳаётини муайян муддат ушлаб туриш ва узайтиришнинг чора-тадбирларини кўриш ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Мазкур ҳолат, ҳатто ҳукуқий жиҳатдан ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Яъни “Инсоннинг ўлимга бўлган ҳукуқи ҳақида”ги қонунда бу масалалар атрофлича ифода этилган.

Тўртинчидан, эвтаназия онтологик асосга эга бўлган муаммолардан ҳисобланади. Инсон борлигининг номаълум қирралари акс этади. Ана шунинг учун, инсон ҳаётининг маъноли ва маъносиз кечишига оид экзистенциал масалалар ҳам ўзига хос тарзда ечимга эга бўлади.

Бешинчидан, эвтаназия гносеологик асосга эга бўлган муаммоларни ҳам ўз ичига қамраб олади³. Чунки файласуфларнинг ўлимни билишга бўлган интилишлари узоқ тарихий даврлар мобайнида ривожланиб борган.

Ҳозирда ҳам ўлимни англаш масаласида турли парадигмал қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг эътиборли жиҳатларини ҳолисона тадқиқ этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Лекин биоэтика бугунги кунда шифокор ва бемор муносабатларининг ахлоқий жиҳатларига, эвтаназия ва ўлимни аниқлаш, инсон аъзоларини трансплантация қилиш, ҳомила тушириш (аборт), клонлаш, ирсий инженерия масалаларига алоҳида эътиборни

¹ Рейчелс Дж. Активная и пассивная эвтаназия // Этическая мысль: научно-публицистические чтения. – М.: 1990. – С. 205-211.

² Қаранг: Поттер В. Биоэтика. Мост в будущее. – Киев: 2002. – С. 42.

³ Бэкон Ф. Опыты или наставления нравственные или политические // Соч. В 2-х т. – М.: 1971. Т.2. С. 354-355.

қаратмоқда. Бу ҳақда Н.Шермухамедова: “Давримизнинг долзарб муаммоларига муносабат билдириш жараёнида ҳозирги замон фан фалсафаси бир қанча мураккаб ҳодисаларга тўқнаш келди. Ўзига нисбатан тобора катта қизиқиш уйғотаётган пассионарлик ҳодисаси, коэволюция жараёнлари, бугунги кунда доврўқ таратган виртуал воқеалик ҳодисаси, жамоатчилик фикрини ўзига жалб қилган, фаол муҳокама қилинаётган клонлаш жараёни мана шундай мураккаб ҳодисалар жумласидандир”¹, – деб таъкидлайди.

Юқоридаги мунозаралардан биз инсонда ўлимни англаш зарурияти мавжудлигига амин бўламиз. Бундай фаолият асосида оптимизм – умидворлик ёки пессимизм – умидсизлик ётиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, инсон ҳаёти, унинг ақл-заковати, маънавий қиёфасидаги инсонпарварлик, реализм билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги тиббиёт фаннинг асосий вазифаси беморларнинг касалланиш, меҳнатга лаёқатсизлик ва ўлимнинг олдини олиш учун муносиб шарт-шароит яратиш, ҳар бир инсонга унинг генотипидан келиб чиқиб юқори даражада сифатли хизмат кўрсатишдан иборат бўлиши керак. Бироқ мамлакатимизда бу соҳага тегишли муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, баъзи ҳолларда шифокорларимизнинг эътиборсизлиги ва масъулиятсизлиги кўпгина инсонларнинг ҳаётдан эрта кўз юмишига сабаб бўлмоқда.

Хуллас, клиник ва биологик ўлимнинг намоён бўлиш жараёнини таҳлил қилиб қуйидаги хулосага келдик:

Биринчидан, ҳозирги кунда ўлим ва ўлмаслик сабабларини нафақат тиббий, балки фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш фан соҳасида олиб борилаётган илмий фаолиятлардан бири ҳисобланади. Чунки ўлим ва ўлмаслик ўртасидаги муносабатлар асосида аксеологик ҳамда антропологик муаммолар ётади. Мазкур муаммоларни тадқиқ этиш эса инсон деган сирли мавжудотни янада чуқурроқ тушуниб олиш учун муҳим асос бўлади.

¹ Шермухамедова Н.А. ХХІ аср фаннинг долзарб муаммолари / Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Университет, 2005. – Б. 195.

Иккинчидан, клиник ва биологик ўлимни тадқиқ этишнинг ижтимоий-фалсафий аҳамияти шундан иборатки, унда инсон ҳаётининг энг қадрли лаҳзалари ҳақида фикр юритади. Шунингдек, ҳар бир инсон ўз ҳаётидаги ғайритабиий ҳамда ижтимоий-маданий воқеликни англашда ўлим ва ҳаёт ҳақида фикр юритади. Зеро, қадимдан бошлаб то ҳозирги кунгача инсоният бу жумбоқли, аммо қизиқарли масалалар устида бош қотириб келмоқда.

Учинчидан, инсоннинг ҳайвондан фарқи шундаки, у ўлим нималигини билмасдан туриб, ўлим ва ҳаёт ҳақидаги муаммони англаб олишга ҳаракат қилади. Ҳаётдан ҳар ким ҳар қанча нолиши мумкин, аммо унга ҳаётдан кетишини айтсангиз ёки ўзининг ўлим олдида турганини ҳис қилса, барча чоралар билан бу дунёда қолишга жон-жаҳди билан интилади. Шунинг учун, барча яратилган махлуқот, тирик жон табиатан ўлимдан кўрқадилар ва ундан ҳазар қиладилар. Ўлимдан кўрқиш ҳиссини Оллоҳ таоло инсонлар учун онгли равишда, бошқа махлуқотларга беихтиёр, инстинктив тарзда идрок этишни ихтиёр этган ва қалбига жо қилиб қўйган.

Мустақил иш учун савол ва топшириқлар

1. Биологик ўлимнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили?
2. Европада XIX-XX асрларда клиник ва биологи кўлим ҳақидаги фалсафий қарашлар шаклланиши?
3. Америкада XIX-XX асрларда клиник ва биологик ўлим ҳақидаги фалсафий қарашларшаклланиши?
4. Рухшунос олим Зигмунд Фрейд асарларида ўлим тушунчаси?
5. Клиник ўлим ва унинг ижтимоий-фалсафий таҳлили?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш учун тест саволлари

1.— беморлар умрларининг охирини азоб-уқубат чекмай, тўлақонли маънавий ҳаёт кечиришлари учун имкониятлар яратилган даволаш маскани?

- А) Садизм
- Б) Суицид
- С) Некрофил
- Д) Хоспис

2. Қуйидаги сўзлардан қайси бири ўлим деган маънони билдиради?

- А) Табу
- Б) Мавт
- С) Клон
- Д) Кассандра

3. Клон атамасини биринчи бўлиб таърифлаб берган олимни кўрсатинг?

- А) М.Веббер
- Б) О. Конт
- С) И.Кант
- Д) Т.Ливий

4. Юн. – шох, новда, бачки – бир ўсимлик ёки ҳайвон организмидан жинссиз ёки вегетатив кўпайиш йўли билан пайдо бўлган индивидлар насли бу..... дейилади?

- А) Табу
- Б) Мавт
- С) Клон
- Д) Кассандра

5. 1935 йили АҚШда ким “Эвтаназия жамияти”ни тузади?

- А) С.К.Миллард
- Б) А.Б. Жозеф
- С) Е.Фром
- Д) Д. Карнеги

3.2. Ўзбекистонда ўлим ва барҳаётликнинг шахс маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрни

Ўлим ва барҳаётлик шахс маънавий камолотидаги энг кучли вазият. Чунки инсоннинг ўлимни англаши тузалмас касаллик, жанговар ҳаракатларда иштирок этиши ёки бошқанинг ўлими билан дуч келиши, яқин одамини йўқотиши каби ҳолатлар билан белгиланади. Шу боис, гуманистик парадигмада ҳар қандай критик вазиятни ўзига хос “ўлим билан тўқнаш келиш” сифатида қараш мумкин. Бинобарин, ғавқулдда содир бўлувчи ўлим ҳолатлари ҳар бир инсон томонидан турлича кечирилади. Яъни бир томондан хавотир ва депрессия, ожизлик ва ҳимоясизлик ҳиссининг ошиши, ҳатто ҳаётини инқирозга олиб келади. Бошқа томондан эса шахсдаги ўлим ҳисси ҳаётга мазмун бахш этиши, уни тўлиқ ва мазмунли қилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда критик вазият билан тўқнаш келиш шахс томонидан оғриқли кечади ва унинг (шахснинг) ҳаётга, ўлимга бўлган муносабати мураккаб ҳолатда намоён бўлади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўлим мавзусига қизиқиш тадқиқотчининг бутун вужуди билан унга берилиб кетишига, унинг сирларини очишга уринишига, унинг ўзига тортувчи жозибали маънавий-руҳий кучини ҳис этишига олиб келади.

Юқорида таъкидланганларнинг барчаси критик вазиятдаги кишиларга психологик ёрдам зарурлигини билдиради. Бироқ адабиёт таҳлили шахс маънавий камолотида ўлимнинг ўрнига ҳаётга алоҳида эътибор бериш зарурлигини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат Ш.Содиқова таъкидлаганидек: “...Тараққиёт пайдо бўлганидан бошлаб инсоният умрни узайтиришга, ўлимни орқага суришга интилиб келган”¹. Бизнингча, бу ҳолат шахс маънавий-ахлоқий камолотида асосий масала ҳисобланиб, инсоният умрини узайтириш, кексаликнинг олдини олиш, ўлимни орқага суриш каби омиллар сифатида намоён бўлади.

¹ Содиқова Ш. Геронтология: талқин ва ёндашувлар. – Тошкент: Академия, 2006. – Б. 22.

Шахс маънавий-ахлоқий камолотига катта таъсир кўрсатувчи ўлим туйғуси, аввало, унинг ўзига ва қадриятларга нисбатан муносабатини ўзгартиради, улар орқали инсонда критик вазиятдан чиқишга ёрдам берадиган ҳаётий стратегия шаклланади. Мазкур соҳада тадқиқот олиб борган Карлос Осис ва Эрландер Харальдсонларнинг фикрларига кўра, ўлаётган одамларнинг ҳиссиётига улар қайси миллий маданиятга ва қайси динга мансублиги ҳам катта таъсир кўрсатади. Халқимизнинг бу масаладаги дунёқараши асосини ташкил этувчи ўлим ҳисси ислом динининг муқаддас манбаларидаги ғоялар билан чамбарчас боғлиқдир. Жумладан, Қуръони Каримнинг “Ёсин” сурасида: “Инсон. Биз уни нутфадан – бир томчи сувдан яратганимизни, энди эса баногоҳ у (Ўзимизга) очик қаршилиқ қилувчи бўлиб қолганини кўрмадими?! У бизга: “Чириб кетган суякларни ким ҳам тирилтира олура?” – деб мисол келтирди-ю, (аммо) ўзининг (бир томчи сувдан) яралганини унутиб қўйди. (Эй Муҳаммад) айтинг: “У (чириган суяк)ларни дастлаб (бир томчи сув)дан пайдо қилган зотнинг Ўзи қайта тирилтирура. У (Ўзи яратган) барча халқни билувчидир”, – дейилган¹. Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратишимиз керак бўлади. Ўлим ва барҳаётлик масаласидаги аксарият саволга Қуръони Каримдан жавоб топиш мумкинлигига уламолар алоҳида эътибор берадилар. Бироқ бу ҳолат тўғридан-тўғри амалга оширилмайди. Дарҳақиқат, исломшунос олимлар Абдулазиз Мансур ва Баҳманиёр Шокир: “Расулуллоҳ алайҳиссалом вафотларидан кейин саҳобалар бирор оятни тафсир қилмоқчи бўлган чоғларида, аввало, Қуръони Каримнинг ўзидан истифода қилиб, бир-бирини шарҳ қиладиган оятлардан фойдаланар эдилар. Агар Қуръондан далил топмасалар, Расулуллоҳнинг ҳадисларида келган тафсир ва баёнлардан фойдаланар эдилар. Бу икки асосий манбадан ҳам изохот топа олмаган

¹ Қаранг: Қуръони Карим. Таржима ва шарҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 324.

кезларида, ўзларининг ижтиҳодлари ва раъйлари ила тафсиру таъвил қилишга ўтар эдилар”¹, – деб ёзади.

Ш.Содиқова фикрича: “Инсон бошида учта кулфат бор: ўлим, қарилик ва ёмон фарзандлар. Қарилик ва ўлимга чора йўқ. Бироқ ёмон фарзандларни тўғри йўлга солиш чораси бор, бу кексалар ва ота-она зиммасида”², – деб авлодлараро муносабатда қариялар ва ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги маъсулияти ислом динида кўрсатиб берилган. Шу фикрларга қўшимча сифатида, инсон бошига тушадиган кулфатлардан яна бири касаллик деб ҳисоблаймиз. Шу аснода инсон бошига тушадиган касаллик, ёмонлик, қарилик каби ташвишлар шахс маънавий камолотига салбий таъсир қилувчи омиллардир.

Инсонлар ўлимни қанчалик доира ичига олишга уринишса, у шунчалик бошқариб бўлмайдиган, кутилмаган, изоҳлаб бўлмайдиган ва кўрқинчли бўлиб қолаверади. Бундан ташқари, ижтимоийлик доирасидан сиқиб чиқариб, у бутун жамиятни ўз ичига қамраб олиб унинг ичига кириб борди: у модерннинг ижтимоий институтларига шунчалик сингиб кетдики, янги шароитларда, ҳатто ўлим жазоси ўз мазмунини йўқотади. Оммавий жамиятнинг давлат машиналари бошқаруви ва оммани манипуляция қилиш шундай қудратли қурол ва институтларига эгаки, энди ҳукмронликнинг бундай архаик воситасида ўлим жазосига эҳтиёж сезилмайди. Қамокхоналар, руҳий касалхоналар, социологик сўровлар ва бошқа ижтимоий ташкилотлар одамларнинг ўзини тутиши устидан қатъий назоратни амалга оширади, ижтимоий-маънавий жиҳатдан бегоналашган одамларни қатл этишнинг ҳожати йўқ.

Ҳозирги кунда бошқа мамлакатлар қатори бизнинг давлатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши шахснинг маънавий-ахлоқий камолотида муҳим

¹ Абдулазиз Мансур, Баҳманиёр Шокир. Мусулмончиликдан илк сабоқлар. – Тошкент: Камалак, 1992. – Б. 21.

² Содиқова Ш. Авлодлараро ворисликни таъминлашда қарияларнинг ўрни: (социологик таҳлил). Социология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси. – Тошкент: 2006. – Б. 7.

ўрин эгаллайди. Зеро, бошқа соҳаларда изчил давом этаётган ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Зеро, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасига биноан, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг қонуний ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади”². Бу эса шахс маънавий-ахлоқий камолотида ўлим ва барҳаётликнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Шахснинг руҳий камолотига таъсир қилувчи омиллардан бири инсоннинг ўз жонига қасд қилиши мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ва тиббий ислохотларига зид. Бироқ, “Ўзбекистонда тадқиқотчилар томонидан деярли ўрганилмаган. Психиатрлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг аксарияти эса ўз-ўзини ўлдиришга ҳаракат, яъни парасуицид масалаларига бағишланганлиги”³ ушбу муаммонинг мамлакатимизда ҳам долзарб масала эканлигини билдиради. Шунингдек, 2005 йил 1 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони давлатимизда жиноятга оид сиёсат ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўла мос келишининг ифодасидир.

Бизнингча, давлатимиз раҳбари томонидан ўлим жазосининг бекор қилиниши жамиятимизда инсон умри олий қадрият сифатида қадрланишидан далолатдир. Бу ҳатто ўта оғир жиноят қилиб, махсус камераларда сақланаётган инсонларнинг онги ва қалбида юксак инсонийлик фазилатларини шакллантирди.

Бу борада муҳим вазифалардан бири жамоатчилик ўртасида кенг қўламли тушунтириш ишларини олиб боришни йўлга қўйиш бўлиб, ушбу

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – Б. 7.

³ Нуриддинова М.А. Эпидемиологические и клиникопсихопатологические аспекты самоубийств: Автореферат. дис... канд. мед. наук. – Тошкент: 1994. – С. 20., Ходжаева Н.Д. Анализ социально-психологических показателей суицидов в Республике // Медицинский журнал Узбекистана. – Тошкент, 2001. - №4. - С. 68-74.

жараёнда аҳолига ўлим жазосидан воз кечиш сабабларининг мазмун-моҳияти чуқур тушунтирилиши; хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилиб таҳлил қилиниши ва қонунчиликка тегишли қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритилиши; ўлим жазоси ўрнига тайинланадиган умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси ижросини таъминлашга қаратилган ташкилий чоралар қўрилиши лозим. Жумладан, И.А.Каримов: “...мамлакатимизда бундай чора-тадбирлар татбиқ қилиниши билан бир қаторда бу жиддий синовни енгиш, ҳеч шубҳасиз, кўп жиҳатдан ҳаммамиздан аввало масъулиятимизни теран ҳис қилишни, барча имконият ва ресурсларимизни ишга солишни талаб қилади”¹ деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ўлим жазосини тўла бекор қилиш учун фуқаролар бу соҳада мамлакатда юзага келган вазиятни англаб етишлари, давлат бошлиғимиз ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган мақсадларга эришиш борасида танланган стратегиянинг сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий самарадорлигига тўғри баҳо беришлари, мазкур қарорнинг фойдали ва афзал жиҳатларини ўзлари атрофлича ўрганиб чиқишларига ёрдам бериш керак. Бунинг учун ҳамма жойда, барча даражаларда: радио ва телевидениеда, матбуот орқали, корхоналар ва фуқаролар билан суҳбатлар ўтказиш йўли билан кенг ахборот – тушунтириш ишлари олиб бориш лозим. Бунда фақат ўлим жазосини бекор қилиш зарурлигини қайд этиш билан кифояланмаслик керак. Асосий эътибор мазкур заруратни белгиловчи сабаблар ва омилларга қаратилиши лозим. Хусусан, “аҳолига қуйидагиларни тушунтириб бериш керак: биринчидан, қўйилган муаммонинг ижобий ҳал қилиниши Ўзбекистон миллий қонунчилиги билан Европа иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари қонунчилигининг янада яқинлашишига имконият яратади, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи ва обрўсини мустаҳкамлайди; иккинчидан, чинакам демократик, инсонпарвар жамиятда, шунингдек, демократия ва

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 13.

инсонпарварлик тамойилларининг тантанасига интилаётган, инсон ҳаётини олий неъмат ва инсоннинг ажралмас ҳуқуқи сифатида қўриқлаётган жамиятда ўлим жазосининг қўлланилиши мумкин эмас. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда жиноятчини ҳаётдан маҳрум этмасдан, маданий, инсонпарварлик тамойилига асосланиб ва одил йўллар билан ҳам жазолаш мумкинлигини одамлар тушунишлари лозим. Инсонни ҳаётдан маҳрум этиш Оллоҳнинг измида қолиши керак”¹.

Ўлим жазоси – инсониятга маълум бўлган энг қадимги жазо турларидан бири. Нафсиламбарини айтганда, ўлим жазоси ҳозирги талқиндаги жиноят ҳуқуқи юзага келишидан анча олдин қўлланилган. Шундай экан, у шахснинг маънавий-ахлоқий камолотига таъсир қиладиган асосий жазо турларидан бири бўлиб келган. Чунки бир инсоннинг ўлим жазосига маҳкум этилиши, бу бутун инсониятнинг маънавий-руҳий жиҳатдан ўлимга маҳкум этилганлигини ифодалайди.

Зеро дунё тажрибаси шундан далолат берадики, баъзи ҳолларда терговнинг охирига етмаганлиги, қарши далилларнинг кўплиги туфайли мутлақо бегуноҳ одамларга ўлим жазоси ҳукм этилган. Шу боис келгусида бундай мудҳиш ҳодисанинг олдини олиш мақсадида прогрессив давлатларда ўлим жазоси бекор қилинмоқда. Шунга кўра, юқорида таъкидлаб ўтилган ўлим жазоси, шахс маънавий-ахлоқий камолотига таъсир қилувчи ёвузликка қарши ёвузлик кўрсатиш ҳисобланади.

Охирги ўн йилликда жаҳонда ўрта ҳисобда йилига учтадан давлат барча турдаги жиноятлар учун ўлим жазосини бекор қилди. Тарихда биринчи бўлиб ўлим жазоси АҚШнинг Мичиган штатида 1846 йилда бекор қилинган эди. Европада эса 1867 йилда Португалияда ушбу жазо бекор қилинди. 1990 йилдан 35 тадан ортиқ давлат ва ҳудудий тузилма барча турдаги жиноятлар учун ўлим жазосини таъқиқлади. Улар орасида “Африка давлатлари

¹ Пайзуллаев Қ.П., Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.А. Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда. – Тошкент: Turon-Iqbol, 2005. – Б. 4.

(масалан, Ангола, Кот-Д'Ивуар, Маврикий, Мозамбик, Жанубий Африка Республикаси), Шимолий ва Жанубий Америка давлатлари (Канада, Парагвай), Осиё ва Тинч океани минтақаси давлатлари (Батун, Гонконг, Непал, Самоа, Туркменистон), шунингдек, Европа ва Жанубий Кавказ (Озарбайжон, Грузия Кипр, Польша, Сербия ва Черногория, Украина) давлатлари бор"¹. Бу ҳолат жиной жазо тури ҳисобланган ўлим жазосининг дунё миқёсида асосий масала эканлигидан далолат беради.

Чунончи, энг демократик давлатлардан бири АҚШнинг 50 штатидан 38 тасида ўлим жазоси назарда тутилган. Ушбу мамлакатлардаги сиёсий эркинлик даражаси, анъаналари ва маданияти, иқтисодиёт ва ҳуқуқий тизимларининг ривожланиш даражаси бир-биридан жиддий фарқ қилади, аммо барчасида ўлим жазоси сақланганлиги уларни бирлаштириб турувчи омилдир.

1999 йили бўлиб ўтган ўлим жазосини бекор қилиш масалалари бўйича Бутунроссия конференциясида эълон қилинган маълумотга кўра, 1999 йилнинг апрелигача БМТга аъзо 185 мамлакатдан 112 таси ўлим жазосини бекор қилган, қолган 73 мамлакатдан 40 тасигина бу жазони охириги бир йил ичида амалда ижро этган².

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилдаги Жиноят кодекси 51-моддаси иккинчи қисмига биноан ўлим жазоси 60 ёшдан ошган эркакка ва аёлга нисбатан тайинланиши мумкин эмас. Инсон ҳаракат билан тирик. Бу тириклик асосини табиий жисмоний ҳаракат ташкил этади. Жисмоний маданият ҳаракатлар занжири. Қачонки бу занжир узилса, инсон умри ҳам узилади. Жисмоний маданият, кенг маънода, инсоннинг барча табиий ва ижтимоий қобилиятларини рўёбга чиқарувчи, уни тобора инсонийлаштириб, ҳам жисмоний, ҳам маънавий чиниқтириб, юксалтириб

¹ Пайзуллаев Қ.П., Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.А. Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда. – Тошкент: Тугон-Иқбол, 2005. – Б. 126.

² Всероссийская конференция по проблемам отмены смертной казни // Москва, 3-4 июня 1999 г. – М., 2000. – С. 119. (Сержио Делила (Италия) маърузаси).

борувчи жараёндир. Бу ҳақда Т. Маҳмудов: “Жисмоний маданиятдан тобора узоқлашиб борган сари киши ўз умрига ўзи болта уради. Унда лоқайдлик, сояпарварлик, дангасалик, ишёқмаслик, оқбилаклик, текинхўрлик сингари хунуклик аломатлари кучаяди”², – деб таъкидлайди. Мазкур фикрлардан, инсон маънавий камолотида асосий ўринни эгаллайдиган жисмоний маданиятдан тобора узоқлашиб борса, нафақат юқоридаги ҳолатлар балки, касаллик ва ўлим сабаблари ҳам вужудга келади деган хулоса келиб чиқади.

Ўлим ва барҳаётлик ғояларини ахлоқий нуқтаи назардан тадқиқ этиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ўлим ва ўлмаслик ахлоқшуносликдаги энг мураккаб категориялардан биридир. Зеро, ўлим олий қадрият бўлмиш инсон ҳаётини кесиб қўяди, унинг эзгуликлар, яхшиликлар қилишга бўлган имкониятини йўққа чиқаради. Масалан, Ибн Сино, жуда бўлмаганда, яна ўн йил яшаганида (67 ёшга кирганида) қанчадан - қанча эзгу ишлар қилган, фалсафа, тиббиёт ва бадиий адабиёт соҳасида кўплаб буюк асарлар яратган бўлар эди. Ўлим уни, у орқали бизни ҳам ана шу маънавий эзгуликлардан маҳрум қилди. Демак, ўлим фақат биологик ёки табиий тушунча эмас, унинг моҳияти ахлоқийлик билан чамбарас боғлиқ.

Баъзи тадқиқотчилар, чунончи И.В. Вишев эса ўлим ва ўлмасликнинг турли ижтимоий-ахлоқий ва диний асосларини фалсафий жиҳатдан тадқиқ этган. Масалан, “инсон космосга чиқмасдан олдин, космос ҳақида фикрлаган, илмий ишлар олиб борган эди, ўлмаслик ҳақида ҳам шундай фикр билдирса бўлади, фан тараққиёти шунга олиб келиш мумкин деган ҳаётбахш руҳдаги гипотезани илгари суради. Айни пайтда бу масалада “амалдаги ўлмаслик” тушунчаси билан “ўлмаслик” тушунчасини қориштириб юбормаслик муҳим шарт” эканини таъкидлаб ўтади¹. Демак, ўлмаслик мавжуд ва у ахлоқий тушунча сифатида олиб қаралиши лозим. Шу маънода ахлоқий юксак,

² Маҳмудов Т. Комиллик асрорлари. – Тошкент: Адолат, 2006. – Б. 82.

¹ Вишев И.В. Проблема личности бессмертия. – Новосибирск: Наука, Сибирское отделение, 1990. – С. 217.

фидойи, ижтимоий – ахлоқий идеалга айланган инсонларгина абадийликка дахлдордир.

Айтиш жоизки, ҳаёт ва ўлим муаммолари фалсафада, динда, санъатда кенг намоён бўлиб ҳар хил тарихий ва диний маданиятда тез-тез учраб туради ва шуни кўрсатадики, ҳар бир маданият, ҳар хил фалсафий фикрлаш усули ўлим ва ҳаётнинг бирин-кетинликда ўзаро узвий алоқадорликда, гармоник муносабатларнинг ҳар хил даражасида эканлигини таърифлайди. Бу борада С.Н.Булгаков: “Борликдаги ҳаёт ва ўлим, мутлоқ борликда келиша олмайди, чунки улар ўртасидаги кураш борлиқнинг ичида содир бўлмоқда ва бу кураш фақат ўлимли ҳаётни қўллаб-қувватлайди”², – деб таъкидлайди.

Рус олими Н.Н.Трубников: “ўлим ҳаётни тақозо этади, ҳаётдан бошланади ва ҳаёт билан якунланади. Ҳаётнинг якуни ўлимнинг якунидир, яъни ўлимнинг ўзи йўқ, лекин ўлиш бор”³, – деб таъкидлайди. Ўлим борлик ва йўқлик ўртасидаги чегарани бузиб ўтади. Лекин файласуф олим Г. Бердышев эса: “тирик организмда ўлим ҳаётнинг зарурий таркибий қисмидир. Организмнинг кўпгина бўлаклари ўлиб бораётганлиги учун инсон яшайди”⁴, – деб ҳисоблайди. Инсоннинг микронамоёнида ўлим бутун ҳаёт маконига тарқалади. Ўлим ва ҳаёт ўртасида гармония (уйғунлик) ғояси танатологик тадқиқотларга катта фойда келтиради.

Инсониятнинг маънавий-ахлоқий маданиятида доимо ҳаёт ва ўлим муҳим аҳамиятга эга бўлган. Вояга етган ҳар бир инсон ўлим ва барҳаётлик ҳақида фикрлай бошлайди. Инсон шеърлар, асарлар, спектакллар, фожеавий асарлар, хатлар ва кундаликлар орқали ўлимга ўз муносабатини билдиради. Фақат болалар ва ёши ўтган қарилар ўлим ҳақида ўйлашдан озод бўлиши мумкин. Бу хусусда, “Ҳамма нарса устидан, – деб ёзади Сенека, – ўлим ҳукмрон; ўлим дунёда ҳаммани тенглаштиради, лекин бу дунёда у кимгадир

² Булгаков С.Н. Тўпламлар. – М.: 1993. Т.1. – Б. 81.

³ Трубников Н.Н. (Ҳаёт мазмуни ҳақида китоб) Квинтэссекция. Фалсафий альманах. – М.: 1990. – Б. 445.

⁴ Бердышев Г.Д. Реальность долголетия и иллюзия бессмертия. – Киев: 1989. – С. 701.

шуҳрат келтиради – кимгадир лаънат”¹. Бу ерда Сенека ўлимнинг ижобий ҳамда салбий ҳолатларига эътибор қаратади. Кўпинча биз, эвфемизмлар билан ўлим ва ўлиш ҳақида гапирамиз. Ўлимни бизга таниш бўлган нарсалар билан солиштирамиз. Бундайлардан энг кенг тарқалгани ўлимнинг уйқу билан солиштирилишидир. “Ўлим-уйқуга кетиш” ёки “уйқу-ўлим” деймиз ўзимизга-ўзимиз. Бундай таърифни кундалик фикрлаш-у, кўп маданият ва даврлар адабиётларида учратамиз. Бу иборанинг қўхна Юнонистонда ҳам одатий ҳол эканлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Гомер “Илиада” асарида уйқуни “ўлимнинг биродари”² деб таъкидлайди. Бизнинг замонавий тилимизга назар солайлик, “ухлатиш” (кимнидир ўлдириш). Масалан, ветеринардан итингизни “ухлатиш”ни (заҳарлаб ўлдиришни) илтимос қилганингизда бошқа нарсани назарда тутасиз, агарда анестезиологдан ўз турмуш ўртоғингизни “ухлатиш”ни (беҳуш қилишни) илтимос қилганингизда бошқа нарсани назарда тутасиз. Қаранг сўзлар бир хил, маъноси турлича.

Мамлакатимизда суицид, ўз жонига қасд қилиш ҳамда ўлим сабабларини ўрганиш мақсадида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Республика патологик анатомия маркази ҳамда суд-тиббий экспертиза марказлари фаолият олиб бормоқда.

Жумладан, “Ўзбекистонда ҳам тугалланган суицид ҳолларининг эпидемиологияси, уларнинг юзага келишда аҳамиятли бўлган хавфли омиллар, ҳудудий хусусиятлари, мазкур ҳолатларда суд-тиббий экспертиза хизматини ташкил этиш, мавжуд хато-камчиликларни аниқлаш орқали уларни янада такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир”². Шундай экан, мамлакатимизда ҳам ўз жонига қасд қилиш ҳамда ўз-ўзини ўлдириш ва шунга ўхшаган бир қанча инсон ҳаётига зид

¹ Сенека Л.А. Нравственное письмо к Луцилию. – Кемеровское книжн. Изд-во, 1986. – С. 238.

² Қаранг: Раймонд Моуди. Ўлимдан кейинги ҳаёт. Таржимонлар Мансур Тенглашев, Аҳмад Отабоев. – Тошкент: Спитамен, 1992. – Б. 12.

² Гиёсов З.А., Махсумхонов Қ.А. Суицид ҳолатларининг суд-тиббий масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 25.

бўлган ҳолатларни суд-тиббий экспертиза нуқтаи назардан аниқлаб, уларга қарши турли хил чора-тадбирлар амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Суицид натижасидаги ўлим турлари қуйидагича таснифланди: “1- ўзини-ўзи осий натижасида юзага келган механик асфиксия, 2- ўткир захарланиш, 3- ўзини-ўзи ёқиш ҳоллари, 4- баландликдан ташлаш, 5- темир йўл жароҳати, 6- қон томирини кесиш, 7- ўзини-ўзи отиш”². Суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича бошқа ўлим турлари кузатилмаган деб қасддан ва тўсатдан содир этилган ўлим ва ўзини-ўзи ўлдиришнинг сабаблари қандай ҳолатларда вужудга келишини аниқлашда суд-тиббий экспертиза алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтадилар.

Суицид ўз жонига қасд қилишнинг камида иккита шакли мавжуд. Уларнинг биринчиси – ҳиссийли суицид бўлиб, у одам ўзини барча шаклларда иррационал ўлдиришини англатади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, «Хемлок» жамиятининг суициднинг мазкур шакли борасидаги қарашлари Америка суицидология Ассоциацияси¹ ҳамда барча бошқа ҳамжамиятларнинг нуқтаи назари билан бир хил бўлиб, у имконияти бўлган барча ҳолатларда бундай суициднинг олдини олиш зарурлигини уқтиради. Биз психологик касаллик ёки турмуш қийинчиликларини баҳона қилиб, ўз жонига қасд қилишнинг бирор бир шаклини ҳам маъқулламаймиз.

Аммо бизнингча, суициднинг иккинчи шаклини ўринли суицид, деб аташ мумкин. У рационал тарздаги ва олдиндан режалаштирилган ўз жонига қасд қилиш орқали ўзини халос этишни англатади. Бошқача айтганда, у суициддан восита сифатида фойдаланувчи автоэвтаназиядир.

Суицидни маънавий-ахлоқий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги сабабларни эътиборга олиш мумкин: биринчидан, одамга чидаб бўлмас даражада азоб бераётган тузалмас дардга чалинганлиги. Бунда инсон

² Ғиёсов З.А., Махсумхонов Қ.А. Суицид ҳолатларининг суд-тиббий масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 29.

¹ Ўз жонига қасд қилишга уринаётган ёки уринган одамларга махсус тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи ташкилот.

Ўз жонига қасд қилиш йўли билан ўзини барча дарддан халос этади. Иккинчидан, оғир жисмоний ногиронлик ҳолати бўлиб, одам маълум бир мулоҳазалар ва машқлардан кейин ҳам турмуш кечиришнинг бундай чекланганлик ҳолатини қабул қила олмайди. У ўз жонига қасд қилишнинг камдан-кам учрайдиган ҳолати ҳисобланади. Тарихда Элизабет Бовиа хоним томонидан қўзғатилган суд жараёни бу ҳолатга мисол бўла олади¹. Бу борада яна қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ:

а) Инсон ҳаётига хавф солувчи касаллик аниқлангани ҳақидаги биринчи хабар олиниши биланоқ ўз жонига қасд қилиш орқали дарддан халос бўлишга уринмаслик керак. Зарур тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш зарур. Ўлимга олиб келиши мумкин бўлган оғир дардга чалингани ҳақидаги хабарни олиши билан ўз жонига қасд қилиш тўғрисида қарор қабул қилинишини ёқлаб бўлмайди.

б) Даволовчи шифокорга бу ҳақда айтиш керак ҳамда унинг фикрини эътиборга олиш лозим. Шифокорнинг фикри қандай бўлиши табиийки, вазиятга боғлиқ бўлади. Аммо шунга қарамай, бемор ўз қароридан шифокорни хабардор этгани маъқул, чунки у оғир руҳий ва жисмоний оғрик ҳолатида ташхисни нотўғри эшитган ёки тушунган бўлади.

в) Ўз жонига қасд қилган одам бу иши бошқаларнинг жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлмаслиги чорасини кўриши керак. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, суицидни амалга оширишда ёрдам бериш, жиноят ҳисобланади.

г) Инсон ўз жонига қасд қилишни очик баён этган ҳолатда хат қолдириш керак. Агар ўз жонига қасд қилиш меҳмонхонада, касалхонада ёки бошқа бир жамоат муассасасида амалга оширилса, бу муассаса

¹ Туғма фалажликдан азият чекиб келаётган Элизабет Бовиа хоним яшашдан маъно йўқ деган хулосага келади ва 1993 йилда Калифорниядаги касалхоналардан бирига ётади ҳамда ўлишни истаётгани боис овқат ейиш ва даволанишдан бош тортишини эълон қилади. Касалхона бу борада Элизабет хоним билан ҳамкорлик қилишни истамайди ва судга уни мажбуран овқатлантиришга рухсат берувчи қарор чиқаришини сўраб мурожаат этади. Аммо суд жараёни Элизабет хоним фойдасига ҳал бўлади. У мазкур суд жараёни туфайли машҳур бўлиб кетгач, ўз қарорини ўзгартиради, яъни ўлишни истамайди.

маъмуриятидан ўзи етказган ноқулайликлар учун узр сўраб хат қолдиришни ҳам унутмаслик керак. Чунки суицидни амалга оширишда ёрдам бериш жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкинлиги боис айрим кишилар ўз яқинларини хатарга қўйишни исташмайди ва бу ишни бирор бир бошқа жойда амалга оширишни маъқул кўрадилар.

Инсон ўз жонига қасд қилишнинг ўрнига хосписга бориши керакми? Мухтасар айтганда, хоспислар барча ишларнинг энг ёмонини жуда яхши бажаради. Бажарганда ҳам юксак маҳорат ва муҳаббат билан амалга оширади. Эвтаназиячилик ҳаракати уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Аммо барча ҳам бундай хайрия кўринишида ўлимнинг ортга сурилишини истамайди, бундай даволаш ва қаровга рози бўлмайди. Гарчи хоспислар қўлларидан келган ҳамма ишни қилса-да, улар яқинлашиб келаётган ўлимни мўъжизавий тарзда ўтказиб юбориш имкониятини яратиб бера олмайдилар. Энг яхши хосписларда ҳар бир бемор учун энг қулай шароитлар ва юқори савиядаги қаров ташкил этилганини ҳам эътироф этмай илож йўқ. Яқинда олиб борилган тадқиқотларда кўрсатишича, кўпгина касалхоналар хосписларнинг стандартларини ўзларига мослаштириб олишган. Бу эса хоспислар томонидан таълимий ишлар жуда яхши йўлга қўйилганлигини кўрсатади¹. Бизнингча, эвтаназия ва хоспис тарафдорларининг манфаатлари бирор бир нуқтада кесишади, деб ўйлаш нотўғри. Чунки уларнинг ҳар бири мутлақо бошқа-бошқа қадриятларга амал қилувчи турли тоифадаги кишиларга мўлжалланган.

Хуллас, биринчидан, ўлим ва барҳаётлик муаммолари нафақат ҳозирги даврда, балки азал азалдан фалсафа, бошқа ижтимоий фанларнинг муаммоси сифатида ўрганилиб келинмоқда. Ҳозирда унинг шахс маънавий камолотига таъсир қилиш хусусиятларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан асослаш эътиборли масалалардан ҳисобланади. Ўлим ва барҳаётликнинг рамзий

¹ Robert El. Kane et al A. Randomized Controlled Trial of Hospice (The Lancet 1984. N 8382. April 21). Pp.891-893

маънодаги ғоялари ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда устувор аҳамият касб этади.

Икинчидан, Ўзбекистонда шахс маънавий-ахлоқий камолотига салбий таъсир қилувчи кексалик, касаллик, биологик ва ижтимоий ўлим каби тушунчаларни тўғри оқилона тушунтириш ҳамда ўлим ва барҳаётликнинг маънавий-руҳий асосларидан фойдаланиш ушбу соҳага бўлган эътиборни янада оширади.

Учинчидан, Ўзбекистонда 2005 йилдан ўлим жазосининг бекор қилиниши мамлакатимизда инсон умри энг олий қадрият эканлиги ва ҳар қандай жиноятчи ўзининг қилмиши учун қамокда ўтган кунларида пушаймонлик туйғусининг шаклланишига имкон беришидан далолат беради.

Тўртинчидан, мамлакатимизда суицид ҳолларининг 2000 йилга нисбатан умумий ҳолда 23 % га камайгани халқимизнинг маънавий-руҳий ҳолатида умрга муносабатнинг ўзгаргани ва ҳар қандай муаммоли вазиятдан оқилона ёндошув билан чиқиш имконияти борлигини тушунганлигидан далолат беради.

Учинчи боб бўйича чиқарадиган хулосалар:

- Ўлим феноменининг маънавий-ахлоқий масалалари шундай жараёнки, у ҳар бир инсонни кучли ва даҳшатли эмоцияга олиб келади. Ўлим феномени табиий ҳодиса бўлиб биологик эволюцияда доимо алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда ўлимга муносабат ўзгарди, чунки ўлим маънавий маданиятнинг марказий мавзусига айланмоқда, яъни ҳозирга келиб ўлим масаласи технологик жиҳатдан баҳоланмоқда. Жумладан, у сотилади ва сотиб олинади, унинг янги шакллари пайдо бўлади, яъни виртуал ўлим, эвтаназия, жамоа ошкора ўлими, террордан ўлиш ва бошқа жиҳатлар мавжуд. Лекин биз учун бундай вазиятлар муаммони ёритишда ахлоқсизлик жиҳатларини келтириб чиқаради.

- Ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги тасаввурлар фақатгина диний характерга эга эмас. Чунки уларнинг асосида маънавий-ахлоқий ғоялар, қонун-қоидалар ва тамойиллар ётади. Яъни ўлим ва барҳаётлик бу эзгулик, ватанпарварлик, озодлик, эркинлик, инсонпарварлик, шукроналик, маърифатпарварлик, меҳнатсеварлик, жасорат, қаҳрамонлик каби ахлоқий тамойилларнинг намунасидир.

- Ўзбекистонда ҳам танатология бўйича йирик мутахассисларни тарбиялаш имконияти юзага келмоқда. Уларнинг бу соҳада қўлга киритган ютуқлари жаҳон илмий ҳамжамиятининг эътиборини ўзига жалб этмоқда. Чунки танатология бўйича илгари сурилаётган аксарият ғояларни алломаларимиз ўз давридаёқ қайд этиб ўтганлар. Шунинг учун ҳам биз уларга муносиб авлод сифатида иш тутишимиз керак.

- Маълумки, оғир хаста беморлар алоҳида парваришга муҳтож бўлади. Бундай беморларни парвариш қилиш бўйича тиббий амалиёт масаласи турли мамлакатларда иқтисодий имкониятлар, диний ва миллий анъаналар, қариликка ҳурмат, беморлар ва ожизларга ёрдам кўрсатишга тайёргарлик даражасига қараб ҳал қилинади.

Мустақил иш учун савол ва топшириқлар

1. Ўлим феноменининг маънавий-ахлоқий масалалари?
2. Ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги тасаввурларнинг диний кўринишдаги тахлили?
3. Ўзбекистонда Ўз-ўзини ўлдириш суицид ҳолатларининг илмий статистик тахлили?
4. Ўлим ва барҳаётликнинг шахс маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрни?
5. Осиё мамлакатларида Ўз-ўзини ўлдириш суицид ҳолатларининг илмий статистик тахлили?

Билим ва кўникмаларни баҳолаш учун тест саволлари

1. Тарихда биринчи бўлиб ўлим жазоси қаерда бекор қилинган?

- А) Белгия
- Б) Франция
- С) Швецария
- Д) АҚШ

2. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилдаги Жиноят кодекси 51-моддаси иккинчи қисмига биноан ўлим жазоси неча ёшдан ошган эркакка ва аёлга нисбатан тайинланиши мумкин эмас?

- А) 60
- Б) 65
- С) 70
- Д) 72

3. Ўзбекистонда ўлим жазоси қачон бекор қилинди?

- А) 2001 йил
- Б) 2002 йил
- С) 2005 йил
- Д) 2007 йил

4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддасига биноан, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг қонуний ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади ?

- A) 17-модда
- Б) 24- модда
- С) 31- модда
- Д) 41- модда

5. 1990 йилдан тадан ортиқ давлат ва ҳудудий тузилма барча турдаги жиноятлар учун ўлим жазосини таъқиқлади ?

- A) 25
- Б) 35
- С) 45
- Д) 60

ХУЛОСА

XX аср фан соҳасидаги ютуқлардан бири танатологиянинг вужудга келиши. Фалсафа ва фанда ҳозиргача ўз илмий изоҳини топмаган жуда кўп масалалардан бири ўлим ва унинг феноменологик таҳлилидир. Ҳозирги кунда ўлим ҳодисаси фалсафа ва фаннинг илмий тадқиқот соҳаларига киритилган бўлиб, бу борада жуда кўп файласуф ва олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Яъни фалсафа ва фаннинг турли тадқиқот усуллари ва технологияси асосида ўлимнинг сир-синоатини чуқурроқ англашга, унинг ортидаги ҳақиқатларни излаб топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида баъзи олимлар ўлимдан кейинги ҳаёт тушунчасига ҳам аниқлик киритишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Бу йўналишдаги тадқиқотлар бизга ҳали ҳам номаълум бўлган ўлим масаласини янада чуқурроқ тушуниш ва тушунтиришга ёрдам беради. Ҳозирда ана шундай кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган ўлим муаммосини ҳал этишда турли соҳа вакиллари ўз тадқиқот объектлари ва предметида келиб чиққан ҳолда муносабат билдирмоқда. Шундай экан, ўлимга бугунги кунда бир лаҳзали ҳодиса деб эмас, балки бир нечта босқич – нафас олиш ва юрак уриши тўхташи, мия фаолиятининг тўхташи, организм хужайраларининг бузилишидан иборат жараён деб қаралади. Ўлим ва ўлиш фарқланади. Ўлимдан кўрқиш ҳақида сўз юритар эканмиз, биз кўпинча ўлиш, оғриқ ва азоб-уқубатлардан кўрқишни назарда тутамиз. Ҳозирги замон тиббиётида шундай бир жумбоқ вужудга келди, у ўлимнинг олдини олишга қодир эмас, аммо ўлиш жараёнини узоқ вақт қувватлаб тура олади. Мазкур ҳолатни фалсафий таҳлилдан ўтказиш ҳаёт ва ўлим ҳақидаги кўпгина анъанавий қарашларни қайта кўриш, шунингдек, айрим эски диний тасаввурларга янгича назар ташлаш имконини беради.

Тиббиётда бу масала юзага келаётган ахлоқий муаммоларни ҳар томонлама муфассал ишлаб чиқишни, кенг муҳокама қилишни ва ҳуқуқий қарорлар қабул қилишни тақозо этади. Ахлоқий жиҳатдан баҳсли масалалар

бўйича олимлар, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, дин арбобларидан олинган маълумотлар билан жамоатчиликни таъминлаш, улардан мижоз фойдаси, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида фойдаланиш зарур. Ахлоқий жиҳатдан муҳим қарорлар қабул қилишда тиббиёт ходимлари билан бир қаторда жамоатчиликнинг иштирок этиши биоэтиканинг муҳим жиҳатларидан бирига айланди. Шунингдек, биоэтиканинг анъанавий муаммолари генетика, клонлаш, ҳомила тушириш (аборт), евгеника, эвтаназия, ўз-ўзини ўлдириш (суицид) ва ҳоказоларнинг ахлоқий масалалари муҳокама қилинди. Шу сабабли бўлажак мутахассисларда (фақат шифокорларда эмас) фалсафий маданият ва дунёқарашни, бой маънавий оламни, умуминсоний маънавий қадриятларни, шахсий масъулият ҳиссини, мустақил ва ижодий фикрлаш тарзини шакллантириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги тараққиёт муаммолари инсониятнинг узок муддат тадрижий ривожланиши, сайёрамиз тарихида унинг ўрни ва ролининг ўзгариши натижасидир. Улар инсоннинг қизгин фаолияти ва унинг миллион йиллар давомида шаклланган табиати таъсирида вужудга келган. Шунинг учун ҳам, ирсий инженериянинг ривожланиш истиқболлари муносабати билан юзага келган долзарб ижтимоий-ахлоқий муаммолар этиканинг инсонпарварлик тамойиллари асосида кенг миқёсда ҳал қилиниши керак. Бироқ, шу билан бирга, янги генлар яратиш билан боғлиқ хавф-хатарлар жиддий эканлигини ҳам унутмаслик керак. Бунда олимларнинг алоҳида масъулияти нафақат инсонийлик нуқтаи назаридан, балки, энг аввало, улар илмий тадқиқотлар хусусиятини ва уларнинг натижаларидан фойдаланишнинг ҳар хил имкониятларини бошқалардан яхшироқ тасаввур қилиши билан белгиланади.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ва тиббий муаммолардан бири бўлган ўз-ўзини ўлдириш билан боғлиқ ўлим ҳоллари суд тиббиёти фани ва амалиётида ҳам ўта долзарбдир. Ўзбекистонда суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича тугалланган суицид ҳодисалари фақат эпизодик тарзда

ўрганилганлигини инобатга олган ҳолда, ушбу тадқиқотимизда кўрсатилган натижаларни ҳамда мазкур ҳодисаларнинг юзага келишига мойиллик яратувчи хавфли омилларнинг ўрни, аҳамияти ва хусусиятларини суд-тиббий экспертиза ва суриштирув-тергов маълумотлари асосида тушунтириш алоҳида қизиқиш уйғотади.

Ўз-ўзини ўлдириш ҳолатларида суриштирув-тергов ҳаракатларининг муваффақиятли олиб борилишида мурданинг суд-тиббий экспертизаси натижаларининг ўрни, аҳамияти шубҳасиз бўлиб, бунда мавжуд жароҳатларнинг характериға кўра уларнинг ҳосил бўлиш механизми, иш тафсилотига ва тахмин этилаётган жисмға мутаносиблиги каби масалалар ҳал этилади. Суд-тиббий экспертиза материалларини ўрганиш эса ушбу экспертизаларни тайинлаш, ташкил этиш ва ўтказиш босқичларида қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан, мазкур ҳолатларнинг барчасини суд-тиббий экспертиза текширувлари билан қамров ҳолатининг талаб даражасида эмаслиги, биринчидан, ҳодисаға ҳуқуқий баҳо бериш имкониятидан маҳрум этса, иккинчидан, улар тўғрисида объектив маълумот олиш, режали тарзда ўрганиш, шунингдек, суицид ҳодисаларининг олдини олишға қаратилган профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқишға салбий таъсир этади. Экспертиза олдиға қўйилаётган саволларнинг мавҳумлигини, айрим ҳолатлар эса иш тафсилотига мос келмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу ўринда ҳар иккала воқеа ҳолатидан келиб чиқиб, экспертиза текширувларига мувофиқ тарзда саволлар тузилиши мақсадға мувофиқлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Тугалланган суицид ҳолатларини ҳар томонлама тадқиқ этиш, уларнинг шаклланишиға таъсир этувчи хавфли омилларни ўрганиш, ушбу ҳодисалар сонини камайтириш, олдини олишға қаратилган самарали профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда муҳим аҳамиятға эға.

Танатология соҳасида илмий билимлар тўпланиб, геронтология, эсхатология, умумий танатология, хусусий танатология, суд-тиббий танатология, назарий танатология, эмперик танатология, ғарб танатологияси каби йўналишларида илмий тадқиқот олиб бораётган мутахассислар юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ўлим ва барҳаётликнинг ривожланиш истиқболлари муносабати билан юзага келган долзарб муаммолар ижтимоий-фалсафий жиҳатдан эътиборга олинishi лозим. Бунда олимларнинг алоҳида масъулияти нафақат инсонийлик нуқтаи назаридан, балки, илмий тадқиқотлар хусусиятини, уларнинг натижаларидан фойдаланишнинг ҳар хил имкониятларини бошқалардан яхшироқ тасаввур қилиши билан боғлиқ. Ўлимнинг инсон ҳаётига бевосита салбий таъсир этишини инобатга олган ҳолда, тадқиқотдан ғайриинсоний мақсадларда фойдаланиш шахснинг маънавий-ахлоқий келажагига хавф туғдиради.

Дунё мамлакатларида асосий масала ҳисобланган ўлим жазоси доим қизгин баҳсларга сабаб бўлиб келган. Бу мавзу ўтмишда ҳам фаол муҳокама қилинган, ҳозир ҳам долзарб аҳамиятга эга, келажакда ҳам муҳокама қилинади. Мазкур муҳокама бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ахлоқий, диний ва сиёсий ёндашувларни ўз ичига олади. Ўлим жазосининг ўзига хос хусусияти, унинг ҳозирги жамият фундаментал қадриятлари билан узвий боғлиқлиги, аксарият мамлакатларнинг ҳуқуқ тизимларига мазкур жазо яқинда киритилганлиги, ушбу масалага нисбатан жамоатчилик фикри, илмий қарашлар, сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар ўртасидаги тафовутлар буларнинг барчаси ўлим жазоси муаммосининг муҳимлигини маълум даражада тушунтиради. Балки ўлим жазоси жазоларнинг энг маъқули эмасдир. Инсонни ҳаётдан маҳрум қилиш, ҳатто бу қонунга мувофиқ амалга оширилган тақдирда ҳам, жамиятдаги зиддиятларни ҳал қилишнинг энг яхши воситаси эмас. Шундай экан, бугунги кунда ўлим жазосининг тарафдорлари сони камайиб бормоқда. Зеро, инсон ҳаёти қадрият сифатидаги қимматининг эътироф этилиши мазкур жазо турига бошқача назар ташлашга мажбур

қилмоқда. Ўлимни жазо тури сифатида қўллашга қаршилар ўлим жазоси жиноятчиликни тўхтатишга ва жамиятнинг маънавий негизларини мустаҳкамлашга қодир эмаслигига инсоният ўз тажрибасида иқдор бўлмоқда, деб эътироф этишмоқда. Муайян даражада инсон ўлимига сабаб бўладиган қилмишлар жиноят қонунлари томонидан ижтимоий хавфли деб тан олинади, чунки ҳар бир инсон ҳаёти ижтимоий қадрият ҳисобланади.

Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддасдир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг энг асосийси ҳисобланмиш яшаш ҳуқуқининг конституция даражасида мустаҳкамланиши ўз навбатида давлат олдида инсон ҳаётини ҳимоялаш ва унга бўладиган турли хил ижтимоий хавфли тажовузларнинг олдини олишнинг амалдаги механизмини яратишдек ўта масъулиятли вазифани қўяди.

Ҳозирги вақтда реанимация тиббиёти тажрибаси жуда кўп долзарб: “онгнинг терминал ҳолатида макон ва вақт”, “ўлим даҳшати ва кўркуви”, “терминал касалликлар”, “ўлим фожеаси ва мотам терапияси”, “азобларнинг моҳияти” каби масалаларни ўртага қўймоқда. Танатологиянинг ютуқлари билан биргаликда салбий оқибатлари ҳам мавжуд. Ўлим ва барҳаётликнинг маънавий негизи қандай? Клиник ўлимни мақсадли амалга ошириш чоралари нимада? Касаллик, турли вакциналар билан инсон умрини узайтириш, ўз жонига қасд қилиш сабаблари нимада? Танатология соҳасининг “тафалогия”, “тафогенез”, “нейрология”, “тафаномия”, “морасфера” “патаногенез” каби муаммоларининг ечими нималардан иборат? Юқоридаги мураккаб масалалар тиббиёт ходимларидан янада кўпроқ изланишни ва уларни амалга татбиқ қилишда масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Бу борада яна қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозимдир:

Биринчидан, ҳозирги кунда фан соҳасидаги илмий изланишлар айрим тадқиқотларнинг, хусусан, танатологиянинг эпистемологик хусусиятларини фалсафий жиҳатдан ёритишга ҳаракат қилмоқда. Чунки илмий билишда

яъни эпистемологияда танатологиянинг баъзи хусусиятларини ўрганиш ҳозирги замон фанининг янада ривожланишига туртки бўлади. Танатология фаннинг бир соҳаси, яъни микрофан сифатида ўзининг мутахассисларини жалб этади.

Иккинчидан, илм-фан тараққиёти натижасида танатологиянинг эпистемологик ва гносеологик жиҳатларига нафақат ғарб фалсафасида, балки шарқ фалсафасида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бизга маълумки, ғарбда экзистенциализм, яъни мавжудлик фалсафаси, шарқда эса таносух, яъни реинкарнация, жоннинг бир танадан иккинчи танага кўчиб юриши каби фалсафий таълимотлар мавжуд.

Учинчидан, илмий билиш жараёнида ўлим билан биргаликда барҳаётлик тушунчаси ҳам азал-азалдан шаклланган. Бу ҳар бир инсонни доимий, яъни абадий мангуликда ҳаёт кечиришини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади. Чунки инсон ўлим муқаррарлигини онгли равишда ҳис қилади ва мангуликка (барҳаётликка) эришадиган йўлнинг эпистемологик томонларини қидиради.

Тўртинчидан, олимлар фан-техника ютуқлари натижасида ўлимни микроскопдан кўра олиш имконияти бўлмаса ҳам, психологик ҳолат сифатида у ҳақда фикр юритиш мумкинлигини таъкидламоқдалар. Бу эса танатологиянинг айрим хусусиятларини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, танатология йўналишида биоэтиканинг амалий масалалари, ўлим ва ўлишнинг психологияси, кексайиш психологиясининг механизми ва ўлим социологиясига катта эътибор қаратилади.

Илова: Ўқув-услубий қўлланмада учрайдиган айрим атамаларнинг қисқача мазмуни

Асфиксия – инсон қони ва тўқималарида кислород етишмаслиги сабабли вужудга келадиган ҳолат.

Биология (юн. Bíos – ҳаёт ва logos – таълимот) тирик организмлар ва табиий жамоаларнинг тузилиши ва функциясини, тирик мавжудотларнинг келиб чиқиши, тарқалиши уларнинг бир-бири ва нотирик табиат билан ўзаро боғланишини ўрганадиган фан.

Биоэтика – инсоннинг ўзини қуршаб турган муҳит олдидаги масъулияти, турли шаклларида, ҳайвонлар, ўсимликлар ва инсоннинг инсонга бўлган муносабатининг ахлоқий жиҳатларига тааллуқли бўлган фалсафий тушунча. Америкалик машҳур онколог врач олим ва инсонпарвар Ван Ранселер Поттер (1911 – 2001й.) томонидан фанга киритилган. Фалсафа ва тиббиётнинг қўшилиши натижасида вужудга келган.

Барҳаётлик – ушбу тушунча азал-азалдан мавжуд бўлиб, бу ҳар бир инсонни доимий, яъни абадий барҳаётликда ҳаёт кечиришининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишга қаратилган йўналишдир. Чунки ҳар бир инсон ўлим муқаррарлигини онгли равишда ҳис қилади ва барҳаётликка эришадиган йўлнинг илмий-фалсафий томонларини қидиради.

Ген – (юн. Gehos – уруғ, келиб чиқиш) – ирсиятнинг элементар бирлиги ва моддий асоси. Организм белги ва хусусиятларини наслдан-наслга ўтказиш вазифасини бажаради. 1909 йил даниялик генетик олим В.Иогансен томонидан фанга киритилган. Инсонда 10000 га яқин ген мавжуд.

Геронтология – биология ва тиббиётнинг тирик мавжудотлар, шу жумладан, инсоннинг қариши қонуниятларини ўрганувчи соҳаси.

Евгеника – (юн.eugehes – аслзот) Френсис Галтон томонидан яратилган ва Платоннинг “Давлат” асарига тақаладиган ҳам жисмоний, ҳам руҳий белгиларига кўра, мукаммал белгиларни келтириб чиқарадиган ва ношуд авлод туғилишининг олдини оладиган шароитлар ҳақидаги таълимот.

Ирсий инженерия – XX асрнинг иккинчи ярмида табиатшунослик фанлари тизимидаги умумий биология, умумий ва молекуляр генетика, биоорганик кимё, микробиология, цитопатология, ўсимликшунослик каби фанларга оид назариялар ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш усуллариининг бир-бирларини тўлдиришлари асосида вужудга келган.

Клиник ўлим – ҳаёт функцияларини тиклаш имкони қолмагунча, яъни биологик ўлимгача бўлган давр; бунда ҳаётнинг ташқи белгилари (юрак уриши, нафас) 3—5 мин. йўқолади, марказий нерв системаси функциялари сўнади, лекин моддалар алмашинуви жараёни сақланади.

Клон – юн. klon – шох, новда, бачки – бир ўсимлик ёки ҳайвон организмидан жинссиз ёки вегетатив кўпайиш йўли билан пайдо бўлган индивидлар насли. Немис олими Веббер клонни биринчи бўлиб таърифлаб берди (1903).

Консервация – лот. conservatio – сақлаш тарихий ва маданий ёдгорликлар (меъморий иншоотлар, тасвирий ва амалий санъат асарлари, китоб, қўлёзма ва б.)ни дастлабки ёки консервацияга тушган вақтдаги қиёфаси, чидамлилигини узоқ муддатга сақлашни таъминловчи чора-тадбирлар йиғиндиси.

Мавт – араб. сўздан олинган бўлиб, ўлим маъносини англатади.

Нейропсихология – психология соҳаси. Психик жараёнларнинг бевосита мия фаолияти билан боғлиқ жиҳатларини ва бош миянинг алоҳида системалари билан алоқасини ўрганади. Дастлаб неврология сифатида ривожланган.

Нирвана – санскритча ўчганлик, сокинлик, ўлганлик маъноларини билдиради.

Некрофилия – ўликни севиш деган маънони англатади.

Психотерапия – беморни даволаш учун руҳий таъсирдан режа асосида фойдаланиш. Психотерапия умумий ва махсус (хусусий)га бўлинади.

Преформистик – лотинчадан “олдиндан ҳосил қиламан” деган маънони билдиради.

Реанимация – лот. *animatio* – жонлантириш, тирилтириш – клиник ўлим ҳолатидаги кишиларни тирилтириш, шунингдек, ҳаётӣ муҳим аъзоларнинг бахтсиз ҳодисалар, касаллик ва унинг асоратлари натижасида тўсатдан йўқолган ёки ўзгарган функцияларини тиклаш учун кўриладиган чоратadbирлар мажмуи. Реанимация масалаларини реаниматология ўрганади.

Реинкарнация – лот. руҳнинг қайта туғилиши, руҳнинг кўчиши – инсон руҳининг ўлмаслиги ҳақидаги таълимотлардан бири.

Суд-тиббӣ экспертиза – тергов органлари белгилаши бўйича, ўликхонада ёки унинг бўлинмаларида (камдан-кам ҳолда бошқа мослашган хоналарда ўтказилади) мурдаларни, албатта, ёриш ва ўлим сабабини текшириш.

Суицид – ўз жонига қасд қилиш, ўз-ўзини ўлдириш каби тушунчаларнинг тиббиётдаги атамаси. Тугалланган (суицид) ёки тугалланмаган (парасуицид)га бўлинади.

Садизм – турли давлатларда турлича талқин этилиши ва уни фойдали ёки фойдасиз тарафларига эътибор қаратилганлиги билан инсоннинг маънавий-руҳӣ дунёсида алоҳида аҳамият касб этади. Садизм негизида бошқаларга, кўпинча, жисмонан заиф кишиларга озор етказиш, уларни қийнаш орқали ҳузур олиш ётади. Э.Фромм садизмни сексуал ва носексуал кўринишларга ажратиб таҳлил қилади.

Суд тиббиёти танатологиясида ҳам қасддан содир этилган ва тўсатдан содир этилган ўлимда мурдадаги клиник, биокимёвий ва морфологик ўзгаришлар моҳияти, мурдаларнинг суд тиббиётига оид текшириш муаммолари ва суд тергови билан боғлиқ турли масалаларини ўрганади.

Танатология – (юнон. «*thanatos*» – ўлим, *logos* – таълимот) ўлим, унинг сабаблари механизми ва белгиларини, шунингдек, ўлим олди азобларини енгиллаштириш масалаларини, ўлимнинг сабабларини, инсон организмидаги

ҳаёт фаолиятини яқунланишининг клиник ва биокимёвий томонларини ўрганади.

Табу – қатағон, таъқиқ (бирор иш ҳаракат, сўз ёки буюмнинг ман этилиши).

Транспалатация – одам ва ҳайвонларда патологик жараён натижасида шикастланган ёки олиб ташланган тўқималар ва органлар ўрнига соғломини кўчириб ўтказиш. Кўчириб ўтказилган тўқима ёки орган кимдан олинганига қараб трансплантантлар қуйидагича фарқланади: автотрансплантант – беморнинг ўзидан, аллотрансплантант – одамдан одамга, ксенотрансплантант – бошқа индивиддан. Қон қуйиш трансплантациянинг алоҳида тури.

Терминал ҳолат – лот. чегаравий – ҳаёт ва ўлим ўртасидаги чегаравий ҳолат.

Тўғри ўлиш маданияти – ўз жонига турли йўллар билан масалан, ўзини-ўзи осиш, ўзини-ўзи чўктириш, ўзини-ўзи отиш кабилар асосида қасд қилмасдан, тинч, осуда ва яхши ўлим топиши.

Умумий танатология – инсон ҳолатининг ўлим билан боғлиқ ўзгаришини ва ўлимнинг моҳиятини, умумий қонуниятларини илмий, рационал таҳлил этиш устувор аҳамият касб этади. Фалсафада ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги асосий масалалар умумий танатология доирасида ҳал этилади.

Хусусий танатология – ўлимнинг сабабларини, аниқ касалликлардан танатогенез хусусиятларини ўрганиш каби муаммоларга ва тиббиёт билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилади.

Хоспис – беморлар умрларининг охирини азоб-уқубат чекмай, тўлақонли маънавий ҳаёт кечириши учун имкониятлар яратилган даволаш маскани. Биринчи хоспис Англияда ташкил этилган.

Эпигенетик – юнонча “эпигенез” сўзидаги “эпи” олд қўшимчаси ҳаракат йўналишини унинг потенциал хоссаларидан уларнинг реаллашишига қараб йўналганини билдиради.

Эпидемиология – тиббиётнинг бир соҳаси. Инфекцион касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, тарқалишини ўрганади, шунингдек, уларга қарши кураш ҳамда олдини олиш чораларини ишлаб чиқади. Эпидемиология биология, микробиология, вирусология, генетика, биокимё, физика ва бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқ. Умумий ва хусусий эпидемиология фарқланади.

Эвтаназия – бедаво дардга чалинган беморларнинг врачлар томонидан дорилар ёки турли воситалар билан йўқ қилиниши ва касалнинг ўлим олди азобларини енгиллаштириш. Эвтаназия ихтиёрий ёки мажбурий бўлади.

Эмпирик танатология – ўлим муаммосини, ўлим олди ёки ўлим атрофидаги тажрибани, уларнинг илмий-фалсафий хусусиятларини ўрганувчи таълимот. Эмпирик танатология сифатида тиббий танатологияни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Эсхотология – (юн. eschato – сўнгги, logos – таълимот) – инсон ва инсониятнинг охирги тақдири, оламнинг охири ва қиёмат куни ҳақидаги диний таълимот.

Ўлим – ўлим ҳар қандай тирик мавжудотнинг табиий интиҳосидир. Ўлим қайд этилгандан сўнг ҳаёт функциясини тиклаш мумкин эмас ва ҳар қандай қайта тирилтириш чоралари ҳам инсонни ҳаётга қайтара олмайди.

Ўлим феномени – шундай жараёнки, ҳар бир инсонни кучли ва даҳшатли эмоцияга олиб келади. Ўлим феномени табиий ҳодиса бўлиб, биологик эволюцияда доимо алоҳида аҳамият касб этади.

Қуръони Карим – 30 пора (қисм), 114 сура, 6236 оят (Замахшарийга кўра, 6666 оят), 77439 калима, 325743 ҳарфдан иборат (оятлардаги ададнинг фарқли бўлишига сабаб, Ислом уламолари Қуръони Карим сураларининг бошида келадиган “хуруфи муқаттаот” ва “Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим” калимасини санаган ва санамаганларидадир) Ислом динининг муқаддас китоби.

Қабр – инсон руҳи яшайдиган, дўзах ғорларидан бири ё бихиштнинг боғчаларидан биридир.

Ғарб танатологияси – инсонни тўғри ва кафолатли, чиройли ҳаётдан кетишини таъминлашга, ўлим технологиясини илмий асослаб беришга қаратилган йўналишдир. Ушбу йўналиш танатологияни XX асрнинг иккинчи ярмида фан даражасига кўтариб, ўлим ва ҳаётнинг фундаментал парадигмасини яратди. Ҳозир ғарбда бу ҳақда кўпгина йирик илмий конференция ва симпозиумлар ўтказилмоқда. Турли хил ижтимоий ташкилотлар ташкил этилмоқда ва жуда катта ахборот базаси вужудга келмоқда.

Ҳаёт – олам яшаши ва намоён бўлишининг энг мураккаб шаклларида бири. Ҳаётнинг хилма-хил турлари, шакллари борки, улар борлиқнинг моддий шаклини ҳаракатга келтиришда, бошқаришда асосий ўрин тутди.

Ҳаёт фалсафаси – кенг маънода ҳаётнинг мазмуни, мақсади ва қадр-қиммати ҳақидаги муаммоларни тадқиқ ва талқин этувчи фалсафий оқим. Ҳаёт фалсафасининг асосий тушунчаси ҳаёт ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 42 б.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2., – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 382 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 447 б.
6. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 китоб. – Т.: Фан, 1983. – 253-361 б.
7. А. Авлоний Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Халқ мероси, 1994. – 14 б.
8. Азизиддин Насафий. Зубдат ул – ҳақойиқ. – Т.: Камалак, 1995. – 5 б.
9. Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – 45 б.
10. Амбрумова А.Г. Принципы организации суицидологической службы и перспективы научных исследований. // Труды Московского НИИ психиатрии. Том № 92. 1981. – 13-16 с.
11. Амбрумова А.Г. Психология одиночества и суицид. // Труды Московского НИИ психиатрии. Том № 92. 1981. – 69-80 с.
12. Арьес Ф. Человек перед лицом смерти. / Пер. с франц. В.К.Ронина. – М.: Издательская группа “Прогресс” –“Прогресс-Академия”, 1992. – 129 с.
13. Акопов В.И. Медицинское право в вопросах и ответах. – М.: ПРИОР, 2001. – 208 с.

14. Бердышев Г.Д. Реальность долголетия и иллюзия бессмертия. – Киев: 1989. – 701 с.
15. Бердышев Г.Д. Наука и религия о смерти и бессмертии. – Киев: 1986. – С. 47.
16. Бодрийяр Ж. Символический обмен и смерть. – М.: 2000. – 264-265 с.
17. Вишев И.В. Проблема личного бессмертия. – Новосибирск: 1990. – 217 с.
18. Демичев А.В. Дискурсы смерти: Введение в философскую танатологию. – СПб.: Инапресс, 1997. – 98 с.
19. Зиёмухаммедов Б. Комиллика элтувчи китоб. – Т.: Турон-икбол нашриёти, 2006. – 136 б.
20. Загыртдинова.Ф. Некоторые проблемы биомедицинской биоэтики. – Т.: Университет, 2005. – 132 б.
21. Кюблер-Росс Э. О смерти и умирании. – Киев: 2001. – 86 с.
22. Клемен К.Х. Жизнь мертвых в религиях человечества. Пер. с нем. и коммент. А.Е. Махова. – М.: Интрада, 2002. – 224 с.
23. Мухамедова З. Биоэтика. – Т.: Университет, 2006. – 90 б.
24. Маҳмуд Асҳад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Тошкент: Чўлпон, 2000. – 79 б.
25. Маҳмудов Т. Комиллик асрорлари. – Т.: Адолат, 2006. – 53 б.
26. Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт (Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош). – Т.: Моварауннаҳр, 2004. – 32-81 б.
27. Поликарпов В.С. Феномен жизни после смерть. – Ростов-на Дону: 1995. – 576 с.
28. Рязанцев С. Танатология – наука о смерти. – Спб: Восточно Европейский Институт Психоанализа Санкт – Петербург, 1994. – 87-88 с.

29. Раймонд Моуди. Жизнь после жизни. Есть ли жизнь после смерти. – М.: София, 2007. – 111 с.
30. Раймонд Моуди. Ўлимдан кейинги ҳаёт. Таржимонлар – Мансур Тенглашев, Аҳмад Отабоев. – Т.: Спитамен, 1992. – 12 б.
31. Румий Ж. Ичиндаги ичиндадур. – Т.: Ёзувчи, 1997. – 113 б.
32. Мураками Р. Танатос: (Роман) / Рю Мураками. Пер. И.Светлова. – Спб: ТИД Амфора, 2005. – С. 255.
33. Содиқова Ш. Геронтология: талқин ва ёндашувлар. – Т.: Академия, 2006. – 22 б.
34. Трубников Н.Н. О смысле жизни и смерти. – М.: 1996. – 183 с.
35. Трубников Н.Н. (Ҳаёт мазмуни ҳақида китоб) Квинтэссекция. Фалсафий алманах. – М.: 1990. – 445 с.
36. Тибетская книга мертвых (Бардо тхёдол). – М.: Подиум, 1992. – 7 с.
37. Умар Хайём. Рубоилар. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 82 б.
38. Форобий А.Н.Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1998. – 186 б.
39. Фрейд З. Мы и смерть / Танатология – наука о смерти. – Спб: Восточно Европейский Институт Психоанализа Санкт – Петербург, 1994. – 13-25 с.
40. Шермухаммедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Университет, 2005. – 361 б.
41. Ғаззолий А.Ҳ. Ўлимни эслаш китоби (араб тилидан таржима). Таржимон ва луғат тузувчи Рашид Зоҳид. – Т.: Мовароуннахр, 2004. – 9 б.
42. Ғаззолий А.Ҳ. Ўлимдан сўнг... (араб тилидан таржима). Таржимон ва луғат тузувчи Рашид Зоҳид. – Т.: Мовароуннахр, 2004. – 110 б.
43. Ғаззолий Абду Ҳомид. Кимиёи саодат: (Рух ҳақиқати). – Тошкент: Адолат, 2005. – 102 б.
44. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 15 томлик. – Т.: Давлат илмий

45. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. I–Китоб. Тузувчи ва илмий муҳаррир: Қиёмиддин Назаров. – Т.: ЎФМЖ, 2004. – 20 б.
46. Фалсафа: қомусий луғат. Тузувчи ва масъул муҳаррир: (Қиёмиддин Назаров). – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. – 467 б.
47. Қуръони Карим. Таржима ва шарҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – 36 б.
48. Имом ал-Бухорий. Ҳадислар 4 жилдлик, 3-жилд. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – 307 б.
49. Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий мажмуа // Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи фил. фан. док. профессор Ҳ.Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – 138 б.
50. Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати / Тузувчилар: М.Х. Саидов ва бошқ. – Тошкент: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти”, 2007. – 318 б.
51. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Такдирлар. Ҳикматлар. Афоризмлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 126 б.
52. Ғиёсов З.А., Махсумхонов Қ.А. Суицид ҳолатларининг суд-тиббий масалалари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – 25 б.
53. Пайзуллаев Қ.П., Салаев Н.С., Бобокелдиев Б.А. Ўлим жазоси: ўтмишда, ҳозирда ва келажакда. – Т.: Turon-Iqbol, 2005. – 279 б.

2. Диссертация ва диссертация автореферати:

1. Баканова А.А. Отношение к жизни и смерти в критических жизненных ситуациях: Дисс.... канд. психол. наук. – СПб.: 2000. – 203 с.
2. Варава В.В. Смерть как проблема нравственной философии (На материале русской философской культуры XIX-XX веков): Дис.... д-ра филос. наук. – Тула: 2005. – 448 с.

3. Гиясов З.А. Судебно-медицинская характеристика причин детской смертности в Узбекистане: Дисс... д-ра. мед. наук. – Т.: 1994. – 111 с.
4. Гагарин А.С. Экзистенциалы человеческого бытия одиночество, смерть, страх (от античности до Нового времени). Историко-философский аспект: Дисс.... д-ра. филос. наук. – Екатеринбург: 2002. – С. 355.
5. Загыртдинова Ф. Философско-этический анализ проблем современной биомедицины (на примеры Республике Узбекистан): Автореферат дисс... д-ра. филос. наук. – Тошкент: 2006. – 245 с.
6. Карабоев А.Г. Морфофункциональные изменения в гипоталамо-гипофизарно-нейросекреторной системе в процессе умирания и оживления организма: (Экспериментальное исследование). Дисс... канд. мед. наук. – Самарканд: 1998. – 24 с.
7. Каверина С.Е. Формирование представлений о смерти в художественной литературе (Социально-философский анализ): Дисс.... канд. филос. наук. – М.: 2005. – 131 с.
8. Назаров Н. Ирсий инженерия ахлокий муаммоларининг фалсафий тахлили: Фалсафа фанлари номзоди илмий даражисини олиш учун ёзилган диссертация Автореферати. – Т.: 2008. – 11 б.
9. Низова А.В. Проблема смерти в биоэтике и Православной традиции: Дисс... канд. филос. наук. – Тула: 2007. – 174 с.
10. Содикова Ш. Авлодлараро ворисликни таъминлашда қарияларнинг ўрни: Социология фанлари номзодлигини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2006. – 3 б.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3-16
I БОБ: ТАНАТОЛОГИЯ: ЎЛИМ ВА БАРҲАЁТЛИКНИНГ НАЗАРИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ.....	17-57
1.1. Танатология тушунчасининг фалсафий таҳлили.....	18-33
1.2. Ўлим ва барҳаётлик тўғрисидаги фалсафий қарашлар эволюцияси.....	34-57
II БОБ: ЎЛИМ ВА БАРҲАЁТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ДИНИЙ ҚАРАШЛАР.....	58-88
2.1. Ўлим ва барҳаётликнинг диний таълимотлардаги инъикоси.....	58-73
2.2. Инсоннинг маънавий-руҳий фаолиятида ўлим ва барҳаётликка бўлган муносабатлар.....	74-88
III БОБ: ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР РИВОЖИДА ЎЛИМ ВА БАРҲАЁТЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	89-129
3.1. Клиник ва биологик ўлимнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....	89-112
3.2. Ўзбекистонда ўлим ва барҳаётликнинг шахс маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрни.....	113-129
ХУЛОСА.....	130-137
ИЛОВА: ўқув-услубий қўлланмада учрайдиган атамаларнинг қисқача мазмуни.....	138-143
ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	140-144